

R 496
Guliston

2014/3

3me



*Tabiat – keng, ulug‘ maktab,
Hammayog‘i darsxona.
Har gul bargi oltin varaq,
Kitob bilsang yagona.*



SEN SOG' BO'LSANG

2013

Ота-она ўз дилбандининг дунёга келишини ширин орзиқиш билан кутади. Уни хаёлан эркалаб, суяди. Гўдагининг ёруғ келажаги тўғрисида орзу-умидлар қилади. Фарзанд дунёга келгандаги тенгсиз ҳаяжон, энтиқиш, қувончни ҳеч бир туйғуга тенглаштириб бўлмайди. Фарзанд оиланинг бахтини, иқболини, келажак билан ришталарни мустаҳкамловчи буюк неъматдир. Болажоннинг шодон кулгуси, атак-чечак қадам босишию, қилаётган ҳар бир ҳаракатларини кузатиб, барча чарчоқ-ташвишлар унут бўлади. Бу шодлик фарзанднинг соғлиги билан татимли. Бола соғлом бўлсагина кунимиз қувонч билан ўтади. Бугун болаларга эътибор уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлиги билан биргаликда кун тартибда турибди. Чунки эртанги кунимизнинг бугунгидан фаровонроқ бўлишини истар эканмиз, эртамиз эгаларининг ҳам Президентимиз айтганларидай, биздан кўра билимли, доно ва албатта бахтли бўлишларига эришишимиз шарт! Уларга бахтни ҳар дақиқа, ҳар дам бера олайлик. Болажонларимизнинг соғлом, гўзал хулқ эгаси, илмда беназир бўлиб етишишлари учун, биринчи навбатда, ота-онанинг берган тарбияси муҳим ўрин тутса, маҳалла-қўй, таълим-тарбия берувчи масканларнинг биргаликдаги ҳаракати баркамолликни шакллантиради. Фарзандга гўдаклигидан сингдирилиб борилган одоб-ахлоқ, тўғри тарбия эртага эл-юртига, жамиятга, оиласига фахр-ифтихор, раҳмат бўлиб қайтади.

Бунинг учун эса биз ота-оналар, аввало, фарзандларимиз қизиқишларини тўғри англай билишимиз ва шунга қараб тўғри йўналишни белгилашимиз зарур. Яъни уларнинг ҳар бир ҳаракатларини назорат қилиб боришимиз, дўстлари ким, қизиқишлари қанақа, баридан бохабар бўлиб, бўш вақтларини фойдали, мазмунли ташкил этишимиз жоиз.

Инсоннинг ҳамма орзу-ҳаваслари, ҳаёти мазмунида фарзандининг келажаги, бахту саодати билан боғлиқ мақсадларини кўрамиз. Фарзандимиз соғлом, оқил, иймон-эътиқодли, оиласи, эл-юртига нафи тегадиган инсон бўлиб етишишига ҳаракат қиламиз.

Соғлом бола деганда нафақат жисмонан, балки руҳан, маънан соғлом болани тушунишимиз керак. Уларнинг яхши ўқиши, сиҳат-саломатлиги, спорт билан шуғулланиши ва турли зарарли одатлар, ёт ғоялардан ҳимояланиши – буларнинг барчаси муҳим. Бола тарбиясининг мукамал йўлга

қўйилиши, унинг эртанги куни чароғонлигини ва етук инсон бўлиб етишишини таъминлайди.

Юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш устувор масалалардан биридир. Хусусан, ўтган йиллар давомида болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун шароит яратиш мақсадига катта куч ва маблағлар йўналтирилди. “Соғлом она – соғлом бола” тамойили асосида амалга оширилаётган кенг чора-тадбирлар репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, ирсий касалликларнинг олдини олиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислохотлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Ёшлар тарбияси каби ўта муҳим вазифаларни бажариш ота-оналардан, давлат органларидан, жамиятдан улкан масъулият ва фидойиликни талаб этади. Ўсиб келаётган авлодни Ватанга, жамиятга, оилага содиқ фарзанд этиб тарбиялаш, юрт равнақи, ҳимояси йўлида онгли қарор қилишга қодирлик руҳида балоғатга етказиш бугуннинг энг долзарб талабидир. Ёшлар давлат ва миллат истиқболини белгилайди. Келажакни эса билимли, ҳам маънан, ҳам жисман соғлом фарзандлар билан қуриш мумкин. Зеро, инсон ўз мақсад, орзу-умидларига эришмоқчи экан, фарзандларини соғлом ва маънавий бақувват авлод қилиб тарбиялаши зарур.

Бугун фарзандларимизни тарбиялар эканмиз, ўзимиз ҳам тарбияланиб, тобланиб борамиз. Болам, деб бошланган ҳар бир гапимиз жон томирларимизни ийдириб чиқади. Бола бизнинг борлигимизга, борлиғимизга айланиб кетган. Барча фаолиятимиз, барча югур-югурларимиз унинг порлоқ истиқболни, биздан кўра бахтлироқ бўлиши учун. Шунинг учун ҳам бу дунёнинг саодати — фарзанд, деб фарзандимиз қувончини кўлайтиришни, болалигини бахтга буркашни истаймиз. Фарзандимиз бир кун бетобланиб қолса, ҳаловат ва хотиржамликни йўқотамиз. Пешонасига қўлимизни қўйиб дардларини олғиларимиз келади. Унинг соғайиши кўнглимизни тозартиради, юрагимизни юкдан фориг қилади. Болам, сен учун ҳаммасига тайёрман, фақат тўқис, соғлом бўлсанг бўлгани...

Jurnal 1925- yildan chiqa boshlagan

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi**

Tahririyat:

Bosh muharrir

vazifasini bajaruvchi:

Jalolbek YO'LDOSHBKOV

Bosh muharrir o'rinbosari:

Manzura SHAMS

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbirlar:

Mashrab NURINBOYEV,

Ahmad TO'RA

sahifalash va dizayn:

Azamat FAYZULLAYEV,

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Nilufar HAYITOVA

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi raisi

Mahmud ISMOILOV

O'zbek Milliy akademik
drama teatri direktori

Suvon Najbiddinov

"Matbuot tarqatuvchi"
AK Bosh direktori

Abdulahob NURMATOV

Andijon viloyati hokimligi mas'ul xodimi

Baxtiyor Sayfullayev

O'zbekiston davlat san'at va
madaniyat instituti rektori

Norbek TOYLOQOV

Pedagogika fanlari doktori, professor

Jahongir QOSIMOV

"O'zbekkino" Milliy agentligi
Bosh direktori

Rustam QOSIMOV

"O'zbekiston pochta"
OAK Bosh direktori

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz
guliston_j@exat.uz

Ushbu sonda:

Zulfiya A'ZAMOVA

Bolalar "yaratayotgan" tarix

Hayot SHODMON

Erkim qo'shiq-kuy bo'lsin!

Kuyunchak ona

To'y kimning orzu-havasi?!

Ahmad A'ZAM

Quroq

Bahrom RO'ZIMUHAMMAD

**Shuurostiga yo'naltirilgan
ta'sir**

Azamat FAYZULLAYEV

Tasvirdagi sukunat sasi

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008- yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. "Guliston" jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x84_{1/8}, Buyurtma №58. Adadi: 1200 nusxa. Hajmi 6 b.t. Bosmaxonaga 16.06.2014- yilda topshirildi. Bosishga 16.06.2014- yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent - 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

**Jurnal «Muharrir» nashriyoti matbaa bo'limida chop etiladi.
Bo'lim manzili: 100060, Toshkent shahri, Elbek ko'chasi, 8-uy.**

TANLANGAN TOMOSHABIN UCHUN...

“Madaniyat va ma’rifat” telekanali direktori Vohid Luqmon bilan suhbat

– Бу йил “Madaniyat va ma’rifat” телеканали журналистика соҳасида эълон қилинган “Олтин қалам” Миллий мукофотининг бош соевринига эга бўлди. Сизларни, аввало, эришилган илк муваффақият билан қутлаймиз.

– 2005 йилда Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган “Олтин қалам” Миллий мукофоти мана, тўққиз йилдирки, оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни ўзига оҳанрабодек тортиб келади. “Олтин қалам” ҳар бир журналистнинг орзусига, мақсадига айланган.

Ҳар бир ижодкор ўз ижодининг, меҳнатларининг эътироф этилишини истайди. Гап танловнинг мукофот жамғармасида эмас. Гап – эътирофда. “Madaniyat va ma’rifat” телеканали қисқа фурсатда катта тажриба ва салоҳият, кенг томошабинлар аудиторияси ва номга эга бўлган телеканаллар билан бир сафда тилга олинаётгани бизни қувонтиради.

Президентимиз раҳнамолигида ўтган йиллар давомида оммавий ахборот воситалари даврнинг ҳақиқий кўзгусига айланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Хусусан, ОАВни янада либераллаштириш, сўз эркинлигини, соҳа ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган миллий қонунчилик базасини яратиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида “Madaniyat va ma’rifat”, “Dunyobo’ylab”, “Bolajon”, “Navo”, “Kinoteatr”, “Oilaviy”, “Diyor” телеканалларининг ташкил этилиши ҳам ана шу ислохотлар самарасидир.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ва маънавиятга эътибори туфайли ташкил этилган “Madaniyat va ma’rifat” телеканали ўз олдига қандай мақсад ва вазифаларни қўйган?

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини ошириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли бойитиш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган телеканалимиз ижодкорлари олдига бир қатор вазифалар қўйилган. Аҳолининг маданий ва маърифий даражасини ошириш,

ўсиб келаётган ёш авлодда илмий кашфиёт ва изланишлар, маданий қадриятларга бўлган қизиқишни шакллантириш, Ўзбекистон халқининг бой маданий-маърифий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитишга қаратилган бадий жиҳатдан юксак савиядаги маънавий, илмий-оммабоп ва маданий-маърифий теледастурларни яратиш вазифалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, трансляциянинг турли замонавий интерфаол шакллари ва усуллари, рақамли ва мультимедияли технологияларнинг имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, мамлакат аҳолиси ҳамда хориж жамоатчилигини Ўзбекистон Республикасининг маданий ва маърифий ҳаётида юз бераётган муҳим воқеалар тўғрисида ҳар томонлама хабардор қилиш, юртимиз мусиқа, театр ва тасвирий санъатининг энг сара намуналарини намойиш этиш, миллий адабиёт ва санъатимизнинг таниқли намояндалари ҳаёти ва ижоди тўғрисида телекўрсатувлар тайёрлаш ҳам асосий вазифаларимиздан саналади.


Бундан ташқари, телеканалимизда мамлакат аҳолисини, энг аввало, ёшларни фан, маданият ва санъат соҳасида дунё миқёсида эришилган илғор ютуқлар билан ҳар томонлама ва ҳолисона таништириш, инсониятнинг маданий ва интеллектуал меросини ҳамда чет эллардаги етакчи ўқув, илмий ва маданий марказларининг фаолиятини оммалаштириш каби мавзулардаги теледастурларга кенг ўрин берилмоқда.

Айни пайтда ушбу вазифалар ўз мақсади ва йўналишига эга бешта муҳарририятимиз томонидан бажариб келинмоқда.

2012 йилнинг 31 декабридан кўрсатув ва теледастурларини эфирга узата бошлаган телеканалимиз ижодкорлари қисқа фурсатда – 2013 йил 21 мартдан 24 соатлик эфир режимига ўтди. Бу, албатта ижодий жамоадан катта куч, салоҳият, фидойиликни талаб қилади. Муҳими, бизда ана шу куч, салоҳият ва фидойиликни ўзида мужассам этган аҳил жамоа, ҳақиқий ижодий муҳит бор.

– Ёшлар маънавиятини шакллантириш, маданий савиясини оширишда телевидениенинг, айниқса, сиз раҳбарлик қилаётган телеканалнинг аҳамияти, ўрни қандай?

– Президентимиз “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида маънавиятни шакллантирадиган



асосий мезонлар ҳақида сўз юритар экан, **маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар** маънавиятни шакллантирувчи энг муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди, муқаддас динимиз, аждодларимизнинг бемисл илмий-ижодий кашфиётлари, оила, маҳалла, таълим ва тарбия ҳам ёшларимиз маънавиятини шакллантиришда катта ўрин тутаяди.

Оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение ҳам ёшлар маънавиятини шакллантиришда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ана шу тамойилларга таяниб иш юритиб келмоқда.

Юртдошларимизнинг маданий савияси, билим ва дунёқарашини ошириш, қадимий анъаналаримиз, тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу билан бирга, ёш авлодни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда “Madaniyat va ma’rifat” телеканалининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Биз Президентимиз томонидан белгилаб берилган ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида кўрсатув ва теледастурлар тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз. Маънавий меросимизга бағишланган **“Сайқал”, “Тадқиқот”, “Биз кимларнинг авлодимиз?”, “Академик соат”, “Оқшом гурунглари”,** маданий бойликларимиз ҳақидаги **“Миллий мулк”, “Мерос”, “Тамаддун излари”, “Икки дарё оралиғи”, “Хазина”,** кўҳна тарихий ёдгорликларимиз тўғрисидаги **“Муборак масканлар”, “Қадим ва навқирон”** сингари кўрсатувларимиз шулар жумласидандир.

Шунингдек, халқ оғзаки ижодини кенг ёритиш мақсадида “Олтин дўмбира”, оила ва жамиятдаги, маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳит таҳлилига бағишланган “Мезон”, мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохотлар жараёни ҳақидаги “Миллий таълим” каби кўрсатувларимиз ҳам муҳлис ва мутахассислар томонидан маъқулланмоқда.

– Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги барча телеканалларда маънавий-маърифий кўрсатувлар бор. “Madaniyat va ma’rifat” телеканали қайси жиҳатлари билан улардан ажралиб туради?

– Юртимизда телевидение жадал ривожланмоқда. Энг муҳими, соҳада ихтисослашув жараёни кечаяпти. Томошабин ўз қизиқиши ва хоҳишига қараб танлаш имкониятига эга бўлаётир. Масалан, “O‘zbekiston” телерадиоканалида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий мавзуларга кўпроқ урғу берилаётган бўлса, “Yoshlar” телерадиоканалида ёшлар ҳаёти кенг ўрин эгаллайди. “Dunyо

bo'ylab" телеканали сайёрамиз табиати ҳақида кўрсатувлар тайёрласа, "Sport" телерадиоканали ўз номи билан спортга бағишланган.

Тўғри, сиз таъкидлаганингиздек, бошқа телеканалларда ҳам маънавий-маърифий йўналишдаги кўрсатувлар бор. Аммо бизнинг телеканалда бу соҳадаги ҳар бир йўналиш, ҳар бир мавзу кенг ва чуқур ёритилади, таҳлил ва талқин этилади. Бу борада бошқалардан ажралиб турадиган жиҳатимиз ҳам шунда бўлса керак. Масалан, биргина кино ва театрга оид бир нечта теледастурларимиз бор. Улар услуби, мавзуга ёндашилиши, шакл ва мазмуни жиҳатдан бири иккинчисини такрорламайди. Ҳар бири ўзига хос. Мисол учун, "Бир асар тарихи" кўрсатувида бадиий асарлар ва улар асосида суратга олинган фильмларнинг яратилиш тарихи ҳақида маълумот берилса, "Аншлаг"да ўзбек театри янгиликлари билан таништирилади, бу йўналишдаги дурдона асарлар таҳлил этилади. "Қиёфа"да эса ўзбек театр ва кино соҳалари ривожига ўз меҳнатлари, ютуқлари билан улкан ҳисса қўшган, юртдошларимизга ўзининг бетакрор роллари орқали танилган актёрларнинг бугунги кино ва театр хусусидаги фикр ва мулоҳазалари берилади.

"Дунё адабиёти", "Оқшом гурунглари", "Шеър сеҳри", "Нақл", "Адабий ўқиш" сингари кўрсатувларимиз ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини тарғиб этишга, адабий жараёнларни таҳлил қилишга бағишланган.

Санъатнинг муайян йўналишига бағишланган бундай кўрсатув ва теледастурларимиз талайгина.

– Аудитория масаласи, умуман, томошабинни жалб қилиш, кўрсатувларнинг савияси ва мазмун-мундарижасини ошириш учун нималарга аҳамият бериш керак?

– Ўтган қисқа вақт ичида жаҳон мусиқаси, операси ва балети, дунё адабиёти, жаҳон киносининг энг сара намуналарини танлаб, саралаб томошабинлар ҳукмига ҳавола этдик. Шу маънода, телеканалимиз моҳиятини, мақсадини англатадиган **"Танлаш учун кўринг, кўриш учун танланг"**, **"Танланган томошабин учун танлаб намойиш этамиз"** сингари имиж иборалардан фойдаланиб келмоқдамиз. Бироқ бу телеканалимиз аудиторияси чегараланганини билдирмайди.

Машҳур поляк режиссёри Анжей Вайданинг "Дирижёр" фильми қахрамони шундай дейди: **"Томошабин ҳамма жойда бир хил. Томошабинни сиз шакллантирасиз, улар сизни эмас. Уларнинг қалбини мусиқангиз, ҳиссиётингиз орқали эгалланг. Мусиқага қалбингизни беринг. Фақат ўзингизга суянинг, аниқроғи, ўзингизга ва томошабиннинг мусиқага бўлган муҳаббатига"**. Биз мана шу

сўзларни ўзимизга шиор қилиб олганмиз.

– Бугун кўп таъкидланаётган тележурналист қиёфаси, маънавияти масалаларига тўхталсангиз.

– Журналистлик инсондан фидойилик, жасорат талаб қилади. Холислик ва ҳаққонийлик унинг мезонига айлансагина одамлар ишончини қозонади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, журналист – элу юрт қувонч-ташвишларига шерик, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи, доим янгиликлар изидан юрувчи, жамият ҳаётининг очиқ ва шаффофлигини таъминлашни ўз бурчи, деб билувчи, жасур ва фидойи, беҳаловат инсон. Бу таъриф, бу эътироф тележурналист бўламлими, газета-журналларда ишлаймлими – ҳаммамизга бирдай тегишли деб ўйлайман. Аслида борни бор, йўқни йўқ, деб ҳамма нарсани ўз номи билан аташ учун инсон маънан етук, виждонан уйғоқ бўлиши керак. Бугунги глобаллашув даври шиддати биз журналистлардан янада кўпроқ фаолликни, тезкорликни талаб этмоқда. Айтаётган ҳар бир сўзимиз, аввало, миллий манфаатларимизга хизмат қилиши лозим.

– Келажакда "Madaniyat va ma'rifat" телеканали ўз томошабинини қандай янги лойиҳалар, кўрсатувлар билан хурсанд қилади? Канал режаларини айтсангиз...

– Ҳозирда эфирга узатиб келинаётган, томошабин эътибори ва эътирофига сазовор бўлган телелойиҳа ва кўрсатувларимиз қаторига тез кунда яна ўнлаб янги, кенг қамровли, томошабинни бефарқ қолдирмайдиган катта телелойиҳалар қўшилади. Масалан, айни кунларда томошабинларни халқ орасидаги ноёб истеъдод соҳиблари билан таништириш мақсадида **"Ўзингни намоен қил"** телетанлови устида ишляпмиз. Ток-шоу йўналишидаги **"Ойна"** кўрсатуви ҳам тез кунларда эфир юзини кўради. Унда бугунги кунда жамият ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар таҳлил қилинади, уларга ечим изланади. Мавзу бўйича қизгин баҳс-мунозарлар олиб борилади. Танланган ҳар бир мавзу кўрсатув экспертлари, қахрамонлари ва махсус меҳмонлари иштирокида, студиядаги томошабинлар мунозаралари орқали таҳлил қилинади. Бундай катта лойиҳаларимиз, режаларимиз кўп ва уларни амалга ошириш йўлида изланишларни давом эттирмоқдамиз.

– Мазмунли суҳбат учун раҳмат. Сизни ва Сиз орқали "Madaniyat va ma'rifat" телеканали ижодкорларини, барча ҳамкасбларимизни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куну билан табриклаймиз!

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
суҳбатлашди

Bolalar "yaratayotgan" tarix



Музейларнинг маънавий ва маданий меросимизни сақлаш, миллий ўзлгимизни англашдаги аҳамияти беқиёс. Чунки музей фондларидаги ноёб ашёлар, қадимий қўлёзмалар, деворий сурат, мато, ёғоч, сопол, металлдан ишланган буюмлар халқимизнинг қадимги даврлардаёқ бой моддий маданиятга эга бўлганидан дарак беради. Президентимизнинг "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонида музейларнинг халқимиз маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, мустақиллигимиз одамларини акс эттирувчи ноёб экспонатлардан миллий ғурур ва ифтихор, садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш асосий мақсадлардан бири сифатида белгилаб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз фуқароларини чет элларда сақланаётган тарихимизга оид осори атиқалар билан кенг таништириш ҳамда музейларимиздаги ноёб экспонатлар орқали халқ онгида умумбашарий қадриятларга, улкан ва бой миллий-маданий меросимизга ҳурмат-эҳтиром


қобилиятини шакллантириш, маҳорат дарслари орқали миллий амалий санъат намуналарини яратиш жараёнлари билан таништирган ҳолда уларда ҳам санъатга, миллий ҳунармандчилигимизга қизиқиш уйғотишдан иборат. Шу мақсадда болалар учун алоҳида "Археология", "Нумизматика", "Ёш кулол", "Тасвирий санъат", "Каштачилик", "Ўзбекистон неъматлари" каби бўлимлар яратилган. Болалар музейида ўқувчилар барча нарсаларни томоша қилиш билан бирга, қизиққан экспонатини қўллари билан ушлаб ёки ясаб кўриши мумкин. Чунки минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган, бажарилган иш кўпроқ ёдда қолади. "Ёш кулол" бўлимида болалар ўз қўллари билан лойдан турли ўйинчоқлар, ҳайвонларни ясашлари мумкин. "Ёш археолог" бўлимида болалар археологияга оид тадқиқотлар билан танишиб, тангаларни қидириш ва улар даврини аниқлаш ишларида иштирок этиш орқали ўз қизиқишларининг самарасини кўрадilar. "Мўъжизалар оламида" музейида миллий



туйғуларини тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилган.

Музейлар ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда муҳим рол ўйнайди. Болаларнинг тарихга, табиатга ва умуман, инсоният ўтмишига қизиқишини орттириш ҳамда дунёқарашини шакллантириш, тафаккурини бойитиш, мустақил фикрлаш имкониятларини кенгайтиришда улар учун махсус ташкил этилган музейларнинг аҳамияти катта.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида ҳам 2011 йил 19 августда 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган фарзандларимизга мўлжаллаб, "Мўъжизалар оламида" болалар музейи ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси келувчиларнинг Ватанимиз тарихи ҳақидаги билимларни бойитиш, табиатга тўғри муносабатда бўлишни ўргатиш, ижодий



байрамлар, муҳим саналар, йил фаслларига бағишланган турли тадбирлар режаси тузилган бўлиб, тадбирлар доимий равишда ўтказиб келинади. Музейда ўзбек халқ санъати турлари: каштачилик, матога гул босиш, кулоллик, миниатюра, рассомлик бўйича маҳорат дарслари ўтказилади. Жумладан, “Музейлар тарих кўзгусида”, “Яна баҳор”, “Жамалаксоч”, “Болаларга беринг дунёни”, “Дўппиларда юрт жилоси”, “Кашта ва дўппи тикиш санъати”, “Матоларда ранглар камалаги”, “Кулолчилик”, “Бисер тикиш санъати”, “Моҳир қўллар” ва бошқалар.

Маҳорат дарсларини ёш модельер-дизайнер Зарина Мажидова, рассомлар Сирожддин Маткаримов, Азиза Расулова, Зиёда Исмоилова, музей ходимлари, шунингдек, “Ўйинчоғим-овунчоғим”, “Қўғирчоқсозлик”, “Ўйинчоғим” каби маҳорат дарсларини “Жайхун” қўғирчоқ театри бадиий раҳбари, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, ҳунарманд уста Мансур Қурёзов олиб боради.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида миллий байрамлар, маросимларга бағишланган

тадбирлар, маҳорат дарслари ташкил этилиб, унда республикаимиздаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, мактаб-интернат, лицей, коллеж, институт талабалари иштирок этишади. Музей маъмурияти болалар учун ўтказиладиган тадбирларга алоҳида эътибор қаратиб, унда барчанинг иштирокини таъминлашга эришади. Айниқса, болаларнинг иштироки уларнинг ўзлари учун катта мактаб бўлади. Болалар кунларида экскурсовод ёрдамчилари, музей маъмурларининг ёрдамчилари, кузатувчилар болалар орасидан танлаб олинади.

Бундай тадбирлар ўқувчиларни ўз тарихий билимларини кенгайтириш, аждодларининг бой моддий-маънавий меросига ҳурмат билан қараш ва уларни асраб-авайлашга ўргатади. Шунингдек, ўз юртининг муносиб, етук, комил фарзанди бўлиб етишишга ундайди.

Зулфия АЪЗАМОВА,
Ўзбекистон тарихи давлат
музейининг катта илмий ходими

Ta'limni tanlagan talant



“Шафтоли гуллаган боғда... Атрофимда ўзим тенги қизалоқлар, қўлимда дутор. Қўлларим дастасига етмай, дутор пардаларини аста-аста силаб қайтарди. “Қоралар, қоп-қоралар” деган қўшиқни ҳиргойи қилгандим ўшанда”, – деб эслайди ўз болалик онларини Комила Аминова.

Комила Аминова 1957 йил Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида ишчи оиласида туғилган. Болалигида радио орқали эшитган ҳуш наволарни ҳиргойи қилиб юрган жажжи Комилахон куни келиб санъатнинг ўз одамига айланаман, деб ўйламаганди. Санъатнинг машаққатли йўли уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти қилиб, шогирдлари ардоғига, халқнинг меҳрига сазовор қилди.

У 1974 йилда Учкўприкдаги мактабни тамомлаб, консерваториянинг тайёрлов бўлимига таҳсил олиш учун келади. Жамалак сочли, кичкина қизалоқнинг жанрангдор товуши устозларни ҳайратга солди. Уни Фахриддин Содиқовнинг синфига ўқишга қабул қилишди. Тайёрлов бўлиmidан консерваторияга имтиҳонсиз қабул қилинди. 4-курсда ўқиб юганида тайёрлов бўлими ўқувчиларига мақомдан сабоқ бера бошлади. Талабалигидаёқ устозлик шарафига муяссар бўлиб,

сидқидилдан ишлади. Мақомда бир қўшиқни тўғри ижро йўлига солиш, сайқални бошқа бир овозга мослаш, пардама-парда ўргатишдан саҳнада ўнта катта ашула айтиш осонроқ эди. Бироқ Комилахон бу машаққатларга бўй бермай, устозлар ўгити, маҳорат ва тўпланган тажриба асосида шогирдларига сабоқ бераверди. Ҳар бир шогирдининг муваффақиятини ўзининг байрами санади.

Устозлар ҳақида гап очилса, Комила Аминова машҳур бастакор ва созанда Фахриддин Содиқов номини эҳтиром билан тилга олади. Аслида унинг ижросида Ф.Содиқовнинг услубиёти сезилиб туради. “Эй, мард вафодор”, “Эй, чеҳрайи тобоним”, “Сўлим баҳор”, “Бир гўзал”, “Гўзал”, “Барно йигитлар” қўшиқларида бу ҳолат яққол кўзга ташланади.

Кейинроқ К.Аминова Шавкат Мирзаев, Маҳмуджон Муҳамедовлардан сабоқ олди. 1980 йилда Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли учун консерваториядан танлаб олинган ёш овозлар ичида 4-курс талабаси Комила Аминова ҳам бор эди. Шу вақтдан бошлаб у мусиқа олами дарғалари Берта Давидова, Эсон Лутфуллаев, ака-ука Ваҳобовлар, Олимхон Отахонов, Абдуҳошим Исмоилов каби бир қанча устозлар билан бирга ишлаш, улардан мусиқа сирларини ўрганиш бахтига муяссар бўлади. Секин-аста у катта-кичик тадбирларнинг фаол иштирокчисига айланади. Бугунги кунга қадар Комила Аминова аънанавий “Шарқ тароналари” фестивалини, қатор оммавий тадбирларни шогирдлари тимсолида жонли ижродаги қўшиқлари билан бойитиб келмоқда.

Гулруҳ ОТАҚУЛОВА



Uch "XAMSA" muallifi

Абдибек Шерозий Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийдан кейин хамсанавислик анъанасининг давом этиши, тараққиётига ўзига хос ҳисса қўшган ижодкорлардан. Форсийда ижод қилган ушбу шоир таржимаи ҳоли тугал ёзиб қолдирилган бўлмаса-да, у ҳақдаги маълумотларни унинг ўз асарлари ҳамда замондош ижодкорларнинг битикларидан билиб олишимиз мумкин. Унинг 10 минг байтлик ҳажмга эга лирик мероси бўлиб, уларнинг айримларигина бизгача етиб келган.

Жами ўн бешта маснавийни ўз ичига оладиган учта «Хамса»нинг фақат дастлабкиси анъанавий хамсанавислик мезон ва талаблари асосида яратилган. Эътиборлиси, аввалги икки асар «Хамсатайн» номи билан алоҳида китоб ҳолида кўчирилган. Маълумки, бу ном билан Шарқда Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий «Хамса»лари шуҳрат қозонган эди.

Шоир Хусрав Ширин ва Фарҳод ҳақидаги сюжет ўрнида, Шоҳ Жамшид ва Дилора ҳақидаги ишқий романтик сюжетдан фойдаланади. Дастлаб «Жоми Жамшидий» номли алоҳида дoston яратилган бўлиб, «Хамса» яратиш фикри кейинчалик туғилган бўлиши мумкин. Унинг илк «Хамса»си таркибидаги «Жоми Жамшидий» тўртта дostonнинг танқидий матнлари озарбайжонлик шарқшунос олим Абулфазл Раҳимов томонидан нашр эттирилган.

Шоир дostonларнинг нафақат мазмуни, балки композициясини ҳам тубдан ўзгартиришга интилган. Жумладан, Шоҳ Баҳром ҳақидаги анъанавий сюжет асосида яратилган «Ҳафт ахтар» («Етти юлдуз») дostonида ҳикоятлар одатдагидек шанба куни қора қасрдан эмас, якшанба куни сариқ қасрдан, Хуросон шоҳининг қизи ҳикоясидан бошланади. Бу бир қарашда жиддий аҳамиятга молик бўлмагандек кўриниши мумкин. Бироқ анъанага кўра, ҳикоятларнинг қора қасрдан бошлаб оқ ранга довур ўзгариши, ёришиб бориши кўпгина олимларнинг фикрича, асарларнинг таъсир даражасини

оширади.

Биринчи ҳикоят Хуросон шоҳининг қизи, оқ қасрдаги олтинчи ҳикоят Самарқанд шоҳининг қизи тилидан ҳикоя қилиниши тасвири муаллифнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон маданияти, илм-фан ва адабиётига алоҳида меҳр билан қараганлигидан далолат беради.

Шоирнинг деярли барча дostonларида Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, баъзи асарларида Абдуллоҳ Ҳотифий каби хамсанавис шоирларга юксак эътиром акс этади. Шу билан бирга, унинг асарларида Алишер Навоий шахсияти ва ижодига ҳам мурожаат этилганлиги эътиборга лойиқ ҳолатдир.


Асарнинг ўн бешинчи мақолотида Алишер Навоийнинг туркий шеърятда тенгсиз ижодкор эканлиги эътироф этилади. Бу борада, айниқса, шоирнинг хулосаси эътиборга молик:

*Зоғ чу дар боғ барорад хурӯш,
Нағмаи булбул натавон кард гӯш.*

Зоғ боғда қичқиришни бошласа, булбул навосини эшита олмайди.

Навоий шеърятининг булбул навосига қиёсланиши бежиз эмас, албатта. Мазкур эътироф икки жиҳатдан аҳамият касб этади. Биринчидан, бу мисралар Алишер Навоий истеъдоди, ижодий маҳорати нафақат туркийзабон, балки форсийзабон халқлар орасида ҳам XVI асрдаёқ катта шуҳрат таратганлигига яна бир далил. Иккинчидан, Абдибек Шерозий Алишер Навоий ижоди билан яхши таниш бўлиб, ўз «Хамса»сини яратишда Низомий, Амир Хусрав, Жомий, Ҳотифий асарлари сингари Алишер Навоий «Хамса»сидан ҳам маълум даражада таъсирланган ва илҳомланган. Бу эса унинг дostonларини Алишер Навоий асарлари билан қиёсан ўрганиш эҳтиёжини туғдиради. Ҳозирга қадар яратилган тадқиқотларда бу нарсга кўзга ташланмайди.

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ
филология фанлари доктори,
Собир ТОҲИРОВ
филология фанлари номзоди



XXI asr musiqa ta'limi: muammolar va yechimlar

Юртбошимиз ташаббуси билан кадрлар тайёрлаш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрларни тайёрлаш Миллий дастури"нинг қабул қилиниши, таълимнинг миллий модели ишлаб чиқилиши оила, жамият ва давлат олдида ўз масъулиятини ҳис қилувчи ёшлар тарбияси учун қулай ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий шароитларнинг юзага келишига асос бўлди.

Муҳим тарихий аҳамиятга молик ушбу жараённинг узлуксиз фаолият кўрсатишида мактабгача musiқий тарбия, болалар musiқа ва санъат мактаблари, musiқий академик лицейлар, коллежлар, ижодий ва педагогик олий ўқув муассасалари фаолиятини қамраб олувчи узлуксиз musiқий таълим ва тарбия тизими катта рол ўйнайди. Давлатимиз томонидан ушбу соҳа моддий-техник базасини тубдан яхшилаш борасида қатъий чоралар амалга оширилди. Хусусан, сўнгги йилларда икки юздан ошiq болалар musiқа ва санъат мактаблари, ўнлаб musiқага ихтисослашган лицей ва коллежлар учун янги бинолар қурилди ёки капитал таъмирдан чиқарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига биноан, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти учун махсус янги бинолар қурилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси қошида иқтидорли болалар академик лицейи, малака ошириш факультети, ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот маркази, musiқий чолғулар музейи ташкил этилди.

Musiқий таълимга берилаётган эътибор салмоғи кўп асрлик миллий musiқий таълим анъаналарини жаҳон тажрибалари билан ижодий интеграциялаштирган ҳолда таълим жараёнининг ички мазмуни ислоҳ қилиниши, ўқитиш методикасининг такомиллаштирилиши

ҳамда методологик базасининг тубдан ўзгаришида намоён бўлади. Бунда асосий эътибор инновацион ишланмалар, илғор musiқий-педагогик технологияларни жорий этишга қаратилган. Ушбу масала бугунги куннинг энг долзарб ва истиқболли йўналишлари қаторидан ўрин олмоқда.

Замонавий musiқа таълимнинг долзарб муаммолари, янги йўналишлари таҳлили, янги инфор­мацион технологияларни musiқий таълим тизимига жорий этишга бағишланган "XXI аср musiқа таълими: муаммолар ва ечимлар" номли халқаро илмий-амалий конференциянинг ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳжамасининг 2013 йил 23 декабрдаги 868-Ф-сонли фармойиши билан Ўзбекистон давлат консерваторияси зиммасига юклатилган.

Илмий анжуманга Ўзбекистон, Германия, Россия, АҚШ, Франция ва Жанубий Кореянинг атоқли олим ва ўқитувчилари, шунингдек, ёш мутахассислар томонидан юзга яқин маърузалар тақдим этилган. Конференцияда Тошкентдаги етакчи musiқий таълим муассасалари (Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган musiқий академик лицейи), Урганч, Бухоро, Наманган, Фарғона, Қарши давлат университетлари иштирок этишди. Тақдим этилган маърузаларда musiқий таълим муаммолари ижтимоий-гуманитар жараёнлар, миллий анъаналарни асраб-авайлаш ва musiқий таълим методологияси ҳамда тарихига оид масалалар билан боғлиқ ҳолда муҳокама этилди.

Конференцияда инновацион педагогик технологияларни жорий этиш, янги musiқий ихтисослик ва йўналишларни таъсис этиш заруратига алоҳида эътибор қаратилди.

МАҚСУДБЕК

RAQS TILIDA DILLASHIB



Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси томонидан Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш, ёш истеъодларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс ижрочиларининг республика кўрик-танлови 1997 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Бу йил ҳам ушбу танлов ўзига хос тарзда ўтказилиб, Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигига бағишланди.

Мазкур танловда ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган 18 нафар миллий рақс ижрочилари

беллашдилар. Иштирокчиларнинг чиқишларини Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Қўрқмас Соатов, Ўзбекистон халқ артистлари Қундуз Миркаримова, Маъмура Эргашева, Қодир Мўминов каби нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боришди.

Танловнинг биринчи босқичида иштирокчилар Мукаррама Турғунбоева ижро этган “Тановар”, “Роҳат”, “Муножот”, “Пилла”, “Фарғона рубойиси”, “Нозанин” каби ўзбек санъатининг олтин хазинасидан ўрин олган сара рақсларни ижро этдилар. Иккинчи босқичда замон талаблари даражасида янгидан саҳналаштирилган рақслар тақдим этилди.

Миллий рақс санъатининг ёш иҳлосмандлари иқтидори, интилишларини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, улар орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва санъат намуналарини катта саҳнада кенг оммага ҳавола этишга имконият яратаётган кўрик-танлов юқори савияда, кўтаринки руҳ билан ўтказилди.

“Ўзбекистон” ашула ва рақс ансамбли раққосаси Дилором Мадраҳимова кўрик-танловнинг ғолибаси бўлди. “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси раққосалари Нафиса Мўйдинова ва Соҳибжамол Абдураимова иккинчи, “Сабо” ансамбли раққосаси Феруза Саримсоқова ва “Сирдарё наволари” ашула ва рақс ансамбли раққосаси Умида Омоновалар учинчи ўринга эга бўлишди.

Bugunga tutash moziy

Ўзбекистон маданият ва санъат кўرғазмасида музейлар ойлигини ўтказиш масалаларига бағишланган “Музейлар – бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз” мавзусидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Маданият ва спорт ишлари вазири, унинг ўринбосарлари, вазирликнинг тегишли бошқармалари бошлиқлари, музейларнинг масъул ходимлари, ёш ҳунармандлар, рассомлар, санъат ва спорт соҳасида ютуқларга эришган ёшлар, хусусан, “Зулфия” номидаги давлат мукофоти, “Ниҳол” мукофоти совриндорлари, халқаро санъат фестиваллари ва спорт мусобақалари ғолиблари иштирок этдилар.


Тадбирда ойлик доирасида амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар, тадбирлар тўғрисида маълумот берилди. Шунингдек, аҳолини бебаҳо ва бетакрор тарихий экспонатлар билан таништириш, ёшларни она Ватан ва аждодлар меросига муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда мустақилликни асраб-авайлаш туйғуларини қарор топтиришга қаратилган фикрлар билдирилди.

Музейлар ойлигини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унда мамлакатимиз бўйлаб барча музей, кўрғазма заллари, уй-музейлар ўз лойиҳалари билан фаол иштирок этди.

Ўтказилиши режалаштирилган кўрғазмалар, уй-музейларда турли мавзудаги давра суҳбатлари, илмий-амалий маъруза ва семинарлар, адабий учрашувлар, маҳорат дарслари ва бошқа тадбирлар ёшлар билими ва дунёқарашининг бойишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Шу куни Маданият ва санъат кўрғазмасида очилган “Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот” мавзусидаги экспозиция, тадбир сўнггида ташкил этилган умидли, ёш ижодкорлар иштирокидаги концерт дастури давранинг янада файзли ўтишига хизмат қилди.

Нилуфар ҲАЙИТОВА



Хаёт ШОДМОН

Erkim qo'shiq-kuy bo'lsin!



СОҒИНГАНЛАРИМ

Ташналигим қондирган булоқ,
Кўксимда ўт ёндирган фироқ,
Қанча кетар бўлсам-да йироқ –
Шунча яқин соғинганларим...

Ҳақ – отамнинг тузган тузуғи,
Йўл – онамнинг тўзган урчиғи,
Қўшнимизнинг ҳатто пучуғи
Кўз ўнгимда соғинганларим...

Тойчоғим ҳам тулпор бўлгандир,
Қўшни қиз ҳам дилдор бўлгандир,
Уйларига совчи келгандир?!
Хавотирим – соғинганларим...

Сув ботириб еган кулча нон,
Тўйлар оши талошдир ҳамон,
Тутармикан йўлига боқон?!
Ҳақим сўраб, соғинганларим...

Ташналигим қондирган булоқ,
Кўксимда ўт ёндирган фироқ,
Қанча кетар бўлсамда йироқ –
Шунча яқин соғинганларим...



ЙИГИТНИНГ ДАНГАЛИ

Ушлаган еридан узади,
Йигитман деганнинг чангали.
Ҳайқирса, тоғларни бузади,
Йигитман деганнинг дангали.

Ёр билар омадни ўзига,
Тик боқар номарднинг кўзига.
Эгалик қилар ҳар сўзига,
Йигитман деганнинг дангали.

Хушомад, мақтовга учмайди,
Сирининг сиёғи кўчмайди.
Суймаган санамни кўчмайди,
Йигитман деганнинг дангали.

Кундага қўйса ҳам бошини,
Емайди номаъкул ошини.
Бировга ортмайди лошини,
Йигитман деганнинг дангали.

Санасанг, санокда бор бўлар,
Сўрасанг, садоқда бор бўлар.
Синасанг, қаторда нор бўлар,
Йигитман деганнинг дангали.

Қўрқоққа қўлини кирламас,
Ғанимнинг зўрини мирламас.
Сурилар суягин хўрламас,
Йигитман деганнинг дангали.

Яримта тишламас нонини,
Орият билади шаънини.
Юрт учун тикади жонини
Йигитман деганнинг дангали!

АЛҚОВ

Қиз кўнглини сўровчи
Пешонанинг ёзуғи,
Эгачига эгачи –
Ишқ бўлсин жон озуғи.

Сўзларида андиша,
Ҳаёсида роз келсин,
Дилидаги ҳамиша
Ниятига мос келсин!

Қалб кўзгу тутганида
Чимилдиқ ичра илк бор,
Аҳд-вафо ардоғида
Туташ келсин мангу ёр!

Бош қўйиб бир ёстиққа
Орзу-ю тилаклари,
Янгайверсин борлиққа
Алла-ю эртаклари!

Бодроқдай кўпайсин
Ўғилчаси, қизчаси.
Бир бетидан қизарсин,
Ёпган барча кулчаси!

Эр етганига келин,
Бўй етганин узатсин.
Данақдан мағзи ширин –
Йилда бешик тузатсин!

Тугал, тўкис бахт берган
Суюнтирсин иқболи.
Худо ўзи нақд берган –
Ёнида юрсин чоли!

ДУНЁ

Дунё... дунё... кунмисан,
Эрта чиқиб, кеч ботар?
Осмондаги Оймисан,
Эртак айтиб тонг отар?

Шамол-шамол, совурдинг –
Қайтариб бер, вақтимни.
Болалигим – пошшолик,
Деган тожу тахтимни...

Айланасан, дийирман,
Айлантирган сув қайда?
Менгинанинг бошини
Айлантирган қув қайда?


Тулпорининг жолига
Какил қўшиб ўрганман.
Сўғишга кетар чоғи
Сўнги марта кўрганман.

Дунё, қора қот бўлиб,
Чачларимди жулдирдинг.
Болаларим қитиқлаб,
Мени қўшиб кулдирдинг.

Дунё, қора товмисан,
Унда нега бошинг оқ?
Тилим-тилим кесилган
Кўкайимга чега қоқ!

Дунё, сахро-чўлмисан,
Қултум сувга зор қиған?
Қудугининг сувини
Кўз ёшларим шўр қиған.

Эслаб эсим кетмасдан
Ризолик бер, ўлим бор.
Сени жомон дегандинг
Жоғасида қўлим бор!

**ДЎМБИРАМ**

Қўлда созим – дўмбира,
Дилда розим – дўмбира,
Куйлаганда бахтимдан,
Жўр овозим – дўмбира.

Эрким қўшиқ-куй бўлсин,
Орзу-ҳавас, ўй бўлсин,
Озод, обод юртимнинг
Кўрган куни тўй бўлсин!

Дўмбир-дўмбир, дўмбирам,
Сайра-сайра, дўмбирам,
Қучоғимни тўлдириб-а,
Яйра-яйра, дўмбирам!

Толмас чертиб билагим,
Тинч-тотувлик тилагим,
Юрт мадҳини куйласам,
Жўш уради юрагим!

Ҳақ қарашар элимга,
Бахт ярашар элимга,
Фарзандларига мерос –
Тахт ярашар элимга.

Ғанимларга бас келган,
Сўзи доим рост келган,
Ор-номусдан сўйларсан,
Ботирларга хос келган.

ЯККАМИХ

Отдан баланд, итдан паст –
Эгар эгиб турар қош.
Қозиқдаги калта даст –
Қамчи унга кўнгилдош.

Туёқлари тош кесар
Табладаги ор қайда?!
Тўққиз ёшида тарлон –
Танилган тулпор қайда?!

Бир силтаб тақим босар
Куч қайда, қудрат қайда?!
Хуржунида дўмбира
Ўр, ўжар улфат қайда?!

Сувлиқ тишлаб, улоққа
Тиззалаган дўст қани?
Бировга марра бермай
Иززалаган қасд қани?!

Давру даврон ҳам балким
Юргандир от совутиб.
Яккамих умид боғлар,
Эгар-абзал овутиб.

Фарзанд дунёга келар экан, ота-она энг яхши, энг ичкин тилакларни тилайди унга. Бахтинг бутун, иқболнинг порлоқ бўлсин, тўйларингни кўрай, дейди. У улғайгани сари ширин ташвишларию унинг саодатига доир орзулар ҳам каттариб боради. Айниқса, тўй-тўйчиққа бориб қолса, бизни ҳам шундай тўйларга етказсин, деб фарзанди ортидан орзу-ҳавасларга берилади...

Орзу-ҳавас – чиройли туйим. Шу орзу-ҳаваслар боис яхши кунлар учун йиғинилади. Ҳатто етса ошириб-тоширилади, етмаса, қарз-ҳавола қилинади. Ишқилиб, эл қатори (баъзан элдан ўзиб) тўй бўлса бўлди. Яхши-да, ҳамма ҳам фарзанди вояга етса, карнайлатиб-сурнайлатиб тўй қилишни истайди. Шу боис унда-бунда тўйларга таклифнома олиб турамиз. Ва яқинларимизнинг шодликларига шерик бўлиш учун тўйга ошиқамиз. Тўйга келгач эса...

То‘у kimning orzu-havasi?



Айтмоқчи бўлганларим тўйнинг ичкараси ҳақида. Яхшиси, қариндошимнинг яқинда ўзим гувоҳи бўлган тўйи ҳақида гапириб, мулоҳазаларимни шу тўй атрафида бирлаштираман. Бахтдан масрур келин-куёв мусиқа садолари билан тўйхонага кириб келишди. Уларнинг истиқболига ҳамма баробар ўрнидан турди. Биз куёвнинг кекса тоғасини ва бувисини тўйни очиб беришга чиқарсизлар, деб тайёрлаб тургандик. Бошловчи ҳаммани ўтиришга таклиф этди. Ҳамма жойлашиб олгач, сўзни сўзга уриб шундай тилаклар айтдики, ёшгина бўлиб шунча гап билганига ҳайрон қолдик. Хуллас, тўйни очиқ деб эълон қилди. Ҳайрон бўлдик, бу ким ўзи шунча катта ёшлилар туриб, ўзи дуо қилиб берадиган! Майли, ҳамманинг кайфияти яхши, нима бўлгандаям яхши тилаклар айтди-ку, деб қўя қолдик. Хуллас, сўзамол бошловчи бу тўйда гап-сўз кам бўлишини, совға-салом борлар тезгина топшириб олишини, тўйни чинаками шодиёна тарзида олиб боришини айтиб, санъаткорларга навбат берди. “Эл ардоғидаги”, “севимли”, “биз севган” кўшиқчилардан беш-олтитаси тўй давомида бирров-бирров кўшиқ “куйлаб” кетишди. Бу ёғи фонограмма орқали “бара-бара-бара, бери-бери-бери”... Учтаси қатор турволиб оғиз қимирлатади, холос. Бошловчи эса фалон гуруҳнинг хушовоз хонандаларига раҳмат ёғдиришдан

эринмади. Ўртада амма-холаларга сўз беришдан олдин мажлис бўлиб кетмаслиги учун қисқа сўзлаб, базмни яна давом эттиришга ваъда бериб қўйди. Бу билан сўзлагучилар ҳам қисқа сўзлаш позимлигини ўқиб олишди. Аслида, тўй эгаси узоқ-ёвуқ қариндошларини фарзандлари билсин, танисин деган мақсадда тўйга айтади...

Яна ёниб-ўчаётган чироқлар ва сершовқин мусикадан кўпчилик, айниқса, катта ёшлилар безовта бўла бошлашди. Аллақайси хорижий мусиқа эса тинмайди, энди куйлагичлар ҳам дискни улаб қўйиб, ўтириб олишди. Нимқоронғуликда улар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Барибир тўй эгаси ваъда қилинганини беради. Ўзбек фонограммада айтдинг ёки мусиқа қўйиб, ўтириб олдинг, деб сўзидан қайтадиган номард эмас. Муҳими, меҳмонлари хафа бўлмай кетса, тўйда камчилик бўлмаса. Бир маҳал яхшигина актриса тўйга меҳмон сифатида келгани эълон қилиниб, унга кўшиқ(?) навбати берилди. У бир-иккита чиройли, ҳар ҳолда ўз кўшиқларимиздан куйлади. Оғриқ бошлар тин олгандай бўлди. Шундан сўнг актриса навбатдаги кўшиғини айтишдан олдин келин-куёвни вальсга таклиф қилди. Қиз томондан келган қариндош эркаклар секингина эшикка йўл олди. Тўғри-да, қизини, синглисини куёв билан вальсга тушишини қандай кузатиб ўтиришади? Бир пасда ёшлар келин-куёв ўтирган жойга ўймалашди. Қариндошимнинг ўғли ҳар қанча таклиф қилмасин, ёшлар қанча ундашмасин, келинчак жойидан турмади! Қўлини кўксига қўйиб, қимтинибгина ўтираверди. Унинг бу ишини таклифларингни ҳурмат қиламан, бироқ бу иш қўлимдан келмайди, деб тушундим. Баракалла! Тарбия берган ота-онанга раҳмат!..

Ниҳоят, тўй якунланадиган бўлди. Бошловчи келин-куёвга узундан узоқ бахт-саодат тилаб, уларга жавоб берди. Нега бошловчи? Нима, қариндошимнинг кайвонилари йўқми? Бориб бир нима дейин десанг, сершовқин ва нимхира тўйхонада адашиб қолишинг ҳеч гапмас.

Қариндошимнинг тўйи мисолида ҳозирги тўйларнинг умумий манзарасини айтиб ўтдим, холос. Ҳақиқатдан ҳам, фарзандни дунёга келтириб, унинг орзу-ҳаваси деб, кўпнинг дуосини олайин деб йиғинган ота-онанинг – тўй эгасининг истаклари четда қолиб, тўйнинг тизгинсиз тизгини аллакимларнинг қўлида қолиб кетяпти. Санъаткор ва бошловчи тўйнинг қизиқарли бўлишини таъминлайди. Бу тўйнинг бошдан охиригача улар жавобгар дегани эмас. Бир инсоннинг йиллаб йиққан-тергани, фарзандимнинг тўйида кўпнинг дуосини оламан, деб қилган орзуларини кимдир бошқача, яна ўзлари расм қилган шаклга солиб турса!

Дуода гап кўп. Кўпнинг дуоси – қўл. Шунинг учун ҳам кўпни кўрган, кекса, нуроний кишилардан дуо олишни истаймиз. Уларни атай тўйларимизга олиб келамиз. Уларнинг дуоси боис ёшларнинг бахти тўкси бўлса. Дуолар боис оилаларнинг парокандалиги камайса. Лекин баъзан кексалар мусиқанинг баланд овози, чироқларнинг ўйини, ёшларнинг шовқинидан безиб, гоҳо эртагина тўйхонадан чиқиб кетишади.

Кўпчилик тўй ёшларнинг – келин-куёвнинг орзу-ҳаваси дейди. Бир томондан шундай, уларнинг аҳду-паймонлари, оила қуришлари учун тўй қилинади.

Serqirra iste'dod



ҳисобланади.

Африда ўз маданий анъанасига эга бўлган оилада туғилди. Унинг отаси Х.Ҳакимов тарихчи-педагог, онаси Х.Ҳакимова терапевт-шифокор бўлишларига қармасдан, қизларининг мусиқа борасидаги танловини қўллаб-қувватлашди. Чунки қизларида мусиқага меҳр ва иштиёқ жуда эрта пайдо бўлган эди. Африда Ҳакимова аввал Успенский номидаги мусиқа мактабида, кейин консерваторияда таҳсил олгач, фаолиятини аспирантурада хор дирижёрлиги кафедрасида давом эттирди. У изланишдан тўхтамади, ҳеч қачон эришган ютуқларига қаноатланиб қолмади. 1982 йили Москва консерваториясида профессор Клавдий Птица раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Унинг иши мавзуга оид илк диссертация бўлиб, малакали мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Африда Ҳакимованинги педагогик фаолияти Ўзбекистон давлат консерваторияси хор дирижёрлиги кафедраси билан боғлиқ. У 1975-1978 йилларда вокал-хор факультети декани лавозимида ишлади. Консерватория қошида илмий-текшириш маркази очилгач, унинг илмий ходими сифатида узоқ йиллар фаолият юритди. Бу вақт ичида у 80 дан ортиқ дирижёр-хормейстер етиштирди. Африда опанинги нафақат маҳаллий, балки чет эллик шогирдлари ҳам талайгина. Улар ҳозирда АҚШ, Франция, Россия, Туркманистон ва Қозоғистонда фаолият юритишмоқда.

А.Ҳакимова жуда фаол мусиқий ва ижтимоий фаолият олиб бориб, кўп йиллар давомида юртимиздаги маданият ва санъат билим юртларига мунтазам равишда методик ёрдам кўрсатди, ўрта махсус ўқув муассасаларининг Давлат аттестация комиссиясида фаолият олиб борди. Шунингдек, тўпланган педагогик, методик, амалий тажрибаларига таянган, уларни жамлаган ҳолда юртимиз ҳамда чет эл матбуотида кўплаб илмий мақолалар эълон қилди.

Унинг илмий фаолиятига мустақиллик йилларида, айниқса, катта йўл очилди. “Хор акапелла”, “Марказий Осиёда хор мусиқаси” илмий асарларини чоп эттирди. Таржимон сифатида инглиз тилидан Питер Кларкнинг “Зароастризм – Зардуштийликнинг ўрни” мавзусида қатор мақолаларни ўзбекчага ўғирди.

Африда Ҳакимова шарқ мусиқа маданияти тарихидаги кўплаб ижобий жиҳатларни очиб бериш билан бирга бир қанча долзарб муаммоларни муҳокамага ташлади. Уларнинг ечимини топиш йўлларини асослаб берди. Бу масалалар нафақат ватанимиз, балки бутун дунё мусиқаси тараққиётида ҳам катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда А.Ҳакимованинги илмий-ижодий изланишлари туфайли мусиқа илми янги маълумотлар билан бойимоқда. Африда Ҳакимова мусиқа илмига катта ҳисса қўшишдан ташқари, одамларга яхшилик қилиш, ёш авлодни ватанпарварлик, мусиқага муҳаббат руҳида тарбиялашда ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Юлдуз ҲУСНИДДИНОВА

Бироқ тўй уларни дунёга келтириб, улғайтирган ота-онанинги орзу-ҳаваси. Улар бу кунни йиллаб кутишган. Фарзандим улғайса, тўйини кўрсам, деган ичкин истак бор-ку ҳар бир ўзбекда. Шунинг учун ҳам уларнинг тўйини ота-она ўтказиб беради. Фарзандларини ўзларидан улуғ кўриб, тўйхонанинги тўрига ўтказиб, қўлини кўксига қўйиб, келиб-кетувчи таниш-билиш, қариндош-уруғларини кузатади. Бошловчи тўйнинг шаҳзодаси ва маликаси деб келин-куёвни эълон қилади. Аслида тўйнинг гуноҳсиз гуноҳкорлари ота ва она. Тўғри, оналар тўйда бирров эсланади. Келин ва куёвнинг оналарини даврага чақириб, олқишланади, фарзандлари билан суратга туширилади. Бу жойда ҳам тўйнинг бошловчисига манфаат бор. Қандай манфаатлиги кўпчиликка маълум. Умрида ўзининг онасини онажон деганми, йўқми, онажон тўйлар муборак, қудажонингизни бошлаб чиқинг, деган ялтоқланишдан уялиблар кетасан.




Тўйларнинг умумий характери ўйин-кулгудан иборат бўлиб қолмоқда. Кўзланган асл мақсад, элнинг олдида имтиҳондан ўтиб, дуосини олиш четда қолиб кетмоқда. Шунинг учун тўйбоши – тўй эгаси бошловчига қариндошлари, дуо қилиб берувчи кайвониларини ёзиб берса. Бошловчи ҳам бамаслаҳат тўйни олиб борса мақсадга мувофиқ бўларди. Ёки тўйлар учун янги сценарийлар ишлаб чиқилса, кундан-кун урф бўлаётган, четдан кириб келаётган ёт таъсирлар тўйларга ҳам ораламас эди. Тўйга бориб, қон босимимиз ошиб, ғашланиб эмас, яйраб, тўй эгасининг қувончига шерик бўлиб, келардик. Бошловчилар (уларни атай ўртакаш демадим) ҳам тўй эгасидан қайси жойда кимни даврага чақиритишни сўраб, бамаслаҳат иш қилса, нур устига нур бўлар эди. Ахир, тўй ўзимизники. Уни ёшларнинг ҳаётида бир бор бўладиган ҳодиса, тўй эгасининг орзулари ушаладиган кун деб, дуоларга қўшилсак, ёшларга бахтибоқийлик тиланса яхши бўларди.

Бу мутлақо шахсий муносабат бўлса ҳам, фикримга қўшилувчилар кўплигига ишонаман.

Куюнчак она



YOSH ISTE'DODLARNI KASHF ETISH, ULARNING IQTIDORINI YUZAGA CHIQRISH MAQSADIDA O'TKAZILAYOTGAN AN'ANAVIY TASVIRIY SAN'AT FESTIVALIDAN LAVHALAR.



Азамат ФАЙЗУЛЛАЕВ
фотолавҳаси

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Мулки кўнглим тахтига султон эрди битта ком,
Ул сиймбар васлининг хаёлига бўлиб ром,
Тўкиб ашқлар, одатим - бир сужуду, бир қиём,
Эй хуш улким, офият кунжи менга эрди мақом,
Сураи ваш-шамси, вал-лайл эрди вирдим субҳу шом.

Фарқсиз эрди бош уза тунми ё кун, шамс, булут,
Кимса кўрса фарқламас, руҳми ё руҳсиз вужуд,
Баайниким безабон, топганим узлат, сукут,
Ҳам кўнгилда нозанинлар сўхбати бўлган унут,
Ҳам назарда маҳжабинлар сурати бори тамом.

Гар зоҳиран эл аро кечса ҳамки авқоте,
Ботинан зоҳид киби тарки дунё одате,
Сархуш эрдим тинмайин тақроридин ояте,
Ногоҳон шоҳ базмида жонимға тушди офате,
Мен ўзимдан кетдим, ул билмам қаён қилди хиром.

Кима дейин дардими, кима изҳор айлайин,
Қани улким кўнглима дўсту маҳрам сайлайин,
Дунё ғами занжирин бўйнима дор бойлайин,
Ёр ғойиб, дард мухлик, халқ ғофил найлайин,
Ғаврима ким етгай илло, шоҳи гардун ихтишом.

Боғи умринг абрлар тутиб сирожии бўлмаса,
Коринг дуо эрсаю, қилча ривожии бўлмаса,
Гар Улуғбек васлидин зарра хирожи бўлмаса,
Эй Навоий, шоҳдин дардинг иложи бўлмаса,
Бош олиб кетгил уриб овворалиқ даштиға гом.

МАҚОЛ

Яхши тулпор кейин чопармиш.
Кеч бўлса-да, шуҳрат топармиш.
Бу мақолни қулоққа илдим.
Бунда сўзсиз ҳикмат бор, билдим.
Шошилмадим, шошилмаяпман,
Шамолларга осилмаяпман.
Аммо бундай очсам кўзимни,
Қирқдан баланд кўрдим ўзимни.
Вужудимни чулғади савол
Бу не ҳикмат, бу қандай мақол?
Яна қанча шошмаслик керак?
Ёниб, қайнаб, тошмаслик керак?
Ўттиздан сўнг умр еларкан,
Қирқ кун ўтмай қирқ ҳам келаркан.
Қамчи босай, ишим қолмади,
Мақолларга ҳушим қолмади.



ЎЗИМГА НАСИҲАТ

Ҳеч нарсада шошмаслик керак,
Меъёрдан ҳеч ошмаслик керак.
Қара, секин юрар тошбақа.
Салкам мингга кирар тошбақа.
Унинг сири шошилмасликда,
Шамолларга осилмасликда.
Шошилмасанг ҳаммаси бўлар,
Кўкда ҳилол ой бўлиб тўлар.
Ҳеч нарсада шошмаслик керак,
Меъёрдан ҳеч ошмаслик керак.
На бир сўзу, на бир ҳаракат,
Емак, ичмак, ризқу баракат,
Уйқу, бедор, юрмак, турмақда,
Ният, мурод, хаёл сурмақда.
Бойлик, давлат, ночорликда ҳам,
Амал, курси, бекорликда ҳам.
Ҳеч нарсада шошмаслик керак,
Меъёрдан ҳеч ошмаслик керак.
Шошилмасанг ҳаммаси бўлар,
Қишлар гуллар, баҳорлар сўлар.
Жабр ҳам, сабр ҳам, ёғду - сафо ҳам,
Кибр ҳам, давр ҳам, мангу - бақо ҳам,
Навбат ила шошмасдан келар,
Меъёридан ошмасдан келар.
Нафсни тийсанг, тиг эмас асал,
Тутиб келар қўлида ажал.
Ҳеч нарсада шошмаслик керак,
Меъёрдан ҳеч ошмаслик керак.
Аммо ёлғиз бир истисно бор,
Яхшиликка шошмоқлик даркор.

ДУНЁ

Аёлларга ўхшайди дунё,
Севган саринг қилаверар ноз.
Қанча меҳр кўрсатсанг унга,
Сенга меҳри бўлар шунча оз.
Ёлғон эрур аслида ўзи,
Мендан эса ростни сўрайди.
Вафо қил деб қистайди мудом,
Ўзи эса вафо қилмайди.
Туғилиш – бу ўлимга ҳукм,
Абадиймас бирорта жонзот.
Тошбақанинг тоши тилладан,
Бўлса ҳамки, қолмас умрбод.
Хайр изладим ҳар битта ишдан,
Ҳар оқибат надомат кўрдим.
Надоматдан холи бўлгани,
Фақат сабру ибодат кўрдим.
Шундай экан, изламоқ нечун?
Ким не топди, мен не топарман.
Қўлим силтаб, бундай саргардон,
Сарсонликка эшик ёпарман.
Майли борай, менга ижозат,
Қадамимга сочиб гул, зиё,
Оғушига чорлайди узлат,
Энди мени изласин дунё.


Yaxshilikka shoshmoqlik kerak

ҚИЛИЧ

Сен қиличга боқ теран,
Тиғидан нур таралган.
У қадимда мардларнинг
Суягидан яралган.
Минг йил, балки миллиондир,
У ботирлар йўлдоши.
Зарби билан айланар,
Дунё – тегирмон тоши.
Шундай нақл бор элда:
Кимки айбин олиб тан.
Бошин эгса қиличнинг
Омон қолур қатлидан.
Мардлар кўнгли бу сўздан,
Зарра таскин топмагай.
Қилич эгик бошлардан
Ҳазар қилгай – чопмагай.

БУ КЎЗЛАР

Бу кўзлар – қаро кўзлар,
Меҳру вафодан сўзлар.
Бу кўзлар қаро кўзлар,
Қатлимга қасдни кўзлар.
Бу киприқлар – майсалар,
Пойида дил янчилар.
Бу киприқлар – найзалар,
Юрагимга санчилар.
Бу қошлар – қилич қошлар,
Боримга уруш бошлар.
Бу қошлар – қилич қошлар,
Жонимни чопиб ташлар.
Бу лаблар – бу дудоқлар,
Бол қайнаган булоқлар.
Лабларми ё ғунчадир?
Андалиблар сўроқлар.
Бу юзлар – тўлин ойлар,
Ўзига банди айлар.
Бу юзлар – тўлин ойлар,
Жафосин жонга жойлар.
Бу сочлар – сочилганлар,
Сирлари очилганлар.
Бир қатлимга қирқта дор,
Раҳм қил, Парвардигор!



Улугбек МАЪРУФ

РАҚАМЛАР ҚИССАСИ

Рақамлар бир куни жам бўлди,
Бирдан тортиб тўққизга қадар.
Энг биринчи бўлиб бир келди,
Энг сўнггида тўққиз – саросар.
Нолни таклиф қилмадилар ҳам,
Уни рақам билмадилар ҳам.
Мақтандилар роса ўзаро,
Келиб чиқди охир можаро.
Бир рақамлар бошиман дерди,
Тўққиз зўрдай кўксини керди.
Етти эса сирлиман деди,
Олти ундан қолишмас эди.
Саккиз, беш, тўрт, икки ҳамда уч,
Чирандилар не сўз келса дуч.
Хулласкалом, энг кичик бўлиб,
Иккидан ҳам тенг кичик бўлиб,
Бир шарманда шармисор бўлди,
Барча рақам устидан кулди.
Шу пайт ногоҳ нол келиб қолди,
Бир уни шарт ёнига олди.
Шу йўл билан ўнга айланди,
Ва аёвсиз жангга шайланди.
Ҳамма нолни ёнига тортди,
Унинг қадри, қиммати ортди.
Тўққиз маҳкам ушлади нолни,
Тўқсон бўлди, кўринг бу ҳолни.
Шундай қилиб, нол талош бўлди,
Рақамларга қиймат - бош бўлди.
Шояд манзур сизга бу қисса,
Ушбу эрур қиссадан ҳисса:
Камситмангиз чўпни, хасни ҳам,
Тошу кесак, баланд, пастни ҳам.
Етти эмас, минг ўйлаб сўз денг,
Нол бўлмаса, минг ҳам бирга тенг.

Yaxshilik xirmoni

Жуда матонатли киши экан, деб ўйлади Жума Жабборов жарроҳлик столидаги кекса киши ҳақида. Отам ҳаёт бўлганида мана шу кишининг ёшига кирган бўларди. Бу отахон ҳам иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси экан. Жарроҳлик амалиёти яхши ўтди, тузалиб кетади...

Хаёллари уни ота маконга етаклайди. Ўша ота-онаси тилдан қўймайдиган, юракларининг тўридаги Зоминни эсласа, отасининг елкаларига ўхшаш тоғлар, онаси тўқган гиламлардай қирлар кўз ўнгида айланаверади. Отасининг аста томоқ қириб қўйишлари қулоқларига чалингандай бўлади. Вазмин ва салобатли юришлари, китобни қироат билан ўқишлари бот-бот ёдига тушади.

Ана, онаси "пов-пов" сигир соғади. Бироздан кейин чор атрофни сутнинг хуш ҳиди тутати. Ўчоқдаги тўнтарилган қозонда патир бозиллаб пишяпти. Анов

кўтаргига осилиб турган қорин. Унга босилган саримойнинг мазасини фақат тоғликлар билади. Қозонпатирнинг ўртасига солингани, айниқса, жуда тотли бўлади. Сўнг онаси куви пишади. Бунинг орасида талай уй юмушларини бажаришга ҳам улгуради. Ўнта боланинг кир-чири дегандай, кунда,

кунора тандирда нон ёпилади. Кун бўйи тиним билмаган она кечга бориб болаларига эртақ, ривоятлар айтиб беришга ҳам куч топади.

Отаси Жаббор Жўраев иккинчи жаҳон урушидан ярадор бўлиб қайтган. Кўкси тўла медал эди. 1951 йили оиласи, ҳамқишлоқлари билан Зоминнинг Товоқбулоқ қишлоғидан Сирдарё вилоятининг Боёвут туманига кўчиб келадилар. Жума Жабборов ўша кунларни жуда яхши эслайди. Отаси жуда меҳнаткаш инсон эди. Уруш ногирони бўлишига қарамай, чўлни ўзлаштиришда фаол қатнашди, ер очиб деҳқончилик қилишди. Пахтадан мўл ҳосил олишди.

Кечки пайт ҳамма жамулжам бўлар, ота болаларига бир-бир қараб, ҳар бирига бир тегишли сўз айтиб кўярди. Тўнғич ўғли Сафарга "Катта карвон қаердан юрса, кичик карвон шундан юради, кичкиналарга доим ибрат бўлгин", дея насиҳат қиларди.

1963 йили оталари ҳаётдан кўз юмди. Рўзгорнинг барча оғир-енгили Сафарнинг зиммасига тушди. Тўнғич ака кичкиналарга нафақат ибрат, балки ҳақиқий ғамхўр бўлди. Укаларини, сингилларини ўқишга, илм олиб, касб-хунар ўрганишга йўллади. Шундан бўлса керак, барчаси мактабда яхши ўқишди. Жума Жабборов мактабни фақат аъло баҳоларга тамомлаб, Тошкентдаги тиббиёт олий ўқув юртининг даволаш

факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳни 1970 йили имтиёзли диплом билан тугатди. Шу йили вилоят шифохонасига интернатура ўташ учун келди. Ўша-ўша унинг тақдирини мана шу шифохона билан боғланди. Ажойиб қобилияти, етук билими, одамийлиги билан кўпчилик ҳурматини қозона борди. Иш жараёнида тинмай малакасини ошириб борарди. Устози профессор Ботир Миразимовдан олган сабоқлари бир умр асқотиб келаётир.

Йиллар давомидаги машаққатли меҳнатлар уни кўпчиликка танитди. Бу шифокор яхши руҳшунос, беморни дарҳол тушуна оладиган, унинг кўнглига йўл топа оладиган инсон. Ташаббускорлиги, ташкилотчилиги ҳам бор. Шу боис, соғлиқни сақлаш тизимида раҳбарлик лавозимларида ҳам ишлади. Олий тоифали травматолог-ортопед, Соғлиқни сақлаш аълочиси, Республика травматолог-ортопедлар Кенгаши аъзоси Жума Жабборов кўплаб тезис, мақолалари, маърузалари билан республика тиббий анжуманларида иштирок этиб келади. Долзарб мавзудаги мақолалари газета ва журналларда чоп этилади.

У бугунги кунда республика шошилинич ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиалида кўшма жароҳат бўлими мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Биз юқорида бу инсоннинг катта оилада тарбия топганлигини айтиб ўтгандик. Дарҳақиқат, тўнғич акалари Сафар Жабборов уларга ота ўрнида ота бўлди. Аёли Мағфират опа билан барчаларини уйли-жойли, оилали қилишди. Ўзаро меҳр, оқибат, жигарчилик ришталарининг бақувватлиги туфайли ҳар бирининг уйида файз, барака бор.

Айланасининг айвони бор,

Томга чиқса нарвони бор.

Элига хизмат қилади

Шундайин бир полвони бор.

Чиннихол момо Жўраева ўғилларига ана шундай алла айтарди. Оналар дуоси ижобат экан. Ҳамма фарзандлари унди, ўсди, эл ичида обрў топди. Энди уларнинг ўзлари нуруний ёшдалар. Ҳаётда тўплаган бой тажрибалари билан соҳада хизмат қилаётган ёшларга намуна мактаби бўлмоқдалар.

Дам олиш кунлари, байрамларда болалари, набиралари кириб келишади. Уларнинг бахтиёр чеҳраларини кўриб, ота-она суюнгандан суюнади. Уйлари файзу барокатдан чароғонлашади. Бу бахтнинг туб замирида эса меҳнат, одамларга муҳаббат, касбга садоқат, одамийлик барқ уриб туради. Қўли энгил шифокорнинг одамлар кўнглига қўйган малҳами, олган олқишлари ўзига ана шундай хотиржамлик бўлиб қайтаётир. Яхшилик буғдойини сочган одам унинг баланд хирмонини кўтараверади.

Маматқул БОЗОРБОЕВ



(Давоми. Боши ўтган сонда)

Э-э, айтмабман-а, энди келди эсимга: ғишт қўйганда бўшаган хандақларни сувга тўлдириб қўйиб, ҳар куни пишинавергандан, қизиб кетганда ташлаб олаверар эдик; лой қуйқаси терига ўтириб, сингиб, калтакесакнинг пўстидек қуриштиради, кейин шу жойлар тирс-тирс ёрилади, товон ҳам бўлакраниб, тагидан қизил гўшти чиқиб қолади, ёриқларга қора сақич чайнаб ёпиштирамиз, сон нозик, бутнинг пастидан тиззагача ачиб тураверади, унинг тарамлари давосига вазелин, бўлмаса яна шу аравайўлнинг тупроғи. Саҳар турганда уйкуда битган тиришлар азот одимлагани қўймайди, кўзга ёш келиб, эснаб-эснаб керишиб, зўр билан бутни кериб юрамиз, биламиз, тиришлар йиртилиб қонайди, ачишади, лекин ёзилади, бу ёғига чидаймиз. Фақат шабада салқини тиришлардан кириб баданни дилдиратади, ҳу бориб, яланғочланиб, қўлда кетмон билан хандаққа тушгандан кейин, қон юришиб, лойнинг совуғи йўл бўйи ачишиб оғриган оёққа малҳам бўлиб ёпишади, хаёлда фақат чиқариб отаётган лойим қанча ғиштга етса, деган ўй-у, ичингизда тошаётган бир ғайрат қолади, холос.



Ahmad A'ZAM

Қизиг-эй, э-э, шуни ҳам ўйлаб ўтираимизми, болаларни соламиз, қуйиб ташлайди, шаталоқ отиб юрибди-ку бари, деган-да бир ақлли марди калон. Катталарнинг тушуниши шу. Шаталоқ отамиз! Отам ҳам кечалари сўкиб, олдиларига солиб келсалар ҳам йўлига, барибир, шунча бола нима бўлса, бу ҳам шу-да деб қараганлар.

Маили, сардафтарнинг бу ёғини кавлайвермай, ўлмаган қул кўраверган экан-да-ей. У пайтлари қулликни қайдан биламиз, қуллик, шунчаки, унинг ҳам бир завқлари бўлган.


Ғишт қуйган пайтимда ўқишга илож йўқ эди, чарчайман, ухлаб ҳам олиш керак, жазирама кунлари ҳам каллага китоб кирмайди, Булунғур билан Қорасув ўзига тортаверади. Лекин бошқа пайтлари, айниқса қоронғи қишларда китобга мук тушаман. Далага мол ҳайдашда қулайини қилиб, эшакнинг устида ҳам ўқиб кетавераман. Албатта, бунда кўзи тушган катталарнинг: "Э, бу боланинг китобга ёпишганини!" деб қўйишларидан шишмаланиш ҳам бор-у, лекин муллалигим, ҳаққаст рост, Саидвалининг носкашлигидан ўтиб тушар эди. Мол темир қозикни жингирлатиб ипини ўзи судрайди, эшак уларга эргашма, эшакнинг юришига мос чайқалиб-чайқалиб, китобдан кўз узмай кетаверасиз – кўчма эгар қироатхона. Ҳу далага етгандан кейин молларни арқонлаб бир сояни олсангиз, сиздан бемалол одам йўқ.

Бир куни тут тагида устимдан соя кетиб, офтоб бошимга тиккадан уриб, қуйдириб юборгунча ўқиб ётаверибман, сакраб турсам, моллар йўқ! Темир қозигини, теша олиб юраман, қаттиқ ерга қоққан эдим, молнинг ўзи тортганга суғурилмайди. Қандай кетади! Ўғри кундузи доримайди, унинг иши кечасилик, шунда ҳам онда-сонда битталаб олади. Беш мол ақллашиб гапни бир жойга қўйиб йўқолгани ақлимга сиғмайди.

Эсим чиқиб, излашга тушдим. Булунғур бўйларидоғи ёввойи жийдаларнинг орасидан, пахтапоя, шолিপоялардан ахтардим, олмачорбоққа

кирдим, Валибобогача қараб келдим, йўқ. Ерга кирганми, осмонга чиққанми, йўқ-да. Маза қочди, саросимада бу ҳам йўқолиб қолмасин, деб эшакни миниб, уйга чопдим, ойимга индамай, бир омонат илинжда оғилхона-айвонларни, уйнинг орқасидаги ертонки қарадим, худди шуларнинг орасида бемалол кавш қайтариб ётадигандек, йўқ! Ана шу вақти отам келиб қолдилар! Ҳар жума Самарқандга намозга борадилар. Энди нима дейман деб, дамим ичимга тушиб кетди. Менга совға – қизил локланган бошмоқ олиб келибдилар, ҳали қўлимга келмасидан билдим – қизларники! Яна оёғимга катта. Ярқиллаган эмиш, чарми пишиқ эмиш. Бир алам қилди, бир алам қилди! Мана бўлмасам деб, молларни йўқотганимни айтиб юбордим. "Оқшоми билан ўқиб чиқиб, кейин далада уйқуни урасан. Ўзинг йўқолиб қолмабсан ҳам яхши", дедилар отам унча уришмай. "Йўқ, қараб ўтирган эдим сояда, бирдан йўқолиб қопти", дедим. Отам тўқиётганимни билиб ўсиқ қошлари тагидан бир қараб қўйдилар, мен бошмоқни яна артиб силаган бўлиб: "Жуда зўр экан-у, шу сал катталиги....", деб нигоҳларини юмшатдим. "Ҳай, Эшим касофат оралагандир-да, қаёққа ҳам кетади", дедилар. Бошмоқни мақтаганимга соқолларини тутамлаб: "Ҳм, кўни тоза, шундай ярашиғли нарса бекорга турмаган-ов, деди-им, заифона экан-да", деб хижолат бўлган бўлдилар.

Бошмоқни хушомадга яна бир кийиб кўрсатдим. Қуриб кеткур, қизларники бўлмаса ҳам маили эди. Менга тўғри келмаса, опамлар пахтага судраб юрар эмиш,



Qissa

а, ўзим-чи? Сахарлаб далага чопсам, молларини боқсам, ўтларини ўрсам, пичанларини қилсам, сомонгача тахисам, тагин менга келган тўплини опамлар пахтага судрармиш. Мен-чи, ҳалоқунинг итиманми! Эшакнинг меҳнати ҳалолу... Ҳай, обориб кийдириб кўриб олсалар нима қиларди! Баҳонада Самарқандни кўриб келардим. Шу-у, бобойлар битта ишга яна биттасини қўшиб битиришни билмайди. Аммо-лекин, катталарнинг гапини бўлма, ювилмаган қошиқдай суқилма. Биладиган бўлиб қолдингми, жим ўтир, пешанангни тириштирма. Доим жеркиш, ўзларининг билганлари эса бу, жаҳлинг чиқмайдими! Индамай ўтирсанг – анқайма, гапирсанг – тилингни тий. Уйқуни ургансан эмиш!

Куясан-да! Сенга деб келган нарса кўзингни ўйнатиб шундай кўлингда турса-да, сенга тўғри келмаса, ахир, бунга чидаб бўладими! Эй, оёғимда учининг йиртиғидан бошмалдоғим чиқиб турадиган эски кеда, қоқилганда қонайвериб, бошмалдоқ ҳам шум-зада бўлиб олган. Кийиб, ҳали юрмасимдан безиллашга бошлайди.

Ҳай, майли, энди минг куй, бефойда, шундан шунга обориб қайтариб бермайдилар-ку, барибир. Ойим бошмоқни учига пахта тикиб кийдириб, бир юриб кўр қани, деганларига юриб ҳам кўрдим, одамнинг бели майишиб, куймичи ўйнаб кетар экан. Пошнанинг ярмидан арралаб ташласа... Э-э, бўлмайди, бузилади, кейин, барибир, қип-қизил-да, кулгига қоламан.

Бошмоқни қўлимга оламан, қўяман, айлантириб кўраман, баттар хунобим ошади. Отам эса шунча диққатлигимга бепарво, ёнбошлаб, чойларини бемалол ичдилар-у, ўзим борай-чи, деб эшакни миниб далага кетдилар. Шунга ҳам ўғлимга деб олдиларми-я, деб бор захарчамни оймга сочиб, орқаларидан ўзим ҳам жўнадим. Борсам, отам олманинг тагида чўзилган, томорқамизга сув очилган, молларнинг бешови ҳам Қипчоқариқнинг устида, думини елпиб ўтлапти, ипи Эшим калдан омон экан.

Бизда ўқалоқ, бир жойларда сўна, бўка дейишади, ана шу касофат келиб қолса, ўзини кўрмайсиз, эшитмайсиз ҳам, тинчгина ўтлаб турган мол бечора бирдан шайтонлайди, шундай шайтонлаб кетадики! Кўзлари олайиб, бўкириб юборади, сакраб ўзини тўғри келган томонга отади, кўрган одамни ҳам ногаҳон ваҳм босади. Меники шу ўқалоқдан қочиб, ипи пишиқ жун, узилмаган, қоziқ-позиғи билан Қипчоқариқнинг ичига, қамишнинг бўлиғига уриб кетиб, соя-салқинда, бўйнигача сув, ариқ лабидаги ўтга чўзилиб, ҳузурини топиб турган экан. Бу ёқда эса юрагим ёрилган, шунча молни йўқотдим, қандай кунга қолдим энди, деб.

Лекин молларнинг шунча вақт беэга қолганини Эшим кал қандай билмай, ипини қандай олмаган, бу ҳам жумбоқ, ундан сирли бир хатар келади одамнинг кўнглига. Калга инсоф текканидан ҳам хавотир туради.

Эй-й, бунинг учун унинг таърифини келтириш керак, айтмаса хотира ҳам кемтик бўлиб қолади. Гап шундаки – Эшим кал шунчаки, соддаси кўприк тагида туриб эшак ҳуркитадиган жўн бир каллардан эмас, алоҳида, деви борми, жиними, ишқилиб бўлакча бир кал. Алоҳидалиги – қўли эгрилиги, кулишни ҳам

ачинишни ҳам билмайсиз – ип ўғирлайди, бошқа нарса билан иши йўқ, айнан арқонлаб қўйилган молнинг ипини қўймайди; деви ё жини борлиги – молингизга қараб ўтирганингизда ангда қолдиради, олганини кўрмайсиз. Гапирай десангиз, қўлидан ушлаб олмагансиз. Шунга дуо кетган дейман, бўлмаса қараб туриб билмайсизми. Ўғрилиги ҳаммага маълум, ҳамма билишини ўзи ҳам билади, лекин касмини қўймайди, худди ҳамма билан бас бойлашгандек, Ўзида бор-йўғи битта ориқ танача, у ҳам подачида, кал вақти-вақти билан подачимиз ҳам, бунча кўп ип нима зарил, инсон зоти тушунмайди. Лекин йиғаверади, йиққани чириб кетгунча чиқмайди, агар ипингиз эсингизда турган бўлса, йиллар ўтиб, кал ёзуво ташиётганда, тоғдек қилиб елкалар эди лекин, калта-култа уламаларидан танийсиз-да, қўл силтайсиз, бер деб тортиб олганингиз билан энди ҳеч нарсага ярамайди. Қизиғи шундаки, ипни кал олганини аниқ билган одамлар куйиниб ҳам ўтирмайди, худди ўғрилик ҳам оши ҳалолга устамадек. Ип майли-ку-я, лекин бўшоқ юрган мол бировнинг томорқасига кириб кетади, қоракўрпа еб дамлайди ё йўқолиб қолади. Кейин Қирон жарчи бозорда чақиради: “Хў-ў, эшитмадим деманглр! Хў-ў, ола наввос йўқолган экан, хў-ў, шу наввос фалончиники экан!... Наввосни топганга шу палончи суюнчига ўн сўм тиккан экан. Хў-ў, шуни топган обкеб берса, суюнчини олаверсин экан, Хў-ў, ола наввос...”

Шунинг давомига Қирон жарчи: “Хў-ў, ола новвоснинг ипини ўзларинг билган Эшим кал олган экан”, деб юборса-ку, олам гулистон. Лекин Қирон жарчи отини тутмайди, Эшим эгрилигини қўймайди. Ҳамсоя бўлсак-да, эшонбобоникини ҳам олади-ей, нокас! Ўзим боқиб юриб, кўролмай қоламан, лекин ҳамсоямиз-ку, бориб сўрайман, сиз кўрмадингизми деб, тўғри тармашишга ҳайикаман, бир нарсалар деб ҳудинглайди, билганимни билди дейман, чунки бетимга қарамайди. Офтобда куйиб, қорайиб, қўллари ишнинг зўридан акашакдек қийшайиб, кўкиш томирлари бўртиб кетган, елкаси сал чўкик бўлса ҳам жуда бақувват шайтон, одам билан уришганини эшитмаганман-у, аммо, барибир нимасидандир сесканаман. Тинчгина ер сузиб юради, минг сўранг, ипни сен олдингми деб, оғзингиз оғригани қолади. Олдими, тамом – унга ўтган. Баъзан аҳмоқ бўлганим ўтиб кетиб, отамга айтсам: “Сен ётиб китоб ўқисанг, мен бориб молингнинг ипидан ушлаб турай-да, а? Қарамасанг, олади-да”, деб менга гапирдилар, ўзига индамайдилар. Баъзан-баъзан ипи олинган молни излаш чўзилиб, ниҳоят топилиб, кўнгли жойига тушган пайтлари: “Худой урган туяни, вайсилқора не қилсин”, дейдилар, менга қўявер, дегандек.

Энди Ҳазирамизнинг ўзига келсак, ўрта жойда эскидан бозори бўлгани боис бутун чор-атрофига пешгир, қизил калтак деган замонарийёқ мактаб очиб, кў-ўп ўқимишли одамлар етиштирган, доценту профессорлари Самарқанду Тошкентларда дарс бериб, уларга эргашган мактаб болалари ҳам олийга гуруҳ-гуруҳ кириб, талабалари шанба-бозор кунлари автобусларни қаппайтириб шаҳарга бориб қайтадиган ҳийла дами баланд қишлоқ. Эшим кални

гапириш ҳам сал майдагаплик, чунки у ҳам шу Ғазиранинг катта бағрига ҳамма сиғиб, ҳар кимнинг ўз тегиши белгили экани, минг ёққа чопмасин, пешанага ёзилганидан ортиғини ололмаслигига бир мисол, холос. Бегона эмас, ўзимизнинг синашта хоназот калимиз подани фақат оши ҳалолга боқади, ипини олса ҳам молнинг ўзига тегинмайди. Пахта сиёсати қаттиқ замонда унинг зараридан фойдаси кўпроқ, ипини олдирмайман деб кўз-қулоқ турсангиз, бўшоқ мол пахтага тушиб, сўйилиб кетмайди, эгасини жавобгарликка торттирмайди. Калнинг бу томони ҳам бор.

Шу одам тинмайди, онаси ким бўлган бўлса ҳам, буни лекин қора меҳнатга туққан. Қишлоқда нима оғир иш бўлса, шу балогардон, кўкламда ариқ қазиган ҳам, кундаков ҳам, ёзда томҳашарга лой қорган ҳам, саратонда пахсачиларга лойкаш ҳам шу, тўймаъракаларнинг самовари шу текин хизматкорсиз қайнамайди, айниқса эрта баҳор, ер текислаш пайти шудгорнинг устидан мола тортилади-ку, икки қатор темир тирма уланиб тракторга кўндаланг тиркалган оғир тўсин-болор, шунинг устида ҳам кал, мола ўнқир-чўнқирда ўйноқлаб кетганда тагига тушиб қолган одам тирик чиқмайди, унга эса жин ҳам урмайди, мола билан баравар кўтарилиб тушади, лекин сирачлаб қўйилгандек, қўниб ўтираверади. Э-э, хуллас, меҳнатнинг оғири-енгили демайди, инқ этмай қилаверади. Жони қаттиқ. Чидам, бардош деган нарсалар тош-метин келбатига қўшилиб, қотиб кетган. Ҳа, бир шатрама хотини бор, Бобили, асли оти Асолатми, Асилами, ҳамманинг эсидан чиқиб кетган, шунинг бақиришлари билан ҳам иши йўқ. Бобили еру кўкни тупроққа қориб қарғанади, эр ер юткур нонни нимкосага бўктириб ураверади, қулоғи йўқ. Ҳа, тил ҳам йўқ, ё хотинидан, ё турмушидан нолиганини биров эшитмаган.

Бизда ўзи, тўғри, ҳасратини юзага камдан-кам одам юзага чиқаради, дардини тўккани кимга ҳам зарил, барчаники ўзига етиб ортса, ўзганикига тобтоқат борми?! Минг гапир, кўрган кунинг ўнганмайди. Бу пахтасида кимнинг бири икки бўлибди, раис-паис, ферма мудирларини айтмаса, лекин тумонат шунинг ичида, барака топса-топмаса саҳардан қаро шомгача бориб келаверади; эркага аёл бари туртинган, барининг қулоғи бутун қишлоққа тортанак тортилган радиотармоқда, кўчадаги карнай, уйларнинг деворига осилган қутчалар ким нима иш қилганини шанғиллаб туради, айтилганни қилмаганларни раисбобонинг ўзи чапараста сўқади, жаддига пичан ё сомондан маҳрум қилганини жориялайди. Ҳали даладан ўт олмайсан, молингни чиқармайсан, деб қолмаса! Ана энди жонингизни Жабборга бермай кўринг! Рўзгорга тиргак фақат мол-ку, пахтадан ҳемири келмасин, майли, аммо молгинанинг тагидан шамол ўтиб турсин-да, бўлмаса, бола-чақани қандай боқиб оламиз! Эй, бу дунёсида нимага югуриб юрибмиз ўзи!


Лекин шу чоп-чопда болаларнинг ўзи эсдан чиқиб қолгандек. Бизда ҳам тиним йўқ, ишга тармашганмиз, ўйинни қочиб қиламиз. Ўйинчоқ отига ҳам йўқ, топганимиз култивациянинг чингалаги, велосипед гилдирагининг спица деган нарсаси олиб ташланган

айланаси, чўп билан ҳай сурамиз-да. Уруш-уруш, яшинмачоқ, зув-зув, ким кўпга шўнғиш, ҳаммомпиш – пушка ясаб, ўртасидаги тешигидан рақиб кўзига тупроқ пуфлаб қочириш, чиллак, қулоқчўзма, эшак кўпкари, қизлар молларнинг жунидан юлиб, копток юмалоқлаб олади, бештошдан тортишади. Ҳа, мактабда осилса ғийқиллайдиган турник ҳам бор, Вафоқул айланаман деб, қоқ ерга боши билан тушиб, бир тутам сочидан айрилган. Ерда худди ланканинг пўстагидек ётган сочи. Айтмоқчи, ланка ҳам яхши кўрадиган эрмагимиз эди, ҳай, дабба бўлиб қолсан деб койишса ҳам, бу тепкани қўймас эдик.

Катталарнинг биз билан иши йўқ. Иши бор, қайсики, егани нони борми, устида бутроқми, э-э, кимнинг боласи тўкинчиликда ўсяпти, икки оёқда тик юрибди-ку, ўлмаса, бир кунини кўриб кетар, тупиркилосдан художоннинг ўзи асрасин! Биз ҳам шу. Биров боласини болам-бўтамлаганини кўрмаганимдан кейин суйкалиб-суйкумлини билмаймиз. Сўкиш эшитмасак бўлди-да, лекин бу ҳам пасту баландига қараб, баъзан эркалатиш: “Бу онангди... нинг боласини қара, бир ўзи қилибди-я шунча ишни!..” Бундан ортиқ бўладими, талтаясиз-да. Қаранг, қилган меҳнатингиз назарга тушган. Ким кимни сўкканини қўяверинг.

Отамнинг намоздан кейин атай дўконга кириб, атоқлаб менга бошмоқ олганлари ҳам, майли, кейин ойимдан билдим, нархи туширилган моллар дўкони экан. Ота – бизлар учун, эҳ-ҳе, бир улуғ зот, худо хаёлнинг бир чеккасидаги қутлуғ бир, нима десам, жаҳоний ваҳм бўлса, ота шунга яқин бузруквор сиймо. Болалигимда отамнинг юзларига тик қарамаганман, тикилиб ёдда сақлаб қололмаганимга ҳануз надомат қиламан. Лекин пинҳоний ихтилоф, ичимда қолиб кетадиган исёнларим бўлиб турар, у киши ғингшишларимни “Э, бунинг гапини қара”, деб ўтказиб юборар эдилар. Баъзан отам шунча фарзандларининг ичида менинг ҳам борлигимни пайқамасалар ҳам керак, деб мунгайиб қолардим. Бўлмаса, ўғил болага қиз боланикини, яна оёғига катта бошмоқ ҳам кўтариб келадиларми? Шунақа. Гапимни ҳам чақага олмайдилар. Бир қора қўчқорим бор эди, қўзичоқлигидан ўзим қараганман, итимдек орқамдан эргашиб юрарди, додимга қулоқ солмай, бўлак семирмайди деб, сотиб юбордилар-да, уч-тўрт ҳафта ўтиб, бошқа қўчқор олиб бердилар. Бозордаёқ, савдолашаётганларида айтдим, “Ота, шуни олмайлик, шохлагич экан, одамни майиб қилади”, деб. “Жим-е, муштдай боланинг гап билишини!”, деб уришиб бердилар. Оқ қўчқор хипча, калласини баланд кўтариб турадиган, ўзича кибрли бир олифта, одамни сузиш пайини кўзлар эди, мен ҳам қўйга қараб, пишиб кетмаганманми, калласини сал қийшайтириши билан ё эшакка миниб оламан, ё орага мол солиб чап бераман. Отамга неча марта айтдим, қани эшитсалар! Бир куни кечқурун мен тўйга кетиб, ем бераётсалар, ойимни сузибди, хайрият, қўйхона четанининг бу ёғига йиқилиб, янаги шохлашидан омон қолибдилар. Шуни отамга айтиб “Молга қараш ўғлинг туриб сенга қолдими?”, деб бекорга койиш эшитдилар. Кейин

(Давоми 26-саҳифада)



Namangan viloyatining "Navbahor" stadioni uzra 29-31-may kunlari akademik litsey va kasb-hunar kolleji o'quvchilarining "Barkamol avlod – 2014" sport musobaqalari mash'alasi porlab turdi.

Prezidentimiz rahnamoligida yosh avlodga ko'rsatilayotgan ulkan e'tibor va yaratilayotgan keng imkoniyatlarga javoban yuksak va qat'iy maqsad, ezgu orzular bilan buyuk kelajak sari chog'lanayotgan yoshlar har qancha olqishga munosib. Zero, ular orasidan xalqaro maydonlarda Vatanimiz sharafini munosib himoya qiladigan bo'lajak jahon va Olimpiada chempionlari yetishib chiqadi.

Keyingi yillarda Andijon, Chirchiq, Nukus va Termiz shaharlari mezbonlik qilgan ushbu musobaqalarda qatnashgan yoshlarning iqtidori va mahorati muntazam oshib borayotganini ko'plab sportchilarimiz xalqaro maydonlarda salmoqli yutuqlarga erishayotganida ham ko'rish mumkin. Yoshlarni yuksak natijalar sari undayotgan mazkur sport anjumanida qatnashayotganlar orasidan ko'plab mahoratli sportchilar yetishib chiqdi. Ular Olimpiada va Osiyo o'yinlari, jahon va qit'a chempionatlarida sovrinli o'rinlarni qo'lga kiritayotir.

Musobaqada eng ko'p medal jamg'arib, birinchi o'rinni egallagan Toshkent shahri jamoasi yuksak mukofot – O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning "Barkamol avlod – 2014" sport o'yinlari qatnashchilariga tabrigi asl nusxasi va Prezident sovg'asi – "Damas" avtomobili bilan taqdirlandi.

Umumjamo'a hisobida ikkinchi o'rinni egallagan Namangan va uchinchi pog'onadan joy olgan Samarqand viloyatlari jamoalariga Prezident sovg'asi – "Damas" avtomobillari topshirildi.

Musobaqalarda alohida mahorat ko'rsatgan, iroda va g'alabaga intilishini namoyon etgan, tengqurlari orasida yuqori natijalarga erishgan bir guruh sportchi-o'quvchilar maxsus sovrinlarga sazovor bo'lishdi.



кўчқорвой мана бўлмасам деб, оппоқ соқоллари кўкракларига тушганига хурмат кўрсатмай, ўзларига калла қўйибди. Бир сузиб, тисланиб яна хезланиб келаётганда бошига бир мушт туширган эканлар, ёнбошга қулабди. Отам ҳам кексаликларига қарамай жуда бақувват эдилар-да. “Э касофат-эй, одамга ўхшаб сузилиб қарайди-я!”, дейдилар яна. А, шунча вақт мен нима деб зорландим? Фақат ўзларини шохласа ҳисобми? “Қаранг, шохининг қирраси оқариб кетган, кўп шохлашганидан”, деб худонинг зорини қилганман, шуни кейин айтиб юрибдилар, бу бола ҳам анча балони билади, бир кўргандан айтган эди-я, шохи ейилган, деб.

Отам ўзи унча-мунча гапга қулоқ соладиган эмас эдилар, шу феъллари ўтганми, баъзида мен ҳам ўзимникини жуфт деб туриб оламан. Алданишларим ҳам отамерос лекин. Уйимизнинг орқа-олди вайиш, ерток, узумга чумчуқ билан майна кун бермас, тоғорау симга осилган тунука қутиларни тақиллатиб, ҳай-гала-галаю билан иш битмас эди. Отамга кимдир биров қўйнинг бир қулоқча ингичка ичагини пуфлаб, ваиш устига ташласа, чумчуқ илон деб ўйлаб қочади, қайтиб йўламайди деб йўл ўргатибди. Бир куни қўй сўйганларидан кейин, ойимнинг ҳай-ҳайлари, менинг қайтарганларимга қарамай, эринмаган одам, шу ишни қилдилар, бир довод сиёҳимни исроф қилиб бўядилар ҳам, кейин ваишга ташлаган эдилар, ҳовлимизни шундай чумчуқ босди, шундай қий-чув босди, қиёмат кўпди чирқиллаб ўзиям. “Э падарлаънати, ёмон бўлар экан-ку бу”, деб ичакни олиб ташлаганларидан кейин ҳам қани чуввос тинса! Шуни қилишларидан олдин: “Ота, қўйинг шу ишни. Майли, қараб туринг, ўзим пуфлаб, бўяб берай”, деб ялиндим, ойим ҳам гапирдилар, ярашмаган ишни қўйинг, деб, йўқ, чумчуқ балосини ўз қўллари билан йўқотгилари келиб қолдим, қўймадилар. Хўп томоша бўлди лекин, ойим кулиб уйга қочиб кирдилар, мен лабимни йиғиштириб ололмайман, бошимни буриб, чеккага тиржаяман.

Тез-тез қулоғим оғрир эди, бунақа нарсаларга отамнинг унча ишлари йўқ эди-ю, лекин бир куни меҳрибонликлари тутиб, азза-базза Разиздан дори олиб келдилар-да, ўз қўллари билан қуядиган бўлдилар. Қарасам, томизгининг ранги сариқ, “Ота, бу бошқанинг дориси, қулоқники оқ бўлади”, деб оёқ тирадим. “Қани, баҳона топиб, томиздирмасанг-да, а!”, деб, қочмоқчи жойимда ушлаб, тиззаларига қисиб, қулоғимга мажбурлаб қўйдилар. Миямга шунақа оғриқ кирдики, додлаб ерга ётиб қолдим. Мени шайтонлик қиляпти деб ўйлаб, қараб турдилар-да, кейин нимагадир Муқаддасни ушлаб, “Кел, қизим, эшитишинг тозаланади”, деб унинг соғ қулоғига томиздилар. Синглим бечорага мандан баттар бўлди, ҳовлини зир югуриб айланиб-чинқириб, ушлатмади ҳам. Шунда кейин қўя қолсалар нима қилар эди, йўқ, “Э, буларнинг айёрлигини, дори томиздирмасанг-да”, деб тик турган кўйи, бошларини ёнбош эгиб, ўз қулоқларига қуйсалар! Ана, томошани кўрсангиз! У ёқда Муқаддас йиғлаган, бу ёқда отам, туриб олганлар, бошларини энди бу ёнбошга эгиб, “Ҳа валади зино, ҳа падарлаънати! Бу Жўра чачана қулоққа деб кўзникини берган! Ўйиб юборди-ку! Кўр бўлгин, қулоқни кўздан

фарқламасанг!”, деб ўҳ-ўҳ қиладилар. Мен йиғлашни ҳам кулишни ҳам билмай, фақат их-ихилайман, гапим тўғри чиққанига ичимда хурсандчилик қамалиб қолган.

Биров уни ўқи, буни ўқима деб йўл кўрсатмаган, қўлимга тушганини ўқиб ташлайвераман. Гапим ўтмай, аламим келган пайтлари отамни шу китоблардаги қаттиққўл, золим оталарга ҳам солиштираман, ўхшамайдилар, китоблардаги чоллар ёппасига бенамоз, отам эса кунни ҳар саҳар “Оллоҳу акбар” деб азондан бошлар, азон айтганда ўзлари ҳам жуда баландлаб кетар эдилар. Мени қаттиқ ушлаганлари рост, аммо мактабни тугатиб, Самарқандга ўқишга бораман десам, “Болам, домуллоларга қилиб берадиган ўн минглик дастурхон йўқ менда, майли, кўнглинг ўзингдан қолсин”, деб ўзлари учирма қилганлар. Университетни тамомлаётганимда, Тошкентдан иш топганимда ҳам: “Э-э, болам, мен тирик эканман, Московга бориб ўқимайсанми”, деганлар. Шу-шу, уйга фақат меҳмон бўлиб бориб, у-бу ишларга қарашганим билан хизматларини қилолмаганимни ўйласам, армон бўғзимга келади. Дарвоқе, бу ҳам қисмат экан, қайтар дунё, болаларимни мен ҳам ўқитдим, улар ҳам дунёнинг турли бурчакларида юришибди, ёнимда ўтиринглар, менга қаранглар, деб айтиш... айтса бўлади-ю, лекин ўзингни ўйлаб, болаларнинг оёқ-қўлини боғлаб қўйиш инсофга ҳам, ҳаётга ҳам тўғри келмас экан.

Э-э, мана, чоллар ўтиб кетди, тўп-тўп кетиб юбордилар. Ихчам саллаларда, у ҳам борида, бўлмаса бошларига қийиқча ўралган, эгарда сал қийиш ўтирардилар, эгар ботармиди ё бу ҳам бойиқча закиликми, қўлда халачўп, нўхтанинг ипи эшакнинг бўйнига ташланган, йўрғанинг маромида гангир-гунгир ҳангомалашиб келаётганлари узоқдан кўриниши билан тўй эгалари ёшроқларни “Ҳай, Қўнғиротдан тўртта эшак келяпти. Ҳай, учта эшак келяпти, Исталиндан, қаранглар. Орқадан яна бешта эшак!”, деб шошилтиради. Эшак бойу камбағалга тенг улов, ишлаганда олдин “Виллис” мошин ё “Урал” мотоцикл минганлар ҳам пенсияга чиқиши билан эшакка ўтиб олар, бу ҳам бир мартаба, энди амалнинг сиёсати йўқ, эл қаторига тушиб, гап-гаштак еб, худойи, тўй, маъракаларда қидириб юришнинг гашти ҳар қандай мансабдан яхши, бир ёққа борсанг, ёшлар югуриб пешвоз чиқиб, эшагиндан тушириб, ичкарига манзират қилиб турса, бунга нима ётсин! Эй, кунлар, йиллар гириллаб ўтиб кетаверар экан, чолликка даъвогар ўзимиз энди, аммо, албатта, эшак минмаймиз, тўп-тўп юрмаймиз, бизда у завқлар йўқ, у чоллар болагимизни олиб, бизни хотирага чўктириб кетган. Ўзимиз ҳам улардан бошқача чолмиз.

Ҳамма кунлар хотираси хира эмас, бир хиллари ҳали-ҳануз кўз олдимда гул-гул очилиб турибди. Раҳбарнинг бир ўзи ўтга келган кунни унутолмайман. Ҳа, акаси йўқ, укаси ҳали кичкина ё онаси нуқул қиз туққан ўғилойларгача ўтга чиқиб турарди; уларга ўришамиз, ўтини эшагига ортиб берамиз, ўзимизча кўнглини олган бўламиз, атрофида айланишгандан юракчалар ҳовлиққан, ботинолмай четда қолганларга бодиланиб қараймиз.

Офтоб залдоричорбоғнинг устига оғиб, дами қайтиб бошлаган, мен ҳам бир ўзим, молга қараб юрган эдим. Раҳбар менга бир қараб қўйди-да, ўт қамиш аралаш бўлиқ ўсган сувсиз ариқ ичига кирди. Мен ҳам иярдим унга. Атрофдан пана, осмон баланд, олдимизга келмаса биров кўрмайди, чумчүк чиқиллайди, олашақшақ ҳай, аққа қара, баққа қара, деб шағиллайди, яна даланинг бебош қушлари чуғури. Раҳбарга қарашишдан бошқа нарсани ўйлаганим йўқ, ҳаққаст рост, лекин у эгилиб ўтни тутамлаганда, бориб орқасидан шаппа қучоқлаганимни билмай қолдим, қўлимга бир нарса илиниб, каптардек питирлаб берса! Оғзимга қатиқлаб ювилган тутам сочи ҳам кириб кетибди. Юрагим қинидан чиқиб, ўзимни уватга отдим. Ўроғи билан солиб қолмаса, деган ҳадик ҳам бор лекин. Аъзои баданим ёниб, бошим ғувуллаб кетди, тилим тутилган. Унинг бўй тортиб, етишганини кўриб юрган бўлсам ҳам, ўша жойлари бундай дуркун бўлгани кўйлагининг тагида унча билинмас экан, кейин ўзи нималигини ҳам билмайман, қўлим текканида юрагим чиқиб кетди.

Раҳбар эса бир қизарган бўлди-да, эгилиб яна ўришга тутинди. Ширт-ширт ўроқ тортиб, шу эгилган қўйича менга ғалати қараб қўяди, “Ҳий-й, уят-а, уят! Шундай хулқи аъло ўқувчи-я”, дейди-да, яна ўраверади. Бир кўнглим – уватга қочиб чиққанамга афсус, яна бир кўнглим хоинликдан ўртанади – ўл-э, бузуқ-бевафо! – оламан деганим бошқа эди-ку, – энди буни қучоқлаб қўйганимга юзим, ҳатто ич-ичимгача шувит. Лекин ушлаб олганимнинг питир-питири! Худди жони бордек, хурсанд селкиллаётгандек, каптардан бошқа нимага ўхшатишни билмайман, қарашга ҳадикланаман, умримда биринчи бор ушлаганман-да ўшанда.

Раҳбар тўғрисида ивир-шивирлар қулоғимга чалинган, ёпишганим ҳам шунгадир, менга тўғри келмайди деб биламан, лекин энди нари кетолмай, аросатда туриб қолдим. Кўнглим аралаш-қуралаш жунбиш, яна унинг майда қизил гулли кўк қўйлаги ичида боя ушлаб олганимнинг тинмай бориб-келаётганига қараб, нимадир сезгиларим билан аччиғи чиқмаганини англайман. Аммо кеч, қўш каптар ҳуркиб нари учган, ўша ёқдан силкиниб, э-э, юраксиз, ҳали кичкина экансан-ку, деб кулаётган эди. Раҳбарнинг ўзи ҳам бир синф пастда-ю, лекин ҳозир бирдан катта қиз бўлиб, бояги қилиғимга худди укасига қучоқлатгандек, бемалол қўйиб берган экан. Кўп китоб ўқимаганимда бунақа аҳволга тушмас эдимми, балки.

Ёнбошлаб балқиган офтобда ўроқ тиғининг ялт-юлт чақнаши ўзимдан, истагу ҳаяжонларимдан ҳам зўрроқ бир кучнинг Раҳбарга тортиб кетгани, икки қўлимдан урилган бир қучоқ осмоний ваҳима – эслаганда ҳозир ҳам ўша ёшга қайтгим келиб қолади.

Ғазиранинг кўмаклари хаёлимда тўлқинланади. Кундузнинг кечки ғуборидан далалар устига оқиш чойшаб ёйилган, қорни дўмпайган жониворлар пишиллаб тў-ўғри уйга йўл тартади, темир қозиклари жингирлайди. Шу вақтлари қишлоқнинг подаси ҳам қайтаётган бўлиб, сигир мў-ўраши, қўй ба-арашига Маъқул янганинг арияси ҳам қўшилади: “Ҳа-ай! Ҳа-

ай-й! Ҳай, жонинг чиққур, Тиркаш!” деган чорлов уланади-да, тўғри авжига ўтади: “Ҳай, ўликкинангга куяй, Тирка-аш! Молни қайтармай нима бало еб юрибсан? Қўлимга тушгин, гўштингни ейман лекин!”, Нақарот ҳам унча бой эмас, фақат унга “гина-гина”лар аралашиб, баттар баландлайди: “Ҳа ўликкинангга куяй, сағанагина қолгурга ким қарайди? Бўйинг сартахтада чириси-ин! Ҳа, оғзингга...” Шу ерини айтсак бўлмас, лекин Маъқул хола тортинмайди, ўғлининг оғзига нима қилишини куйга солиб, бутун қишлоққа ёяди. Ўйлайсизки, боласини шунчалар ёмон кўради, унга ўлим тилайди, қўлига тушса, гўштини бурдалайди. Йўқ, бу ҳатто қарғиш ҳам эмас, кун бўйи рўзғорига уннаб, иши ҳамишагидек унмаган, юрагига норозилик ботиб сиқилган аёлнинг дардига оҳанг бериб, нафас ростлаб олиши, холос. Тиркаш молни қайтариб боради ҳам, уйга бемалол киради, онаси бор-йўғи: “Ҳа, кўзгинанг ситилиб оқсин! Бола эмас, бошимга бало бўлдинг-ку”, деб яна қарғишлайди-да, челагини кўтариб, сигир соққани шошади,

Куни бўйи офтобнинг қиздириши, одамларнинг ғала-ғовури аралаш дим ҳаводан толиқиб эгилган шохларга болаларнинг қийқириқлари, молларнинг мўъраши осилиб қолади, кун кечкириб, салқин оралагандан кейин дарахтлар ҳам шабада билан шу паст шовқинларни секин бир-бирига улашади. Ғазирамиз сердарахт, олма, залдори, гилос, шафтоли, олхўри, олмуруд, жийда, ёнғоқ, ҳовлиларда унда-бунда ишком, хулласи, тупроқда унадиган неки мева оғочи бўлса, баридан бор; ҳовлилар, шийпонлар кўкка ўранган, йўллар қуюқ соя... Энг арзандаси тут, одамларнинг томорқаси ё ҳовлисининг ўртасида, пахтанинг ичида ҳам унга имтиёз, тўғри келаётган йўл ҳам айланиб ўтади, чунки давлатнинг рўйхатида.

Атроф-жавониб кўкалам: пахта билан беда, маккайи билан полиз экини, қаерга сув етса, ўт гуркирайди: бўйимодарон, саломалайкум, семизўт, печак, ғумай пахтани босади, так-так, шўра, ялпиз, буни пидана деймиз, аччиқ итқовун, нордон итузумни татиб кўриб, туфлаб ташлаймиз; сувсизда ўсадиган янтоқ, қушқўнмас, бурган, какра, эшакмия, уни янгилигида молемайди, лекин ўт боғлашга яхши, қишга эшакка ўрамыз, фақат ўроқ янги чархланган бўлиши керак; ипак қуртининг пилла ўрашига баҳорикордан читир, мингбош юлиб тушамиз, яна шу ердаги буғдойпояларни кампирчопондан тозалаймиз: офтоб тагида шамол тўнини тўлқин-тўлқин товлангирган қирларга қараган одамнинг юраги ҳаприқиб, ашула айтгиси келади, шунақа чиройли...

Бир эшак ўтни тушириб, саранжомлаб, молларнинг емини ҳам бериб, кейин қўл ювиб, худди катта одамдек томоқ қириб, дастурхон четидаги ўз жойингизга бориб ўтириш... Ош сизга маҳтал, сузилмай туради, қуроқ кўрпачага йиғиниб чўкасиз, катта лаган ўртага қўйилади, ана шунда отангиз: “Қани, бисмилло, дастурхонга қаранглар”, – дейдиларда, сизни алоҳида: “Ий-э, олишда мазанг йўқ-ку”, деб ундайдилар. Енг шимариб, гўштдан кўпроқ олиш пайида бўласиз... Оқшомлари супада ётганда осмон тўла юлдуз яқин тушиб, ҳар донаси биллур чақнайди, ҳисобини оламан дегунча кўзингиз кетиб

қолади. Сахарги уйқу эса шиннидек елим-ширин, тўймайсиз, бошингизни ёстиқдан зўр билан узиб, ўтириб ҳам мулғийсиз. Шу мулғиган кўйи эгнингизга бир нима илиб, кўзингизни йириб-артиб, молларни далага ҳайдайсиз. Тонг салқини жунжиктиради, тиришиб эснайсиз, лекин далаларнинг бағридан насим-шабадалар кун чиройини уфуриб олиб келиб юзингизга сепади, тамом уйғониб керишасиз...

Қани эди у кунлар бир марта қайтса! Осмон кўк, ер кўк, кўм-кўк бел бўйи шу ҳилқат ичида қизнинг жияксиз калта лозимия ўсма туташтирган қошлари тагидан чарақлаган кўзларигача ҳамон кўз ўнгимда. Унинг фақат юзи қизарди, менинг ҳам оловим чиқиб кетди, нимага унинг истагига пешвоз бормадим? Кичкина эдим, кичкиналик қилдим, болаликнинг ўзи йўл бермади.

Ўйламанг, биринчи муҳаббатим бу эмас, бу – ўйғонишимнинг илк расмларидан бири эди, холос. Лекин аниқ чизилиб қолган, ранглари ҳануз живир-живир қилади. Унга фақат қиз миниб келган эшак тушмаган. Албатта, шундоқ дамларга эшакни аралаштириб эслагим йўқ, лекин, бор эди-да, илож қанча. Раҳбар ҳам ўтти бошига қўйиб ўзи ташимайдик. Лекин қанақалиги ёдимдан тамом ўчган. Бўзми, кулрангми ё оқдир, билмадим, ишқилиб, юк тортганда куч берсин деб бир-да-яримининг бурни тилинганини айтмаса, ҳаммаси текис жайдари эшак, бу келгани ҳам ўшаларнинг бири, туки ортиқ эмас. Нимага бир қулоғи шалпайган, ўзи шундайми, биров ё ўзим ёмон урганманми, халачўп бўйнига ўтмагандан кейин қулоғига солганмиз-да, ўроқнинг орқаси билан, бошқа илож йўқ, айб ўзида, айтганга юрмаган, у пайтлари тушунмасди, энди эси кирган катта одам деб келиб, арз қилмоқчимми, яна ҳам бир гап айтиш қийин. Лекин болаликка кириб қолиб, бир вақтлар қилган ачиққларимни бугун юзимга солса, ғалатию.

Лекин эшак ҳу бошда ўқиганим мақолни пеш қилди.

– Нимага бориб Эскижўвада ҳанграшним керак? – деди дабдурустан. – У ер эшак саройи эмас, бозоржой. Кейин, мен, ахир, ўзимникиларни кўрганда, шунда ҳам думоғим чоғ бўлса, мана, юрибмиз қаторда, деб бу дунёда борлигимни билдираман. Гурунгимиз шунақа, ҳангомамиз шу. Одамлар эшитсин деб эмас. Ҳа, кейин, бунинг нимаси номардлик? Эшакнинг ҳам марди ё номарди бўладими?

Э-э, гап бу ёқда экан-да. Лекин тўғри айтяпти, мард бўлиб ҳам қаёққа боради, ўзи бир эшак бўлса. Ҳа, албатта, Эскижува эскидан бозоржой, хўп, шовқини бор, олди-сотдининг ғала-ғовури, лекин энди эшак ҳанграмайди, бир-да-ярим лўлиники кўриниб туради, лекин у ҳам аравасини жим тартади. Бу гап юк уловда ташилган, эшак кўп ким-қайси замонларда айтилган, кейин, тўқимтабиат одамларга, анавинақалар бор-ку, кучи япалоққа етиб, кучсизларга кўрсатиб ҳанграйдиган, бор шунақа одамлар, ўшаларга. Эшакнинг ўзига тегиб кетишини ҳеч ким ўйламаган.

Шуни тушунтирмоқчи эдим, эшак айтишқоқлик қилди:

– Тўғри келган жойда ҳанграб, номард бўлиб юрган эканман-да? Бўйнингга ўзинг беҳабар айбни қўйишса, жуда адолатсизлик.

– Мард бўлсанг, кучингни кўрсат кўпчиликнинг ичида, дейиляпти. Менингча, бунинг ёмон маъноси йўқ, – дедим жўяли қилиб.

Эй, жуда ғалати-ей, эшак билан гап таллашиб ўтирсам. Одамнинг гапини эшакка уқтириш ҳазил эмас экан.

– Хўп, унда бу гап-чи? – деб яна оёғига тиралди қашанг. – “Эшак бахши бўлмас, ёмон яхши бўлмас”, дейишади. Яна мени ёмонга чиқаришяпти. Ахир, ўзимизга бахшиман, одамларга эмас. Авжини баралла оламан, куй пардаларим тоза, хонишларим қадимий, ўзгалардан кўчириш йўқ. Ҳали бирон эшак айб тақаманган, ҳаммасига маъқулдирки, жўр бўлишади. Мана, ўзингиз баҳолаб кўринг, мусиқани тушунсангиз керак?

– Йўқ, йўқ, раҳмат, – дейман шоша-пиша. – Қулоғимни от босган, мусиқанинг кўчасидан ўтмайман.

Ўзи болалигимдан ҳанграшини ёмон кўраман, миниб турганимда ҳанграб қолса, уялиб, нўхтасидан тортиб, калласига солар эдим, Энди маҳаллага варанглаши етмай турувди. Ҳа, бунга биров ўргатгани аниқ, эшак калласидан чиқаётган гапларни қаранг. Кейин, мен ҳам билмаяпман, эшакнинг яхши ё ёмони қанақа бўлишини. Бир хиллари бор, тепонғич, бир хиллари тишланғич, хўп, бунақасини ёмон дейлик, лекин яхшиси қанақа? Ё бу гап билгани учун яхшилари қаторига ўтадимми? Лекин тайёрланиб келган, хийла билгич, гапига гап топиш қийин.

– Ўзи сенсиз ҳам бемаза қўшиқ урчиган. Илтимос, карнайингни тортма, – деб муросага чақирдим. – Қўшнилари жа ошносини топибди, деб ўйламасин. Хумори тутаётган бўлса, ана, шаҳардан чиқиб, бир овлоқ далани топ-да, авжингни баралла олавер.

– Э-э-а, деди эшак қулоғини саланглатиб. – Ҳозир даланинг овлоғи қоптими, янтоқ босган чўлгача эғали. Ҳанграшга ҳам пул сўрайди.

Оббо, бунинг фермер билан иши борми! У ҳам ерни эшак ҳанграман деб олмаган-ку. Далами, чўлми, ўзиники бўлгандан кейин, нима қилса, ихтиёри-да, харажатини чиқариши керак-ку. Яна шунча оғиз солганни тўйдирсин, бир хиллари чидамай, бир бош-бир қулоғини олиб қочиб ҳам кетяпти, эшак кўзига кўринадими шундай паллада! Кўряпсизми, кимдир бузғунчи йўлдан урган буни, бор, ерда ҳайвонлик ҳуқуқингни талаб қил, ким қаерда ҳанграшига эркинлик бор, деб тезлаган. Эшакка савод ўргатса, ўзини ўқитишини ўйламаган нодон! Аммо-лекин мен нима қилиб бераман бунга, фермер ё адвокат бўлмасам? Болалигимдан келибди деб, нима деса қулоғимга қўйиб олмайман-ку.

Ўзимга келсам, айтдим-ку, ўтқизган жойлари бордир, ҳаммаси эсимда йўғ-у, лекин урган пайтларим бўлмаган деб айтолмайман, ахир, эшакни урмаса эшак бўлмайди-да. Эшак – калтак билан эшак. Э-э, шошманг, ҳозир Раҳбарни эсладим-ку, шу билан бир қизиқ иш бўлган, лекин бунинг эшакка алоқаси йўқ, агар ҳам туғдиришга борган қайнонаси Чўлқиндига, туман марказидаги туғруқхонага эшакда қатнаганини айтмаса, ажойиб воқеалиги учун сизга илиняпман.

...Шу десангиз, бир куни шу Раҳбар ўлиб қолади. Ҳа энди, эридан отасига, яъни эрининг қайнотасига

ўлди деб телеграмма келгандан кейин шумхабар қорухат-да. Ёмон бўлган! Ёшгина нарса тап этиб ўлиб қолаверса, яқинларига осон тутасизми! Канал суви тортганми, у ёқда жуда катталари бўлар экан, ё нотоза ҳаводан касалланган, ё бирон палакат нарса чаққан, ё, кўзга яқин эди, ҳар хил одам кўп, кўз текканми, кўзикканми, учинганми, хулласи, бу ёқдагилар минг кулфат хаёлда, лекин ҳар хил хаёл келинчакнинг ўлигини тирилтириб, ҳаётга қайтариб қўймайди, албатта, бечора ўлдими – кетди. Яна одамлари ҳар жойдан борган, тайинли кўйиндиси йўқ одамёввойи чўлларда! Ҳа-я, айтмабман, Раҳбар мактабни битириб, ҳамширалик курсида ўқиб юрганида шу нарироғимиздаги митанлик йигит билан гапи бор экан, курсни битирар-битирмас тўйлари ўтиб, кейин иккаласи йўлланма билан чўл ўзлаштиришга, ишга дейишади-ю, лекин асли пул ишлашга Мирзачўлга кетган. У ёқда жойлашиб, энди томир қўяман деб турганида, йил ё ўтади, ё йўқ. Эҳ, бу мусибат ҳеч кимнинг бошига тушмасин, ўлгани тўғрисида шу тилғиром ошиғич келиб турибди-да. Шунча талотум билан яна ўликни вақтида жойига бериш ҳам керак. Яхшики, булар серуруғ, хешу қариндош дарров гангиган отанинг қаватига кириб, ёлғиз қўймаган. Хабари етиб келган кечқуруноқ неччи хабарчи, чоп-чоп, югур-югур, у холасига одам юбор, касал ётган бу катта аммасига билдирма... Ит эгасини танимаган шу вақти ияк қоқиб бермасин тагин, амаки-тоғаларни йиғ, куёв томондан йиғ, гўрков ҳам жой кавлаб турадиган, э-э, хуллас, майитни ортиб келгани бир гурзавой мошинни ҳам ёллаб, совхознинг шалоқ автобусига ияртириб, кечалаб йўл босиб, тим-тирс саҳарда Мирзачўлнинг Бачқирми, Қачқирми деган қаеригадир етиб, Раҳбарнинг девори йўқ, лекин ҳайҳотдай дарвоза қўнқайган ҳовлижойининг бу чеккасига тушар-тушмас: “Вой, болам! Сан ўлгунча ман ўлмайманми!” деб гиряи қазони бошлаб юборишади-ку! Жим-жит ётган ўша Бачқир ё Қачқир уйқудан сапчиб, арининг уясидек тўзғимайдими! Кайфи учиб уйғонган куёвполвон ҳам иштончанг ҳай-ҳайлаб чиқади. Э ҳазилми, ухлаб ётсангиз-да, эшигингизда дабдурустдан дод солиб қолшас. Эсдан оғаёзган, лекин чўл кўрган бамаъни йигит-да, элас-эласда қараб, ким қайтганини тусмол қилолмаса ҳам, биров-ярим ана-мана ўлади деганлар ҳам шу ерда, эса, ҳай, айтимларга қараганда аёл киши, мен билмаган бирон қарри-қурри момой холамиз омонатини топширибди-да, деб фаҳмлаб, “Вой энам! Волидаю меҳрибоним энам”, деб йиғичиларга қўшилади. Ўзингиз биласиз, аёл ўлдими, кампирми, ёшми, йиғи-йўқловда бизни ташлаб қайларга кетган соябоним онам, меҳрибоним онам, бўлади. Кўнгил яқинлар кучоқлашиб, елка қоқиб, дод-вой бошқаттан авжга миниб, яна пасайиб, расми йиғига бир тўйиб олгандан кейин секин разм солсалар, куёвнинг “во энам”и сал бошқача, арз-доди хотинидан кўра бундан ўн етти йил олдин қайтиш бўлган бувисига, унча куймаяпти, кекиртакка зўр бериш ҳам йўлига, сал шайтонлиги бор. Тагин қарасалар иштон ҳам қасамга келган, юқалашиб, қараган одам кўзини олиб қочади. “Ҳай, полвон, бақиришдан бошқа калла керак ишлар бор, майитга одам кетдими?” – “Ким, ким кетади?”

Майитларинг нима? Сизлар йиғлаб келганга ҳўп деб қўшилиб турибман. Орага гап суққани қўймаяпсизлар.” “Ий-э, ғирт маст-у, у ёқда хотин у аҳволда, буёқда бу бўкиб ичса, нокас!” “Э бўкибмас-е, икки пиёлага ҳам бўкадимми? У ҳам қачо-он – олдидан келганимда олти ярим-еттилар эди.” “Ўликнинг олдидан келиб, паминка қилдинг ҳамми? Э-э, ўзинг ўлиб кетган экансан, бети йўқ эш-шак!” “Бет борми мунда? Бир пиёлани кўрса бўлди экан-ку! Шўрлик бу овлоқларга шу аҳмоқни деб эргашиб келиб, нобуд кетса, бу кетяланг...” Ана, шу ерда куёвнинг ўзини оқлаши оловга баттар мой куйди. Тўғриси айтиб қўя қолмайдимми, чўл йигитинг икки пиёлагинада тўхташига ишонадимми шу куйиб турганлар. Ёлғоннинг аламиндан куёвтўрани тепкилаб ташлашларига сал қолади, яхши ҳам, Раҳбарнинг бу ёқдан борган Восит оғаси, корафтароқ одам, “Ҳай, чувир-чувир қилманглар. Кўп гап – эшакка юк. Кўрмаяпсизларми, бунинг мияси кетган. Мия бўлса, кетига бир нарса ёпарди. Нима деяётганини ўзи билмаяпти. Энди бу ёғини кўрайлик. Ўликка ҳам одам кетмаган чоғи, муштипарни, ёриб-нетиб қўймасларидан етказиб келишни ўйлайлик. Қайтиш йўл ҳам бор ҳали”, деб жўяли гап қилади. Ана, ўзи ухлаб ётганида бирон момой эмас, хотини ўлиб қолгани энди калласига кирган куёвтўра: “Вой, мени ташлаб қайларга кетдинг, Раҳбаржон!”, деб ҳақиқатан ҳам росмана вовайло кўтармайдими! Азадорлар бошқаттан таъсирланиб, чуввос баттар авжга минади. Раҳбар ҳам тириклигида кўп келинчакнинг бири бўлиб юрган бўлса, энди ҳамду саноси осмонга баландлагандан кейин, бирдан қадри ортиб, бундай жуфтидан айрилганига чидамай куёвтўра гуппа ташлаб юборади.. Балки ўзидан кетганга солгандир ўзини, тагин мени жавобгар деб судга судра-судра қилишмасин деб. Лекин асли осон тутасизми, йигит одам жондан суйганми, суймаганми, рўзғорга зарил келинчагидан жудо бўлиб, кўлида чақалоғи билан чўлда қолса! Жанозага тўпланганларнинг битта ўликни иккита қилган бўлмасак тагин деб ҳурраси учади. Ҳамма ҳам ақлини еб қўймаган, дарров бетига сув-пув сепиб, инқиллашини эшитгандан кейин, Восит тоға яна мудаббир, ким ўликка боради, ким дарвоза олдида товуш бериб туради, ким томоғи қуриганларга чой етказади, ким қорашўрва осади, хуллас, калапатра босилиб, маросим расамади йўлга қўйилиб, йиғи маромга солинган шу вақти Чўлқиндидан куёвнинг энаси, яъни Раҳбарнинг қайнонаси эшагини халалаб келиб қолмайдимми! Қараса, ҳовли тўла йиғин, йиғичилар, келинга аза очилган, ўгли эса ўртада Алпомишнинг лошидай чўзилиб ётибди. Ана, энди энаники тутмайдими: “Илоё, айтганинг оғзидан чиқиб ёқасига ёпишсин! Ўзим ҳозир атала ичириб келяпман-ку. Сен, ер юткур, нимага кетингни корсон қилиб ётиб олдинг, хотинни мен туғдирдимми?”, деб ҳовлисупургини ўқталади, ўғил ўша кўп даккига қолган кетини кўтариб қочиб, ўзини уйга уради; шим-пим кийиб олмаса қўймайди булар.

(Охири келгуси сонда)



San'at

Oynay i jahon ko'zgusida

Телевидение хабарлар манбаи, кўнгил очиш, дам олиш воситаси сифатида ҳаётимизга сингиб кетган. Телевидениенинг ана шу хусусиятидан фойдаланиб, эфир вақтини мазмунли ва мушоҳадага ундовчи санъат мавзусидаги кўрсатувлар билан бойитиш жаҳон телеканалларида етакчи вазифага айланди. Ҳатто кўпгина мамлакатларда санъат ва маданият масалаларини махсус ёритиш билан шуғулланувчи телеканаллар фаолияти йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида бир қатор телеканаллар пайдо бўлдики, қисқа муддат ичида улар ўзларининг ранг-баранг кўрсатувлари билан мухлислар эътиборини қозонди. Хусусан, “Маданият ва маърифат” телеканали орқали эфирга узатилаётган “Кино ва адабиёт”, “Оқшом гурунглари”, “Телехиёбон”, “Аншлаб”, “Кафтдаги чизиқлар”, “Бекатдан бекатгача” сингари кўрсатувлар мазмун-мундарижаси, муаллиф ва режиссёр ёндашуви, маънавий-тарбиявий аҳамияти билан ажралиб туради. “Кинотеатр” канали ҳам кино ва спектакллар намойиши орасида айни санъатларнинг таҳлилига доир кўрсатувларни кўпайтирса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Театр ва кино санъатининг бардавомлигини таъминлаш, томошабин билан узвий алоқаларни йўлга қўйишда шубҳасиз оммавий ахборот воситаларининг энг тезкор ва оммабоп тури ҳисобланган телевидениенинг ўрни беқиёс. Унинг асосий ютуғи таъсир доираси ва имконияти кенглигида, воқеликни тез ва тўлақонли акс эттиришида десак, хато бўлмайди. Шу боис, сахна ва экран санъати тарғиботи билан шуғулланиш нафақат соҳа вакиллари, балки телевидение ходимларининг зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, бугун телевидениеда театр ва кино санъати тарғиботи қай даражада? Уларга бағишланаётган кўрсатувларнинг умумий савияси қай аҳволда?

Даставвал, театр санъати ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу борадаги ҳолат кўзни қувонтирадиган даражада дея олмаймиз. Тўғри, “ТВ-плюс”, “Муסיқа ва театр”, “Афиша” сингари кўрсатувлар мунтазам равишда томошабинларни театр оламида кечаётган энг сўнгги янгиликлардан хабардор этишга ҳаракат қилмоқда. Телевидениеда 2004 йилнинг март ойидан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кўмаги билан “ТВ-Афиша” кўрсатуви ташкил этилган эди. Аммо бу кўрсатув пойтахт ва вилоят

театрлари репертуарининг экрандаги “ташриф қоғозча”сига айланиб қолди. Бора-бора кўрсатувнинг асосий қисми кино санъатига йўналтирилаётган бўлди. Театр ҳақидаги янгиликларнинг эса таҳлилий руҳга эга эмаслиги, ижодкорлар билан жонли мулоқотлар ўтказилмаётганлиги, шунингдек, томошабинларнинг спектаклга бўлган муносабати ўрганилмаётганлиги лойиҳадан кўзланган мақсад амалга ошмаётганини билдиради. Шунингдек, “Тошкент” телеканалининг “Дилдаги гаплар”, “Тошкент оқшомлари”, “Ёшлар” телеканалининг “13- студия”, “Бахт формуласи”, “Қўшимча дарс”, “Спорт” телеканалининг “Санъат ва спорт”, “Мухлисингман, спорт” каби кўрсатувларида ҳам баъзан таниқли театр актёрлари, режиссёрлар билан суҳбатлар, ижодий мулоқотлар бериб борилади. Бу яхши, аммо етарли эмас. Истагимиз, телевидениеда театр санъатига бағишланган кўрсатувларнинг сони ва салмоғи ортса. Бу театр томошабини салмоғига ҳам таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

Мамлакатимизда кино санъати оммалашгани сайин унга бағишланган махсус кинокўрсатувларнинг доираси ҳам кенгайди. Бугун телеканалларнинг деярли барчасида кино санъатига бағишланган кўрсатувларни учратиш мумкин. Аксариятининг номи ҳам бир-бирига ўхшаш: “Киномания”, “Кинотақдим”, “Кинонигоҳ”... Номлар янглиғ шиорлар ҳам бир хил: “Биз фақат кино дунёсидан сўзлаймиз”, “Энг сўнгги кино янгиликлари фақат бизда”. Моҳиятан бир хил кўрсатувлар, аммо савия... чатоқ-да! Баъзилари тасмаларга мангулик битигини муҳрлаётганлар машваратига ҳаддан ташқари шўнгиб кетса, айримлари кино баҳона студияга чиқиб олиб, ўзларининг турли либосларини кўз-кўз қилишади.

Юқоридаги мисоллардан сўнг театр ва кино, умуман, санъатнинг тараққиёти телевидениега ҳам боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган, ўзига хос ютуқ ва марраларни қўлга киритган ва бугун ёш ижодкорлар томонидан янада бойитилиб, янгича шаклга эга бўлиб бораётган ўзбек санъатининг келгусидаги истиқболли режалари бизсёр. Бу истаклар эса ўз-ўзидан амалга ошмайди. Халқни санъат билан боғловчи энг яқин ва энг мустаҳкам робита — ойнаи жаҳон. Демак, телевидениеда санъат асарлари тарғиботини янада кучайтириш керак.

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ

Qadriyatlar qatida



Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, маданий юксалиши, санъатининг йилномаси мавжуд бўлиб, буларнинг барчаси ушбу халқнинг ўтмиши ҳамда келажагини белгилайди. Ўзбек халқи ҳам тарихи, маданияти ва санъати ривож топган миллат сифатида ўз ўрнига эга.

Аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий мерослар, муסיқий маданиятимизнинг ноёб ижролари, фольклор санъати бугунги кунда ҳам бўйбаста билан намоён бўлмоқда.

XX асрнинг сўнги йилларида юртимиздаги ўзгаришлар натижасида, мустақилликнинг шарофати билан аждодлардан мерос қолган бой маданият ва санъат тарихини чуқур ўрганишга имкониятлар яратилдики, бу ҳол бебаҳо тарихимизга янгича ёндашишни, уни янгича тафаккур билан англашни тақозо этади.

“Халқимизнинг келажаги, – деб ёзади мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов, – энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди”.

Ўзбек фольклор санъати халқ ижоди, ҳамда куй тузилиши жиҳатдан ривожланган ашула ва чолғу муסיқий ижрочилигини ўз ичига олади.

Фольклор санъати меҳнаткашларнинг орзу-

умидлари, уларнинг турмуши ва ахлоқи, миллий озодлик учун курашининг ифодаси сифатида гавдаланади. Ўзбек халқ муסיқаси мавзу жиҳатдан серқирра бўлиши билан бир қаторда жанрларга бойдир. Уларга маълум муддат-шароитда ижро қилинадиган чолғу куйлари, яъни оилавий маросимларда ижро этиладиган лапар, ялла, ашула, халфа қўшиқлари ва дostonчилик жанри киради. Маросим қўшиқлари эса фольклоршуносликнинг энг муҳим қисмларидан ҳисобланади. Улар икки туркумга ажралади. Биринчиси – мавсум маросимлари билан боғлиқ фольклор қўшиқлари, иккинчиси – турли маросим, оммавий турмуш билан боғлиқ ҳолда ижро этилади.

Ҳар бир воҳаниннг этник жойлашувига, урф-одатига қараб фольклор жанрлари ва услублари турличадир. Хоразм халфачилиги, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларининг фольклор санъати ўзига хос услуб ва мактабга эга. Шунингдек, Фарғона водийсининг лапарлари, алла, ёр-ёрлари турлича ижро этилиши билан эътиборга моликдир.

Алла ижроси халқ орасида жуда кенг тарқалган. “Ёр-ёр” муסיқий жанри эса нафақат ўзбекларда, балки бошқа қардош халқларда ҳам ёйилган.

Мустақиллик йилларида фольклор-этнографик жамоаларининг ижодий фаолияти янги босқичга кўтарилди. Мустақиллик ва Наврўз байрамларида бу ансамблларнинг катта саҳналарга чиқиши анъана тусини олди. Бугунга келиб, фольклор-этнографик ансамблларнинг умумий сони 300дан ортди. “Бойсун”, “Гулёр”, “Омонёр”, “Достон”, “Бесперде”, “Орзу”, “Ёр-ёр”, “Чавқи” каби кўплаб ансамбллар миллий-бадий меросни, анъаналарни ўрганиб, халқимизга етказмоқдалар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўзбек фольклор-этнографик ансамбллари янги-янги ижодий ютуқларни қўлга киритиб, бетакрор санъат намуналари билан бутун жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда.

Гўзал РАЗЗОҚОВА,
тадқиқотчи

Kino: san'at va sanoat bahsi



Ўзбек миллий кино санъати ўзининг кўп йиллик тараққиёт йўлида турли қийинчиликларни бошидан кечириши билан бирга халқ ҳаётининг акси сифатида кўплаб муаммоларни ёрита олди. Гарчи кино театр санъатидан анча кейин пайдо бўлган бўлса-да, ўтган қисқа давр мобайнида оламшумул ютуқларга эришди.

Кино – қоришма санъат. Бугунги кунда кино санъати – режиссёр, оператор, драматург каби ижодкорларнинг меҳнати маҳсули экани ҳар биримизга яхши маълум. Яна бир соҳа вакиллари борки, улар бутун ижодий жараёни умумлаштириб, натижасини томошабинга етказишга хизмат қилади. Бу актёрлар ансамблидир. Жаҳон кино тарихида кўпгина юлдузлар бўлганидек, ўзбек киноси ҳам Шукур Бурхонов, Асад Исматов, Соиб Хўжаев, Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров, Марям Ёқубова, Зайнаб Садриева, Лутфихоним Саримсоқова каби кўплаб истеъдодларга эга. Улар иштирок этган фильмлар ўз бадиий-ғоявий савияси, ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, қолаверса, юксак профессионализм асосига қурилганлиги билан ҳалигача ўз қимматини йўқотгани йўқ. Бу актёрлар ўз маҳоратлари билан халқнинг орасидан чиқиб келдилар ва муносиб равишда экран орқали яна халқнинг ичига сингиб кетдилар. Бу актёрларнинг ҳар бири ўз маҳорат мактабини ярата олди.

Кейинчалик кинога кириб келган ўрта авлод вакиллари: Ҳожиакбар Нурматов, Клара Жалилова, Ражаб Адашев каби кўплаб актёрлар айна шу мактаб таъсирида шаклландилар, десак янглишмаймиз. Минг афсуски, кейинги пайтларда миллий кино санъати соҳасида бир талай муаммолар кўзга ташланиб қолди. Улардан энг муҳими актёрлик маҳорати муаммоларидир. Театрда актёр икки соат давомида образи ҳаёти билан яшайди. Ўз қаҳрамони қиёфасида паст-баланд сўқмоқлардан ўтади ва бир вақтнинг ўзида бир неча ҳолатга тушади. Шу сабабдан театрда ўйнаётган актёр мактаб кўрган, малакали бўлиши шарт.

Кинонинг эса ўз қонун-қоидалари мавжуд. Режиссёр олдида турган энг муҳим вазифалардан

бири фильмнинг актёрлар ансамблида тўғри номзодларни топа билишдир. Рол учун муносиб одам малакали актёр бўлмаслиги ҳам мумкин. Мисол учун бугунги кунгача ўз мухлисларини ҳайратга солиб келаётган “Маҳаллада дув-дув гап” фильмида режиссёр Шуҳрат Аббосов Азиза ролига муносиб кўрган Раъно Маткаримова ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг 3-курс талабаси эди. Бу эса фильм муваффақиятига салбий таъсир кўрсатмаган. Раъно Маткаримова айна пайтда тарих фанлари номзоди... Шу каби мисолларни кино оламида кўп учратиш мумкин.

Театр актёри томошабин олдида рол ўйнаса, кино актёрининг фаолияти тамомила бошқача. У суратга олиш майдонида: томошабиннинг олдида эмас, балки камера объективи қаршисида образ яратади. Экранда унинг ҳар бир ҳаракати, кўз қарашлари, ҳиссиётлари яққол намоён бўлади. Театр актёрининг эса ҳар бир ҳолати ўша вақтнинг ўзида залда ўтирган томошабин томонидан баҳоланиб боради. Кинода томошабин назорат-таассуроти фильм экранларга чиққач рўй беради. Воқеалар ривожини киногуруҳнинг босимида кечади. Актёр камерани партнёр сифатида қабул қила олиши шарт. Шундай ғайритабиий шароитда актёр табиий бўлишга мажбур. Хулоса қилиб айтганда, театр ва кино актёрлари ижодий фаолияти мазмун нуқтаи назаридан бирдек кўринса-да, аслида уларнинг орасида катта фарқ бор.

Ўз касбини биладиган яхши кино актёри операторни, камеранинг эстетик ўрнини чуқур ҳис қила олиши керак. Фильмда актёрнинг ташқи кўриниши жуда муҳим ўрин тутди. Актёрнинг пластикаси, имкониятлари фақатгина ҳаракат ритмининг ташқи характерини белгилайди. Актёрнинг ижодий диапозони образ топилмаларида муҳим ўрин тутди. Шу маънода, фильмнинг муваффақиятида операторнинг ҳам меҳнати алоҳида аҳамиятга эга.

Ижодкорнинг ички ва ташқи имкониятларини баҳолашда унинг яратаётган образига ҳамоҳанглигини режиссёр таъминлаши шарт.

Режиссёрнинг кинодаги вазифаларидан бири – актёрлар ансамблини тўғри шакллантириш ва тасвирга олиш жараёнини ташкил этиш.

Актёр ижодининг шаклланиб равнақ топишида режиссёр маҳоратининг ўрни бекиёс. Мисол учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти профессор Шухрат Аббосов ижодига назар ташласак, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Сен етим эмассан”, “Тошкент – нон шаҳри” каби бир қатор фильмларида ажойиб актёрлар саралаб олинган. Улар бир-биридан илҳомланиб юксак актёрлик маҳоратини намойиш эта олишганки, бу фильмлар ҳамон халқ назаридан тушмайди. Шухрат Аббосов ранг-баранг иқтидорга эга бўлган қатор актёрларнинг драматик ролларнинг моҳир ижрочиси, ҳажвий ва салбий роллар устаси сифатида шаклланишига ёрдам берган.

Биз бугун “оғриқ нуқта” деб жар солаётганимиз – актёрлик маҳорати муаммоларининг келиб чиқишида фильмнинг кассабоплигини таъминлаш учун “оммалашган” актёрларни жалб қилиш, маиший муаммоларни кино санъатининг

кун тартибидаги асосий масала даражасига олиб чиқиш сабаб бўлмоқда. Агар замонавий имкониятлардан фойдаланиб, мавжуд аънаналар ўрнида ишлатилмаса, аксарият хусусий кинолар бир-бирини такрорлашдан нарига ўтмайди.

Шунга қарамай, бугунги миллий киномизда ҳам истеъдодли актёрлар талайгина. Жумладан, Ражаб Адашев, Лола Элтоева, Муҳаммадисо Абдулхайиров, Раъно Шодиева, Бобур Йўлдошев, Дилноза Кўбаева каби кўплаб санъаткорлар кинодаги ажойиб ижрочилик аънаналарини муносиб тарзда давом эттиряптилар дейиш мумкин.

Назаримда, аввал кинони санъат даражасига олиб чиқиб, кейин унинг саноат жиҳатига эътибор қаратилиб, кино санъатидаги яхши аънаналар ўзлаштирилса, ўзбек киноларининг дунё афишаларидан тушмай юришига эришилади.

*Анвар ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон давлат Санъат ва
маданият институти ўқитувчиси*

Бойжонов Оллоберган Қодирович

1962 йил 12 сентябрда Урганч шаҳрида туғилган.

1985 йилда Самарқанд давлат Тиббиёт институтининг Даволаш факультетини аъло баҳолар билан тамомлаган. 1997 йилгача айни ўқув юрти тизимида турли лавозимларда меҳнат қилган.

1993 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институтига сирдан аспирантурага кириб, 1995 йилда “Тамаки етиштирувчи туманларда “В” вирусли гепатитнинг клиник-патогенетик хусусиятлари ва даволаш” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган. Шундан сўнг педагогик фаолият билан шуғулланган.


2006-2012 йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вирусология илмий текшириш институтида катта илмий ходим ва ташкилий-услубий бўлим бошлиғи вазифаларида ишлади. Шундан сўнг меҳнат фаолиятини Республика ОИТСга қарши кураш Марказининг Даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида давом эттирди. 2013 йилдан яна Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вирусология илмий текшириш институтида ишлаб келмоқда.


Оллоберган Бойжоновнинг 90 дан ортиқ илмий мақолалари юртимиз ва хориж матбуотида чоп этилган. Профессор Мусабоев Э. билан ҳаммуаллифликда тиббиёт коллежлари талабалари учун “Юқумли касалликлар, эпидемиология ва паразитология асослари” дарслигини ёзган. Тиббиёт ходимларини ўқитиш учун О. Бойжонов томонидан яратилган бир неча ўқув модуллари ва дарсликлари амалда қўлланилмоқда.

Олий тоифали шифокор О. Бойжоновнинг уч нафар фарзанди ҳам ота изидан бормоқда.



ZAMONDOSHIMIZ





Адабиётшунослигимизда Европа ва Америка қитъаси, шу жумладан, Латин Америкаси мамлакатлари адабиётидаги шаклий ўзгаришлар босқичма-босқич, изчил, қиёсий равишда ўрганилган эмас. Бу юртлар бадиий тафаккури маҳсуллари шартли равишда Ғарб адабиётига дахлдор дейилади ва шунинг баробарида менталитет, дунёқараш, ҳаёт тарзи сингари белгилар рўқач қилиниб, Шарқдан узоқлаштирилади. Бизда Ғарб фалсафасини тадқиқ этаётган олимлар кам эмас. Қозоқбой Йўлдошевнинг Кафкага бағишланган тадқиқоти, Акмал Саидовнинг Ғарб файласуфлари ҳаёти ва ижодига аталган рисоалари, Т. Жўраев, Ж. Эшонқулларнинг бу йўлдаги тадқиқотлари дарёдан томчилар, холос.

Shuurostiga

Бадиий тафаккур бобидаги масофаларнинг узайиб бораётгани асл воқелик мантиғига зид ҳисобланади. Бунинг сабаби шуки, бир замонларда маданиятларимиз тутшиб кетган. Тилларимиздаги сўзлар кўчиб юрган, фалсафамиз яқин бўлган. Фридрих Ницшенинг донишманд Зардушт таълимотига қизиқиши ҳам тасодиф эмас.

Ўтган аср охири – йигирма биринчи аср бошларида адабий доирамизда модернизм йўналиши мавзусида қизгин мунозаралар бўлиб ўтганини кўпчилик эслайди. Баҳс чоғида постмодернизм истилоҳи ҳам гоҳ қаламга олинар, модернистлар постмодернистларга қарши қўйилар, маълум бир асар постмодерн асар деб уқтирилар ва бу янглиф саъй-ҳаракатлар кулгили туюлар эди. Бир ўйлов олимларимиз, шоиру ёзувчиларимизни чалғитган эди. Яъни улар модернизмни ҳам, постмодернизмни ҳам қатъий равишда Ғарбга тақашган эдиларки, бунда жўнгина ҳақиқатлар пинҳон қоларди. Дейлик, ҳазрат Навоий қадимги юнон фалсафасини чуқур ўрганган. Албер Камю қалами эски юноний фалсафадан сув ичган. Астойдил ўқисангиз, икки буюк адиб битикларида муштаракликни илғайсиз. Бири назмда, иккинчиси насрда сўз айтишига қарамасдан дунёқарашдаги яқинлик бўртибгина туради. Аммо ҳазрат Навоий билган фалсафа миқёси кенг ва бир қадар инсонийроқ. Камю эса чекланган, ундаги тажанглик ғарбона тез хулоса чиқариш алфози маҳсулидир. Ғарбда модернизм, постмодернизм дея номланган оқимлар шунчаки эмаслиги, инсон қонига муҳрланган хотирот боис олис мозийдаги шаклга доир тушунчалар қайта мавжланаркан, Шарқу Ғарб шаклларини туташтириб, пўртана

бўлиб оқаётганини, алалоқибат, минтақалараро силжиётганини тушунамиз. Бинобарин, модерн ҳам, постмодерн ҳам илдизсиз ўсимлик эмас. Қадимги тошбитиклардаги шеърлар, бундан минг йил аввалги Турон заминдаги араб лисонидаги шеърият тилнинг ўзгача мўъжизаси, яъники, тил орқали онгга эмас, шуурости қаватларига таъсир ўтказиш амаллари бўлганини тасдиқлайди. Ана ўша бизда унутилган усуллар янада бошқа рангларга кириб, Ғарбда бутунлай бошқача назм бўлиб кўринди ва уммонлар оша бизга қайтиб кела бошлади. Усуллар унутилгани боис модернизм, постмодернизм Ғарб ҳодисаси сифатида таърифланмоқда. Воқеан, бир жиҳатдан қўшиламыз. Иккинчи жиҳатдан эса фольклор: “Бунга қўшилма!” деяётган каби бўлади. Хулоса шуки, Европада расмийлашган оқимлар жаҳон бўйича ҳаракатга тушди. Биз бунинг таъсирини турк ва рус шеърияти орқали илғаган, билган эдик.

Шоир Шермурод Субҳон “Шеърият иқлими” рисоласига кирган мақоласида шу сатрларни ёзади: “Бундай шеъриятнинг постмодерн деб номланишининг ўзи ҳам моҳият эътибори билан маълум бир давр ёки мафкурага боғланиб қолмай, замонлар оша ўз жозибасини ва аҳамиятини йўқотмайдиган, шу билан бирга ўзи дахлдор маконнинг шонли тарихий-маданий ва мумтоз адабий аънаналарига янгича шакл ва мазмун олиб киришни кўзловчи шеърият эканлигини ойдинлаштиради”. Унинг фикрича постмодерн шеърият вакиллари “ўтмиш мерос ва қадриятларига нисбатан ҳам меҳр-муҳаббат, ҳам ҳазин кайфият” уйғотишга ҳаракат қилишган. Постмодернчи шоирлар реал воқелиқдан таъсирланибгина қолмасдан ўзлари хаёлларида

яратган воқелик таъсирига тушадиларки, бу худди тушда галлюцинация ҳолатида шуурни кўзғатишга ўхшайди. Шуурости қаватларида недир уйғонади: “Эҳтимол, бу тур шеърлар кишида алаҳсираётган, туш кўраётган кимсанинг узук-юлуқ, мантиқий боғлиқ бўлмаган сўзларидек таассурот қолдирар. Чунончи, бундай шеърлар бизнинг тасаввуримиздаги ва тушунчамиздаги ижод намуналари бўлмаслиги, уларни қабул қилишга қийналишимиз мумкин. Бироқ инкор этишга ҳаққимиз йўқ. Зеро, улар инсон деб аталмиш хилқатнинг туйғу-ю тушунчаларини қай бир жиҳатдан таҳлилу тадқиқ этиш йўлидаги кашфиётлардир” қабилдаги тўхтамга келади Шермурод Субҳон. Қизиғи шундаки, алаҳсирашга ўхшайдиган битиклар сизни сеҳрлаб кўяётганини пайқайсиз. Постмодерн шеърятга дахлдор матн тузиш, ғалати образларни матн ичида ҳаракатга

имо-ишора тизими мукамаллиги сингари жиҳатлар аслида Шарқ мумтоз шеърятига ҳам дахлдор дахлдор. Тошкентда чоп этилган “Илонбалиқ”, “Қуш тили” халқаро антологияларининг ҳаммуаллифи – шоир Жене Доти қаламига мансуб хайкулар сўзимизга далил бўла олади:

Изғирин –

Зоғ каркас дарахтида

Қанотларин букади зичроқ

Бир қарашда оддийгина шеър. Аммо қиш тасвири бетакрор, тиниқ чизилган ва энг қизиғи бу хайкуни япон шоири эмас, инглиз шоири ёзгани шундоққина сезилиб турибди.

Швейцариялик шоир Маркус Хедигер шеърятга ҳам бизга таниш. У француз тилида шеърлар битади. Шунингдек, француз тилидан немис тилига шеърый таржималар қилади. Мана, унинг тасвирга

yo‘naltirilgan ta’sir

тушириш санъати сизни маҳлиё айлайди ва шу баробарида реалликка асосланган назмдан кўра ғаройиброқ нарсалар борлигига ишонасиз. Буниси қизиқарлироқ, Чўлпон таъбири билан айтганда, тотлироқ кўринади. Қай бири ширинроқ эканлигини ажрата билмай қийналасиз. Чўлпон кўнгилдаги янгиликка нисбатан иштиёқни холисона тан олади, кўнгилни ҳаракатда кўради, кўнгил янгилик қидиради.

Ҳар қандай турдаги шеърнинг “хамиртуриши” эҳтирос сезими ҳисобланади. Бинобарин шеърят интимлик доирасидан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Ҳазрати Навоий мисолида кўрганимиз, аёл аъзоларига эҳтиросга тўлиб таъриф бериш санъати билан фикримизни далилласак:

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрғали топтим сабаб,

Кўп чучукликтин ёпишмишлар магар ул икки лаб.

Шоир талқинида бепарволикда ҳам мазмун бор: икки бол лаб бир-бирига ёпишган, оғиз очилмаяпти. Лекин соҳибжамол гапиришни истайди. Ширинликнинг ўзи эҳтиросга ишора. Биз бу ерда маъно товланишларини, имо-ишораларни тушунаёلمиз. Бироқ тиғиз ҳаракатлар рақсига эътиборимиз кам. Аслида бу хусусият жуда муҳим. Сабаби, Ғарб шеърятда ўша тиғиз ҳаракатлар рақсига гувоҳ бўламиз. Ҳаракат пайдо бўлади, кўздан йтади, туш орасига киради, тушларни ҳам тарк этади. Шермурод Субҳон таъкидлаганидай, булар Инсон дейилмиш хилқат туйғу, тушунчаларини, хаёллараро, тушлараро ўзини билишга интилаётган Инсон тугёнларини баҳам кўриш йўлидаги интилишлардирки, бунинг нимаси ёмон?

Жаҳон халқлари шеърятда кўринаётган образлар миқёси яқинлиги, сирлилики, ранг куюқлиги,

бой шеъри:

Ярим кеча. Бўм-бўш бир кеча

қил-яланғоч қишқи оғочда

эшитилар кузгун ялласи.

Тушдами? Ишқ оғушидами?

Деворлар қайтарар унинг кўшигин.

Бошқаларнинг хаёлига келмайдиган чизгилар, шеърятимизда учрамайдиган ранглар қўлланилиши Ғарб назмига қизиқишимизни оширади.

Америкалик олима Рейчел Харрел бу турдаги шеърятга шундай изоҳ беради: “Аслида модерн шеърят янги мазмун-моҳият орқали “кўзимизни очадиган” кутилмаган жозибадорлик, сўзлардаги образлилик, олдин биз ҳеч қачон эшитмаган ритмик шакллар каби хусусиятларни ўзида акс эттира олиш имкониятига эга... Тўғри, баъзан у ёқимсиз, баъзан кўпол, ҳатто тасаввурларимизни остин-устун қилгувчи бўлиши ҳам мумкин, аммо биз ҳеч қачон эътибор қилмаган, хаёлимизга келмаган ўринларда гўзалликни ошкор қилади”.

Шермурод Субҳоннинг ҳам, Рейчел хонимнинг ҳам мулоҳазалари ботиний гўзалликни ҳис этиш масаласига қаратилган. Постмодерн танлаган объект: онг ҳамда шуурости қаватлари. Тил бу босқичга кўтарилаётиб, тушунтириш қувватини йўл-йўлакай тарк этади. Тил шуурости қаватларига “зарб” йўллайди. У ердаги нуқталарни уйғотади, чайқатади, жимирлатади, силайди, сийпалайди... Буларнинг барчаси Тилдаги пинҳоний хусусиятларнинг ишга тушиши эвазига рўй беради.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

Уйинчоқ – болалар учун яратилган махсус яратик. Бироқ бу аниқ бир буюм ёки жониворнинг кичрайтирилган нусхаси эмас, балки унинг шартли тасвири, ўта умумлаштирилган бадиий образидир. Ифодали шакл, ҳаракат, равшанлик ва рангнинг ихтиёрийлиги болани ўйинчоққа жалб қилади. Бола ўйинчоқ билан ўз тилида суҳбат қуради, уни ҳаракатлантириб, завқ олади.

Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш билан турли ёшдаги болалар шуғулланиши кузатиладиган. Бу сингари ўйинчоқ турларини ясаш болалар учун қизиқарли машғулотлардан биридир. Ўйинчоқ ясаш мактабгача ёшдаги болалар ўйинларининг қизиқарли ўтишига восита бўлса, катта ёшдаги болаларнинг ясаганлари эса уйни безатишга, туғилган кунларда, байрамларда тенгқур ва яқинларга совға ўрнида беришда қўл келади.

Юмшоқ ўйинчоқ андоза асосида тайёрланишига таянилади, ўқувчиларнинг интилишлари, янги ғояларини рағбатлантириш керак. Ўйинчоқ тайёрлашнинг бошланғич поғонасидаёқ ўқитувчи ўқувчиларга маълум бир ғояларни амалга оширишни ўргатиши керак. Шундагина болаларнинг ўзлари қизиқарли ўйинчоқ тайёрлай оладилар. Ўқувчилар тайёр андозалардан ҳам ўзлари янги ўйинчоқ моделини яратишлари мумкин.

Ҳар бир ўйинчоқнинг қисмларини бир-бирига тикиб, ичини сиртига ағдариш лозим. Унинг ичига ватин, газлама бўлақлари, қийқимлар, пахта, синтифон жойланади. Айрим ўйинчоқларнинг олд ва орқа оёқлари маҳкам туриши учун симдан тутқич сифатида фойдаланилади. Кўз, шохчаларни ёғочдан ҳам тайёрлаш мумкин. Баъзан кўз сифатида чиройли тугмачалар, пистон ва мунчоқлардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади. Ёрдамчи деталлар картондан ясаладиган бўлса, гуаш, акварелда бўялиб, устидан лак сурилади.

Мисол тариқасида, мушукча ўйинчоғини тикишни кўриб чиқамиз. Уни тайёрлаш учун қуйидаги асбоб ва анжомлар керак бўлади:

1. Турли катталиқдаги игналар.
2. Турли рангдаги ғалтак иплар.
3. Ёғоч таёқча (пахта тўлдириш учун).
4. Оддий қаламлар.
5. Дағал иплар.
6. Ангишвона.

Мушук ясаш учун андоза тайёрланиб, танланган газламадан қуйидаги деталлар қирқиб олинади:


- тана – 2 дона
- тана таги – 2 дона (биттаси картондан, биттаси матодан)
- дум – 1 дона
- бош – 2 дона
- тумшук учун ёпқи – 1 дона
- қулоқ – 4 дона
- кўз – 2 дона

Қирқилган деталлар жуфти билан бирга тикишга тайёрланади.

Ўйинчоқлар ясаш ҳам – санъат. У ўқувчидан ўткир зеҳн, синчковлик ҳамда билим талаб қилади. Бу санъат ўқувчининг янги истеъдод қирраларини очиб беради, у ўйинчоқларда борлиқ тимсолини кўради, танишади ва улар орқали ҳаётини билим ҳамда кўникмаларини шакллантира боради. Қолаверса, ўйинчоқлар ясаш ажойиб ҳунар ҳамдир. Эҳтимол, бу ҳунар ўқувчиларнинг келгуси ҳаётларида асқотар.


Шуни ҳам унутмаслик лозимки, қўл меҳнати дарсларида турли асбобдан фойдаланилади. Иш столининг устида диққатни чалғитадиган нарсалар бўлмаслиги керак. Айниқса, ўқувчиларга техник хавфсизлик ўргатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

*Нигора ҲАСАНОВА,
Навоий педагогика ва хизмат кўрсатиш
касб-ҳунар коллежи махсус фан ўқитувчиси*



Bolajonlarning sevimli ovunchog'i

ONA ALLASI



Bir bor ekan, bir yo'q ekan, qadim o'tgan zamonda Gulqishloq degan joy bor ekan. Bir kuni shu qishloqni qaroqchilar qo'lga olibdi. Agar ularga kim qarshilik qilib so'ragan qimmatbaho narsalarini, pullarini bermasa, o'ldirib, talon-taroj qilib, o'zlarini tortib olishini aytib, qishloq ahliga bir kecha muhlat beribdi. Ko'pchilik kishilar ularga qarshilik ko'rsatib bo'lsa-da, peshona teri to'kib topgan bisotimizni bermaymiz degan qarorga kelishibdi. Qolganlari esa topganlarini yig'ib, olib ketishlariga tayyor qilib qo'yishibdi. Tong ham yorishibdi. Qaroqchilar boshlig'i kelayotib, qishloq tomondan taralayotgan yoqimli ovozni eshitibdi. Bu kuydan uning butun vujudini titrab, tosh yuragi erib ketibdi. Bir onaxon:

Alla aytay, jon bolam,
Bo'l botir o'g'lon, bolam,
El boshiga ish tushsa,
Uxlama, uyg'on, bolam.

deya mayin ovozda kuylardi. To'daboshi sheriklari bilan kuylayotgan onaning uyiga bostirib kirib boribdi. Qarasa, keksa onaxon beshik tebratib, yig'lab o'tirgan ekan. Qaroqchilarni ko'rib, qo'lga hassasini olib, menda hech narsa yo'q, boriniyam sheriklaring olib ketdi. O'g'limdan omonat yodgor nevaralarimga tegmanglar, deb yalinibdi. Shunda qaroqchilar boshlig'i: "Yo'q, onajon, biz sizga ozor bermaymiz, sizning sehrli allangizdan onam yodimga tushdi. Onajonim ham ana shunday alla aytib, boshimni silab, uxlatardi. Men erka bo'lib, nasihatlariga quloq solmadim, turli noma'qul ishlarni qilib, validamni ranjitdim, onam dog'imda olamdan o'tib ketdi. Iltimos, bizlarni ham qishloqlaringizda olib qolingizlar. Shu yerda halol mehnat qilib kun kechiraylik" - , deb ko'ziga yosh olibdi. Ular talagan hamma narsalarni ega-egalariga tarqatib beribdi. Qishloq ahli ularning xatosini kechiribdi.

*Fariza O'LMASOVA,
Jomboy tumanidagi 3-umumta'lim
maktabining 8-sinf o'quvchisi*

“Shalola”dan boshlangan iqbol

Ўзбек тўйсевар, байрамсевар халқ. Тантаналар борки, куй-қўшиқсиз, мусиқасиз ўтмайди. Шу туфайли ҳар бир жойнинг ўз қўшиқ йўналиши, ўз фольклори шаклланган. Улар бирлашиб, серқирра ўзбек мусиқа санъатини ташкил қилади. Ҳар воҳанинг фольклорига доир ўз мактаби, устоз-шоғирдлик анъаналари шаклланган. Балки шунинг учун мусиқий меросимиз ўлмас ва бардавомдир.

Бойсун ўзининг гўзал табиати билан бирга халқимизга кўплаб истеъдодлар бергани билан ҳам қадрли макон. Халқ оғзаки ижоди билан шуғулланиб, ўз ўрни ва йўналишига эга бўлган тажрибали устоз, бойсунлик Саттор Қурбонов ҳам ўзбек мусиқа санъатига ўз ҳиссасини қўшган санъаткорлардандир. У ўзининг сермазмун ижодий фаолияти, касбига сидқидилдан ёндашиши, ҳар бир ишда пухталиги билан ёшларга намуна. С.Қурбонов болалардаги иқтидор ва қобилиятни англаб, уни ривожлантириб, санъатга ошноликни ўргата биладиган фидойи устозлардан.

Саттор Қурбонов Бойсундаги Навоий номидаги 2-ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари ўз иқтидори билан мактабдошлари, устозларининг эътиборига тушган эди. Шу туфайли ўқувчилигидаёқ Бойсун маданият уйида мусиқа раҳбари вазифасида ишлаган. Тошкентда хор дирижёрлиги йўналишида ўқиб қайтгач, халқ ансамбли ва болалар фольклор ансамбли мутахассиси сифатида фаолият юритди. Бадий раҳбарлик, директорлик ва Термиз давлат университетидаги катта ўқитувчилик С.Қурбоновга янги истеъдодларни кашф этишга, ўз устида тинимсиз ишлашга замин яратди.

Устознинг мусиқий истеъдоди ҳам унинг муваффақиятларига пойдевор бўлди. Чунки у болалиқдан санъатга меҳр қўйиб, доира, рубоб, най сингари мусиқий асбобларни чалишни ўрганиш баробарида қўшиқ куйлаш қобилияти билан ҳам ажралиб турган. Машҳур “Шалола” ансамбли аъзолари билан турли хорижий давлатларда концертлар берган. Бу дамлар Саттор аканинг илк муваффақиятли кунлари эди. Кейинчалик, “Бойсун” фольклор этнографик ансамблини ташкил этиб, халқ оғзаки ижоди намуналарини кексалардан, бахшилардан ёзиб олди. “Бойсун” аъзолари билан уларга сайқал бериб ижро этди.

Саттор Қурбоновни кўпчилик хонанда сифатида яхши таниса, ундан сабоқ олганлар устоз сифатида эъзозлашади. Унинг ташаббуси билан “Қуралай”, “Жайхун”, “Ойтумор” каби бадий жамоалар ташкил этилди ва элнинг назарига тушди.

Саттор Қурбонов айна пайтда Термиз Санъат коллежида “Анъанавий ижрочилик” кафедраси мудири вазифасида ишлаб, ёшларга тарбия, санъат ва мусиқадан таълим бериш билан бирга, ватанпарварлиги, дўстларига, касбига садоқати билан ўрнатилган ҳам бўлмоқда. Ёшлар ҳамиша сўзи ва амали бир бўлган устозларига эргашадилар. Саттор акани ҳам ўқувчилари, шоғирдлари шу фазилатлари учун қадрлайдилар.

Шоира ҚУРБОНОВА

KO'HNNA VA QADRLI SOZ

Юракнинг бир маромда уриб туриши инсон ҳаёти учун нечоғли аҳамиятли бўлса, мусиқа санъатида доиранинг аҳамияти шу қадардир. Инсон юраги “гуп-гуп”, “гуп-гуп” қилиб уради, доиранинг “бум-бак”, “бум-бак” қилиши ҳам шу ритм асосида шаклланган. Шунинг учун доира чалинганида, садоси тўғри юракка муҳрланади. Доира, усул мусиқанинг бус-бутунлигини сақлаб, ушлаб турган томири, ўзагидир.

Аксарият мунаққидлар, созанда, хонанда мутахассислар мусиқани усулсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини, доиранинг эса ўзбек мусиқа санъатида етакчи созэканлигини таъкидлайдилар. Ўзбекистон халқ артисти Раҳим Исахўжаев “Доира – миллий созларимиз орасида аҳамият жиҳатидан биринчи ўринда туради. У давранинг бошловчиси, созандалар дастасининг дирижёридир. Унинг дастлабки усуллариданоқ бўлғуси куй, қўшиқнинг табиати, кайфияти, мавзуси, салмоғи маълум бўлади”, деб ёзади. Мусиқашунос Отаназар Матёқубовнинг “Мусиқада куй, парда – она, усул ва вазн – ота тимсоли ҳисобланади”, деган фикрлари юқоридаги қарашларни тўлдирди.

Дунё бўйича зарбли чолғулар аҳамият жиҳатидан биринчи ўринда туради. Аввал усул, вазн топилади, кейин куй яратилади.

“Шашмақом” усталари доира билан танбурни аҳамият жиҳатидан бошқа созлардан устун қўйишган, мақомда танбур пардани, доира усулни белгилаган. Шу боис ҳам, мақомларни ўргатишга киришган устозлар, ўз шогирдлари қўлига айнан доира чолғусини берганлар, шогирд биринчи навбатда мақомларнинг меъморий обидаларимиз бағридаги нақшу нигорлар сингари бағоят мураккаб ва нафис усулларини ўзлаштириши шарт бўлган.

“Доира, усул ўзбек миллий мусиқасининг пойдеворидир. Бизнинг мусиқамиз бошқа бирор миллатнинг мусиқасида мавжуд бўлмаган бой, гўзал, ранг-баранг, сержило усуллар пойдеворига қурилган”, деб таъриф берадилар профессор Раҳматжон Турсунов.

Рақс санъатини, жумладан, ўзбек рақсларини ҳам урма-зарбли созларнинг, доиранинг баъзан жўшқин, шиддатли, баъзан майин ва нафис, гоҳида эса вазмин ва маҳзун тараладиган усулларисиз тасаввур этмоқ мумкин

эмас. Ўзбекистоннинг машҳур раққосалари Мукарама Турғунбоева, Роза Каримова, Тамарахоним, Ҳалима Комилова, Дилафрўз Жабборова, Маъмура Эргашева ва бошқалар ёлғиз доира жўрлигида бетакрор рақслар ижро этиб, қурраи заминнинг озулаб мамлакатларидаги мухлисларнинг кўнглини ром қилганлар, халқаро миқёсдаги фестивалларнинг ғолиби бўлганлар.

Урма чолғуларнинг келиб чиқишини мунаққидлар, санъатшунослар энг қадим замонларга боғлайдилар. Бу фикрнинг юзага келишига мураккаб тузилишга эга бўлган, хилма-хил оҳанглар таратишга қодир созларни ясашдан кўра муайян бир ишни, расм-русумни амалга ошириш, масалан, овга жўнашдан олдинги тайёргарлик маросими ёки ов таассуротларини намойиш этувчи рақслар ижроси пайтида муайян ритм, сурат бериб турадиган урма асбобларни ясаш энгилроқ кечган, деган мулоҳаза асос бўлгани, шубҳасиз.

Абу Али ибн Сино товушларнинг пайдо бўлишини одамларнинг ўзаро бирлашиш эҳтиёжи, зарурати билан боғлайди. Одамлар табиатда учрайдиган турли хавф-хатарларга қарши курашда озчилик ёки ёлғиз бўлиб қолганларида ўша хатарни бирга даф этиш эҳтиёжи туғилган. Бу эҳтиёжни таъмин этувчи восита эса товушдир. Йиллар, замонлар ўтиши билан товушнинг турли хиллари пайдо бўлди. У хатардан бошқа мазмун, маънони ифода эта оладиган ҳолатга келиб, маълум маънони муайян оҳанг билан изҳор қиладиган бўлади.

Урма созларнинг қадим турларини ҳам мана шу зарурат, эҳтиёж майдонга келтирган деб фараз қилиш мумкин. Одамлар ўзларига дахл этган хавф-хатар ёки



бошқа бир ҳодиса, воқеа ҳақида тошлар, ёғочларни бир-бирига уриш орқали шерикларини хабардор этган бўлсалар, ажаб эмас. Бунда хатарни ифода этувчи дастлабки усул пайдо бўлади. Вақтлар ўтиши билан бунинг ёнига “Хатар чекинади”, “Биз енгдик” ёки “Овга жўнаш” каби ҳолатларни акс эттирувчи бошқа усуллар қўшилади.

Кейинчалик, мамнуният изҳори тарзида, овга тайёргарлик ёки овнинг қандай ўтганини тасвирлаш мақсадида рақсга тушар эканлар, икки тошни, ёғочни бир-бирига уриб жўр бўла бошлаганлар. Бунда ҳам усулнинг роли катта бўлган.

“Эҳтиёж онгни чархлайди, – дейди профессор Ҳожиакбар Ҳамидов, – аста-секин совуқдан сақланиш учун ҳайвонлар терисини ёпиниш одатга кирган. Мана шу аснода, териға урилса, товуш жарангдор чиқиши тушуниб етилади ва ногораға ўхшаган созлар пайдо бўлади”.

Усулнинг, ритмнинг ва усул берувчи созларнинг келиб чиқиши ҳақидаги учинчи фараз дунёдаги ҳар бир хилқатнинг ҳамда хатти-ҳаракат, катта-кичик воқеа ва ҳодисанинг ўз мароми, сурати, ритми борлиги билан боғлиқдир.

Адабиётшунос Эркин Худойберганов “Йил фасллари алмашилиши, қуёш чиқиши ва ботиши, дарё тўлқинларининг қирғоққа урилиши ва қайтиши ритмик равишда содир бўлади... Мазкур табиий жараёнларни кузатиш натижасида қадим олам кишилари ўз ишларида, фаолиятнинг турли соҳаларида ритмни қўллаш фойдали бўлиши ҳақида хулоса чиқарганлар”, деб ёзади.

Яъни аждодларимиз бирорта каттароқ иш қилаётганда маълум ритмни топиб олиш жуда муҳимлигини кашф этишган. Ритм, шунингдек, одамларни бирлаштириш, уларнинг кучи, ғайрати, интилишини ягона мақсад сари йўналтириш вазифасини ўтаган. Шунинг учун ҳам бора-бора меҳнат, ов, жанг ёки дам олиш жараёнида кўпчиликни умумҳаракатга чорловчи ритмик ундовлар, хитоблар пайдо бўла бошлаган ва булар дастлабки оддий созлар воситасида ҳосил қилинган.


Фарғона водийсининг Соймалитош ғорларидан топилган деворий суратларда доира ёки дўл ногораға ўхшаган чолғуни кўтариб турган одамлар ҳам тасвирланган. 1932 йили Ҳайратондан топилган ёдгорлик (фриз) милоднинг 1-2 асрларига тааллуқли. Мазкур фризда ёнма-ён ўтирган учта созанда аёл тасвирланган. Улардан бирининг қўлида уд, иккинчисининг қўлида арфа, учинчисида эса икки тарафига уриб чалинадиган мўъжаз ногорани кўрамыз.

Доирани қуёшга, ундан тараладиган садоларни нурга ўхшатадилар ва бу бежиз эмас. Зардуштийлик дини билан боғлиқ маросимларда аёллар ёруғлик, эзгуликнинг устунлиги, музаффарлиги рамзи бўлган, қуёшнинг кичик нусхаси бўлган соз – доира чалганлар. Тадқиқотчи Ирода Ғаниева бу ҳақда шундай деб ёзади: “Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида, Афғонистоннинг шимолида ёйилган Дучова – икки таёқча рақс усули тезкор, жўшқинлиги билан ажралиб туради. Рақоснинг икки қўлида иккитадан тўртта таёқча бўлиб, улар воситасида рақос гоҳ жарангдор, гоҳ


бўғиқ товуш чиқариб, усул бериб рақсга тушади. Бу ва яна уйғурларнинг “сапоя” ёки “сафойил” усул берувчи шиқилдокли, урма мусиқа асбоби билан тушиладиган рақси “Авесто”да таърифланган, Форобий, ибн Сино ва Хоразмийнинг мусиқа илмига оид асарларида эсланган “ал-ийқо бил-қадиб” рақсининг ҳозирги кўринишидир”.

Бугун мустақил юрт байрамларини, тўйларини обод қилаётган, жаҳон давраларида ўзбек санъати эришган юксак мақомларни намойиш этиб, эшитганнинг кўнглига завқ, ғайрат, шижоат ва меҳр-муҳаббат бахш этаётган мўъжаз доира ана шундай қадри баланд ва тарихи кўҳна чолғудир.

Дилмурод ИСЛОМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист



Жоаккино Россини 1792 йил 29 февралда Италиянинг Пап вилоятига қарашли Пезаро шаҳарчасида дунёга келди. Отаси Жузеппе труба чалувчи бўлиб ишлаган шаҳар оркестри ёпилгач, у дайди операчилар труппасига қўшилди. Жоаккинонинг онаси Анна ҳам ўша труппада ашула айтарди. Россини ўз хотираларида шундай дейди: “Менинг онам чиройли овоз эгаси эди. У биз қийналганимиз ва Пезарони тарк этганимиз учун овозидан фойдаланиб, пул топишга ҳаракат қилди. Бечора онам! Гарчи бирорта нотани билмаса ҳам иқтидорли эди”.



Eng “so‘nggi” klassik

1802 йилда Россинилар оиласи Луго шаҳарчасига кўчиб ўтишди. У ерда маҳаллий руҳоний Малерби Россинига мусиқадан дарс бера бошлади. Малерби моҳир мусиқачи бўлиб, унинг уйида мусиқачилар тўпланиб туришарди. Малерби Жоаккинонинг нодир овозига эътибор қаратди ва ўзи бошқараётган ашулчилар мактабига қабул қилди.

1804 йилда Россинилар оиласи Болоньяга кўчиб ўтгач, ёш Жоаккино мусиқа билан жиддий шуғуллана бошлади. Қолаверса, Болонья ўша пайтда Италиядаги мусиқа марказларидан бири эди. Шаҳарда учта опера театри, мусиқа лицейи, чолғу капелласи ва мусиқа академияси ишларди. Жоаккино Тезея ва Бабина каби устозлардан дарс олиб, альт, скрипка чалишни пухта ўрганди. Ёш мусиқачининг маҳаллий театр хоридаги ҳамда черковдаги чиқишлари катта олқишларга сабаб бўларди. 1806 йилнинг ёзида Болонья академияси ўн тўрт яшар Россинини ўз сафига қабул қилди. Ёш Россини ўша пайтлар Италияда юксак қадрланган Гайдн ва Моцарт мусиқасини мустақил равишда ўрганишга киришди.

У мусиқадан ташқари адабиётни, хусусан, Данте, Ариосто ва Тассени каби адибларнинг асарларини севиб ўқирди. “Ўз вақтида мен италяна адабиёти билан ҳам кўп шуғулланганман... Дантени ўқиб, мен мусиқада ўрганганларимдан ҳам ортиқроқ нарсаларни ўрганганман, Дантенинг олдида қарздорман...” – деб ёзади кундаликларида.

1810 йилнинг ёзида ўқиши тугайди ва Россини мустақил композиторлик фаолиятини бошлайди. Россинининг дебюти — “Синов тоши” операси

Миландаги “Ла Скала” театрининг буюртмаси асосида 1810 йилнинг кузида бўлиб ўтади. Бу ҳақда матбуотда шундай маълумот берилади: “Ушбу опера “Ла Скала” театрига қувонч ва олқишлар даврини олиб келди. Уни эшитиш учун Миланга Пармадан, Пьяченца, Бергамо ва Брешиядан минглаб одамлар оқиб келмоқда. Россини ўз ўлкасининг биринчи рақамли одамига айланди. Ҳамма бир бор бўлса-да, Россинини кўришни истарди”. “Ла Скала”да эришилган зафар йигирмага ҳам кирмаган Россинини маэстролар қаторига қўшди. Бу пайтда Жоаккино Россини саккизта мусиқий саҳна асари ёзиб, ўз замондошларини мусиқий хаёлоти билан лол қолдирган истеъдодли санъаткор сифатида эътироф этилиб улгурган эди. Кўчиб юриб ишлаш, малакасиз ижрочиларга, сифатсиз оркестрларга мослашиш машаққати туфайли Россинининг дастлабки асарларида шошқалоқлик, номукаммаллик кўзга ташланарди. Устози Падре Маттеи шогирдининг бу чиқишларига танқидий фикр билдирганда, у шундай жавоб беради: “Азиз устозим! Сабрли бўлинг! Мен ҳали моддий қийинчиликлар туфайли бир йилда беш ёки олтита опера ёзиш мажбуриятидан, уларни ҳали сиёҳи қуримасдан, ўқимасдан туриб жўнатиш заруриятидан қутулган пайтимда, хос мусиқа басталайман!”

Жоаккино Италиянинг содиқ фарзанди эди. Ёшлигиданоқ турли шаҳар ва ўлкаларда саёҳатларда бўлган Россини ўз халқини қадрлар эди. Шунга кўра у сюжет жиҳатидан жиддий бўлган “Танкред” либреттосини ёзди, тақдимотини ўтказди. Опера тингловчилари

бу асарни катта ҳаяжон билан кутиб олдилар. Стендаль таъбирича: “Ушбу ажойиб опера тўрт йил ичида бутун Европани кезиб чиқди. Италияда Наполеондан кўра Россини ҳақида кўпроқ баҳслашишади. У эса бор-йўғи йигирма ёшда”.

1815 йил майда Россини Неаполга келди. Кузги театр мавсумининг очилишига мўлжалланган операни ёзишдан олдин у труппанинг таркибини пухта ўрганди. Труппанинг етакчи санъаткорлари орасида Изабелла Кольбран исмли қиз ҳам бор эди. Унга Россини операсидаги бош рол берилган эди. Россини кейинги кўплаб асарларини унинг иқтидорини ҳисобга олган ҳолда яратди. Биргаликдаги иш уларни яна ҳам яқинлаштирди. Бу яқинлик тўй билан мустаҳкамланди.

Россини ижодидаги яна бир муҳим асар сифатида “Севильялик сартарош” операсини санаб ўтиш мумкин. Ушбу асарда Россини буюк опера драматурги Моцарт ва бошқа машҳур санъаткорларнинг издоши сифатида намоён бўлди.

1816 йилдан бошлаб Россини операларининг шуҳрати нафақат Италияда, балки бутун Европада эътироф этила бошлади. 1817 йилда “Севильялик сартарош” асари Барселонада, 1818 йили Лондонда, 1819 йили Парижда юксак олқишларга сазовор бўлди. Шунингдек, ушбу опера 1822 йилда Петербургда, 1826 йили Нью-Йоркда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Ўз вақтида Моцарт Венада мусиқа оламининг янги даврини бошлаб бергани каби Россини Италияда ўттиз йилдан сўнг опера ислоҳотини амалга оширди.

Бу орада Россини Кольбран билан Парижга келишди. Гарчи, Париждаги мусиқа намояндалари Россини тарафдорлари ва унга қарши қутбларга бўлинган бўлса ҳам, барча уни кўришга ошиқар, унинг деразаси тагида серенадалар куйланар, шарафига банкетлар уюштирилар эди. Сўнграқ Россини рафиқаси билан Лондонга келди. Англияда мусиқа нисбатан пастроқ даражада ривожланган бўлса ҳам, халқ беҳад мусиқани севар, опера шинавандаси эди. Россинининг келиши оламшумул воқеага айланди. У “Зельмира”, “Танкреда”, “Отелло”, “Семирамида” каби ўз асарларига дирижёрлик қилди. Ашулани, дирижёр, аккомпаниатор сифатида чиқишлари шуҳрат келтирди. Бундай кечаларда унга яхшигина пул тўлашди.

1824 йил 26 июлда Россини ишлаб топган бир юз етмиш беш минг франк пул билан Британия ороллари тарк этди. Англиядан қайтаётган пайтда у яна Парижга қўниб, кейин Италияга қайтмоқчи эди. Аммо Қироллик саройи унга

катта маош эвазига Париж операсига бошчилик қилишни таклиф қилди. Италияда сиёсий аҳвол яхши эмас, мусиқа орқали эса бундай пул топиш имконсиз эди. Шунинг учун Россини қолишга қарор қилди ва Парижда унинг иш фаолияти жуда ҳам омадли бўлди.

Икки йилдан сўнг у Қирол жаноби олийларининг генерал ашулачиси ва композитори мансабига кўтарилди. Ундан сўнг Қироллик мусиқа мактаблари бошқармасининг аъзоси ва опера театри кўмитаси аъзоси бўлди. Бу даврда ҳам у сермахсул ижод қилди. Бу ерда у “Муҳаммад II”, “Граф Ори” “Вилгельм Телл” каби ўлмас асарларини яратди. Мусиқанинг ҳақиқий шинавандалари “Вилгельм Телл” билан завқланишдан чарчамас эдилар. Шарль Гуно “Вилгельм Телл”ни “драматик шоҳ асарларнинг бири” деб атади.

Россини ўттиз етти ёшида тўсатдан мусиқани тарк этди. Уни неча марталаб мусиқага, опера ёзишга қайтармоқчи бўлишди. Аммо у жим эди. Вагнер Россинига: “Ахир сиз ҳали ёшсиз, кучга тўлгансиз. Шундай иқтидор билан жим туриш жиноят эмасми?” деганида Россини шундай жавоб берди: “Очигини айтсам, ўн беш йиллик тинимсиз меҳнатим давомида қирқта опера ёзгандан сўнг мен дам олишга эҳтиёж сездим ва тинч яшаш учун Болоньяга қайтдим”, – дейди. Қироллик Операсининг хусусий тадбиркорлар қўлига ўтиши, онасининг ўлими, отасининг Парижга кўника олмагани ҳам унинг Италияга қайтишига сабаб бўлди. Аммо энг катта сабаблардан бири романтизм оқимининг мусиқага кириб келиши эди. Бу нарса Россини учун мутлақо бегона бўлиб, у ўзини мумтозларнинг энг сўнггиси деб атарди. Энди у ҳали романтизм кириб келишга улгурмаган соҳа – диний жанрларда ижод қилди. Аммо олдинги шиддат йўқ, ора-орада қўлига қалам олиб қолар, шунда ҳам ажойиб асарлар ёзарди.

1855 йилда Россини яна Парижга қайтди. Унинг шуҳрати ўлмаган, уйда энг бадавлатлар ва машҳурлар меҳмон бўлишар, аммо у камтар, оддий одамга айланганди. Жоаккино Россини 1868 йил 13 ноябрда вафот этди. Унинг дафн маросимида тўрт мингга яқин одам иштирок этди. Олдинда иккита пиёдалар батальони ҳамда Миллий гвардия легионларининг оркестри Россини асарларидан чалиб борардилар. 1887 йилда эса унинг мўмиёланган жасадини тантанали тарзда Италияга кўчиришди ва Галилей ҳамда Микеланжело қабри ёнига дафн этдилар.

Шермурод СУБҲОН тайёрлади



ESKI

Firuz MUSTAFO

hikoya

kitoblar dardi

Улар китоб дўконида учрашиб қолишди. Талабалик чоғларида бир хонадонда ижарада туришганди. Раҳмон ўша даврлардаёқ Нодирнинг китобга ўчлигини яхши биларди. Аввалига бир-бирларининг туриш-турмушлари ҳақида суриштирдилар. Сўнгра суҳбат руҳи жиддий ўзгариб, олис ёшлик йилларидагидек энгил ҳазил-мутуйибага ўтдилар.

Раҳмон қўлини баҳайбат китоб жавонлари томон узатиб, кўзларини айёрона қисганча деди:

– Бу дейман, китоб ўқиш касалинг ҳалигача тузалмадими?

Нодир ҳам дўстининг киноясига айна тарзда жавоб қайтарди:

– Ҳойнаҳой, сенда энди бошланяпти, шекилли.

– Ҳар ҳолда...

– Беҳазил. Нима излаётган эдинг бу ерда?

– Тўғри топдинг, мен ҳам китоб ўқишни бошладим, – деди ва қўшиб қўйди, – аммо сен ўқийдиган китобларданмас. Мен умрим бўйи бор-йўғи биттагина китоб ўқийман, у ҳам бўлса муҳосибат, яъни бухгалтерия китоби. Шу кунларда янги наشري чиққанмиш. Ўша янгисини топсам, эскисининг баҳридан ўтаман. Эски китобларга тоб-тоқатим йўқ. Китоб деганлари янги пулдек бўлиши керак... Саҳифалари шарақ-шарақ қилиб очилсин.

Кейин Раҳмон худди нимадир ёдига тушгандек қўлини дўстининг елкасига қўйиб, жиддийлашди.

– Менга қара, Нодир, бу ердаги китобларни кўриб, бир нарса эсимга тушди. Кел, сенга истаганинча китоб берай. Биламан, сен китоб деса ўзингни томдан ташлайсан.

– Бугун кун қаёқдан чиқди?

– Уйимни алмаштирдим. Янги уйнинг эгаси китобларини олиб кетишни хоҳламаяпти. Чунки у менинг эски уйимга кўчиши керак, у ер эса анча-мунча тор.

– Янги уй муборак бўлсин...

– Раҳмат... Ҳа, айтмоқчи, уй соҳибаси кекса, касалманд, ёлғиз аёл. Бир ўғли бор, холос. У ҳам бўлса чет элда яшайди, эри эса олим экан, аллақачон вафот этган эмиш. Бутун бир хона полдан шифтгача китоб жавони, жавонларни кўрсанг, китоблар билан лиқ тўла. Ахир бошимга урамани шунча китобни? Йиғиштириб, улоқтираман қўяман. Яхшики, сени учратдим. Кел, шу китобларни сенга бера қолай, машина, юклаш ҳақи ҳам мендан. Хўш, кўнгиллари яна нима тусайди?

Нодир бир онлик тараддулланишдан сўнг:

– Хўп, майли. Китоблар қайси соҳа бўйича? – деб

сўради.

– Аёлнинг айтишича, эри йирик олим бўлган экан. Очиғи, исм-шарифини ҳам айтганди, эслаб қолмадим. Жавонлардан менимча ҳар соҳага тегишли китоб топилади.

– Модомики, сен таклиф этаркансан, рози бўлмай иложим йўқ.

Улар аввал янги хонадонни кўздан кечиришди. Катта хоналарнинг бирида марҳум уй соҳибининг китоблари тўпланганди. Ҳақиқатан, Раҳмон айтганидек, бу ерда ҳар соҳага оид китоб бор эди. Негадир Нодирга узоқ йиллар мобайнида бу жавонларга инсон қўли тегмагандек туюлди. Китобларнинг муқоваси ва ёнидаги ёзувлардан, муаллифларнинг исм-шарифидан уларнинг асосий қисми математикага оид эканлигини билиб олса бўларди. Балки бу китобларнинг таниш туюлиши Нодирнинг бир вақтлар математиклик ихтисосини олганлиги сабаблидир. Кейинчалик бошқа соҳада дастурчи сифатида ишласа-да, бу асарларнинг аксариятини анча олдин, ҳали талабалик пайтларидаёқ ўқиб чиққанди. Нодир китобларнинг номини ва муаллифлар исмини худди қўшиқ хиргойи қилгандек ўқий бошлади.

– Крамер, Маркус, Годунов....

Ошхонадан аҳён-аҳёнда чойга дастурхон ёзаётган Раҳмоннинг овози эшитиларди:

– Ҳа, қалай энди, уй сенга ёқдими? Мен ўзим анчадан бери шу томонларга кўчишни хоҳлардим. Хотиним ҳам шу ҳудудда катта бўлган. Қариндош-уруғларнинг кўпчилиги ҳам яқин-атрофда яшайди. Уйни алмаштирдим, устига яна бир оз пул ҳам бердим...

– Яхши уй экан, яхшиликка буюрсин.... Эйлер, Паскаль, Иброҳимов.... Тўйларга, хурсандчиликларга келиш насиб этсин...

– Нимагадир газ пастроқ....

– Айби йўқ, чойсиз ўтираверамиз... Самарский, Иванов, Ҳалилов...

Китоблар жавонларга муайян соҳалар бўйича жойлаштирилганди. Илмий китоблар бир тарафда, бадий асарлар эса муаллифлар яшаган даврларга қараб бошқа жавонлардан жой олганди. Гўёки бу ердаги эски китоблар билан тўлиб-тошган жавонларда вақт тўхтаб қолгандек, аниқроғи, китобларнинг асирига, гаровига айлангандек эди.

Китоблар орасида жуда қадимгилари ҳам кўзга ташланарди. Уларнинг муқоваси жимжимадор нақшлар билан безатилганди. Нима учундир Нодирга бу хона ҳам, жавонлар ҳам, хатто уларга тахланган китоблар

хам жуда таниш ва ниҳоятда қадрдон туюларди. Назарида, у қачонлардир бу уйда бўлган, аммо юз фоиз амин эдики, бу ерга унинг биринчи даъфа келиши.

Нодир китоблардан бирини кўлига олди, муқовасини очиб, илк саҳифасини кўздан кечирди. Паст овозда ёзувларни ўқий бошлади: "Азиз дўстим, буюк олим Йилмаз Фуломзодага муаллифдан".

Бу дунёнинг ишларини кўр! Бир вақтлар Йилмаз Фуломзода унинг муаллими эди. Бирдан томоғига нимадир тиқилди. Китоб эса гўё чўғ бўлиб қўлларини куйдирарди. Нодир қўллари дир-дир титраганча бирма-бир китобларни олиб, варақлай бошлади. Уларнинг аксариятини муллифлар ўз имзолари билан совға қилишганди. Дастхатларнинг деярли ҳаммаси айни жумлалар билан бошланарди: "Ҳурматли Йилмаз Фуломзодага...". Демак, бу муаллимнинг уйи экан-да. Нодирнинг кўз ўнгида Фуломзоданинг сиймоси жонланди. У киши қорача, тўладан келган, нигоҳлари ўйчан, қошлари қалин одам эди. Маъруза ўқиганида унинг баланд овози кўшни аудиторияларга ҳам ёйилар, худди бир неча гуруҳга машғулот ўтаётгандек бўларди. Йилмаз муаллим ҳамма учун, хусусан, талабалар учун гоётада севимли бир инсон эди. Нафақат математика фани, дунё адабиётидан ҳам чуқур билимга эга эди. Кўтаринки кайфиятда бўлган чоғларда, оддий бир йиғинлардами, дўстлар учрашувларидами тор ёки созда халқ куйларини завқ ила ижро этар, хаттоки бир оз дағалроқ, аммо мафтун этувчи ёқимли овозда қадимий халқ кўшиқларини куйларди. Ночор талабалардан кўлидан келган ёрдамани аямасди.

Бир куни гуруҳ фаолларидан бири Нодирни дарсдан сўнг пойафзал дўконига таклиф қилди. Аниқ ёдида, аёзли қиш, бутун шаҳарни қалин қор қоплаганди. Оёқ кийимининг тумшуғи чок-чокидан сўкилиб, устма-уст кийилган пайпоқлардан заррача наф йўқ эди. Дўконда гап нимадалиги аён бўлди. Гуруҳ фаоли очигини айтди. Ўшанда Нодир чунонам изза бўлди, уялдики... Маълум бўлишича, Йилмаз муаллим пулни йигитга бераркан, унинг исмини айтмасликни тайинлаган. Агар Нодир пулнинг қаердан келганини билишни истаб, ўжарлик килиб туриб олса, кўмак ташкилотидан аълочи талабаларга ажратилган маблағ ёки мукофот дейишни илтимос қилган. Бироқ ўшанда йигит оғзи бўшлик қилиб, пулни Фуломзода берганлигини айтганди. Бир

тарафдан тўғриси айтгани яхши бўлвди. Турган гапки, Нодир бировнинг садақасини қабул этмасди. Аммо Йилмаз Фуломзода... Бу инсон ҳар ишни беғараз, холисона амалга оширар, ягона мақсади яхшилик эди. Иссиққина пойафзални кийиб, кўчага чиққанида танига ёқимли бир илиқлик тарқала бошлагани ҳали-ҳануз ёдидан чиқмайди.

Фуломзода дарс ўтаркан, баъзида мумтоз шоирлардан ёки файласуфлардан мисол келтирарди. У классикани жуда севарди, негаки ўзи ҳам даврининг асл классикларидан бири эди....


Нодир университетнинг охириги курсида ўқиб юганида Йилмаз Фуломзода тўсатдан вафот этди. Марҳум билан видолашув ҳам унинг иш жойида, дарс берган университетнинг мажлислар залида ўтказилди. Унинг дафн маросимида ҳамма кўз ёши тўкканди. Кейинчалик ҳаёт яна ўз изига тушди. Ёдда қолганлар хотираларда яшай бошлади, унутилганлар эсланмай кетди. Дунёнинг ажаб ишлари кўп экан. Орадан шунча йил ўтиб, раҳматли Фуломзоданинг рафиқаси эридан мерос қолган уйини ичидаги китоблари билан бировга сотиб, кичикроқ уйга кўчишга мажбур. Олимнинг касал рафиқасига бу китобларнинг кераги йўқ. Ягона муаммо бу кўҳна хонадондаги китобларнинг толейи эди. Бироқ Нодирга Йилмаз домла бир пайтлар бировлар орқали олиб берган этик оёғини иситгани каби бу китоблар бировлар орқали унинг кўлига етиб келиб, борлигини иситмоқда эди.

Нодир оғир хўрсинди. Кўзидан оққан ёшлар китобнинг устига томди. Ошхонадан Раҳмоннинг овози келди:

– Нодир, кўнглинга ёққан нимадир топдингми? Сен буларни олиб кетмасанг, ташлаб юборишга мажбурман. Менга бунча китоб-дафтарнинг кераги йўқ... Менга бор-йўғи биттагина китоб зарур, яъни муҳосибат... Буёққа кел, кўлингни юв. Чой тайёр. Истасанг, бу учрашувимизни нишонлаймиз. Ҳа, нима бўлди, миқ этмайсан?

Нодир қафтларини бир-бирига ишқалади. Ошхонадан Раҳмоннинг оёқ товушлари эшитилди.

Озарбайжон тилидан
Шахло ҚОСИМОВА таржимаси



Ayol hamisha go'zal...



Ял-ял ёнган ёшлик ҳусни ортиқча пардоз-андоз касридан гуллаган пайтидаёқ хазон бўлади.

Леонардо Да Винчи

Шундай, аёллар ҳамиша, ҳамма жойда гўзал бўлишни истайди. Шунинг учун ҳам илк ҳуснбузардан, сочга тушган биринчи оқдан, биринчи ажиндан доимо хавотирга тушади. Ёш ўтган сари эса кўркамликни, ёшликни сақлаб қолиш учун турли воситалардан фойдалана бошлайдилар. Бироқ баъзан билиб-билмай қилинган турли муолажалар акс таъсир этиб, қутилган самарани бермаслиги, ҳатто акс натижани келтириб чиқариши мумкин. Ёш билан боғлиқ пардоз сирларини билиш учун Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий амалий тиббий маркази илмий

ходими Нигора Мирҳамидовага мурожаат қилдик.

– **Нигора Ваҳобжоновна, ажинга қарши воситаларга неча ёшдан мурожаат қилган маъқул деб ҳисоблайсиз?**

– Баъзи аёллар ажинга қарши воситалардан юзига ажин тушгачина фойдалана бошлайдилар. Баъзилар ўсмир ёшданоқ юздаги ўзгаришларни ажинлар деб ҳисоблаб, дарров аттор магазинлардан ажинга қарши турли-туман кремларни сотиб олиб, қўллаш бошлайдилар. Албатта, бу нотўғри ёндашув.

Келинг, бу масалани тушуниб олишга ҳаракат қилайлик. Бу саволга жавоб беришдан олдин тери нима

учун ва қандай қарий бошлашини билиб олиш лозим. Ёш каттаргани сари ёки жуда ёшга алоқасиз, эрта ажин пайдо бўладиган ҳолатлар мавжуд. Табиий қариш билан курашиш қийин бўлса-да, эрта ажин тушишининг олдини олиш мумкин. Тери қаришининг тезлашишига организмда витаминларнинг етишмаслиги, намланиши камлиги, қуёшдан сақланмаслик, стресс ҳолатлари ва чекиш сабаб бўлади.

Аслида йигирма беш ёшдан сўнг терининг регенерацияси секинлаша бошлайди. Тери хужайралари сувни илгаригидек кераклигича ушлаб қола олмайди ва теридаги “ёшлик оқсиллари” – эластин ва коллаген ишлаб чиқарилиши секин-

Tempera “tabiati” siri

Тасвирий санъатда темпера бўёқлари муҳим аҳамиятга эга. «Темпера» лотинчадан олинган бўлиб, аралаштириш деган маънони англатади. Темпера ҳам сувбўёқлар туркумига киради. Темпера бўёқлари XVIII асргача тасвирий санъатнинг дастгоҳли ва маҳобатли йўналишларида энг яхши хом ашё ҳисобланган. X асрдан бошлаб дунё рассомлари ўзларининг энг ажойиб асарларини темперада ишлаганлар. Темперада ишлаш усуллари асрлар давомида шаклланди. Бу усул шунчалик кенг оммалашганки, таниқли рассом Андрей Рублёв ижодининг асосий қисмини тухум саригидан тайёрланган темперада ишланган картиналар ташкил қилади. XVIII асрнинг иккинчи ярмигача рангтасвирда темпера урф бўлган эса-да, аста-секин унинг ўрнини мойбўёқ эгаллай бошлади. Темпера ёрдамида деворларга рангли тасвир ишлаш фақатгина Ғарбий Европадагина эмас, балки Византия ва Россияда, Марказий

Осиёда ҳам кенг тарқалган эди.

Ҳозир ҳам юртимиздаги меъморий обидаларда XV-XVII асрларга оид темпера билан ишланган рангтасвир намуналари сақланмоқда. Орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамасдан, уларнинг кўпчилиги ўзининг асл тусини йўқотмаган.

Темпера икки қисмдан: боғловчи элемент бўлмиш табиий ёки сунъий моддадан ва бўёқ моддасидан ташкил топади. Боғловчи элементлар эмульсиясининг таркибига қараб сариқ, оқ, тухумли, мой-тухумли, казеинли ва бошқа турларга бўлинади. Темперанинг бу турлари бир-бирларидан фақат боғловчи элементларининг таркиби билангина эмас, балки бошқа ўзига хосликлари билан ҳам ажралиб туради. Темпераларни ишлаб чиқариш технологияси куйидагилардан иборат:

Оқ темпера тухум оқи қўшиб тайёрланади. Лекин у ташқи муҳитга унчалик мос эмас.

лашади. 27-30 ёшда эса зўриқиш, уйқусиз тунларнинг тамғаси дарров кўринади. Айна шу вақтда териға ичкаридан ёрдам бериш зарур ва ана шунда ажинга қарши воситалар ёрдамга келади. Бундай воситаларнинг асосини фаол қўшимчалар ҳосил қилиб, терининг тикланишига ёрдам беради.

Бундай қўшимчаларга гиалурон кислотаси, эластин, коллаген, пептидлар ва ўсимликлар экстрактлари қиради.

– Шундай экан, қарий бошлаган терини қандай парвариш-лаш керак?

– Бу индивидуал ҳал қилинадиган масала. Яъни тери парвариши унинг талабчанлигиға боғлиқ. Косметологлар одатда ажинга қарши кремларни ўттиз ёшдан қўллашни маслаҳат берадилар.


Юз терисининг қуруқлиги, юпқалиги, бунинг устига мимика чуқурлиги тез қариш аломатлари ҳисобланади. Баъзида юзга ажин эрта тушиши ирсиятга ҳам боғлиқ. Шу тўғриси ҳар қандай косметик воситалардан фойдаланиш учун хос томонлар ҳисобга олиниши лозим. Шунинг учун аввал юз те-

рига намлантирувчи кремни тўғри танлаш ва доимий қўллаш тавсия қилинади.

– Юзни ажинлардан узоқ вақт ҳимоя қилиш чоралари тиббиётда мавжудми?

– Умрбод ажин туширмайдиган косметик восита йўқ. Лекин юз, бўйин, қўл терисини мунтазам парвариш қилиш ажин тушишини секинлаштиради. Тўғри танланган кун тартибига амал қила бориш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш, баданни офтобга меъёри билан тоблаш, юзни қаттиқ шамолдан асраш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳар бир аёл алоҳида шахс. Ўртоғим ажин тушмаслиги учун фалон воситалардан фойдаланаркан, деб кўр-кўрона эргашиб нотўғри. Шунингдек, ички касалликлар, организмда бўладиган ўзгаришларни ҳам ҳисобга олиб, мутахассис билан маслаҳатлашиб, ажинларга қарши воситаларга мурожаат қилиш лозим. Ёшлик ва кўркамликни асраш учун аёл киши саломатликка эътиборли бўлиши, тўғри овқатланиши, меҳнат қилиши ва дам олиши лозим.



– Фойдали маслаҳатларингиз учун раҳмат!

Аслида ажинлар ҳам кексалikka ҳусн. Юзларига йиллар из солган момоларимизга меҳримиз бўлакчалиги шундан бўлса керак. Ҳаммани ҳам кексаликнинг кўркам ажинларига етказсин. Фақат шу ажин узоқроқ куттириб келсин!

Нигина ҚОДИРОВА суҳбатлашди

Қуригандан сўнг сиртида мўрт қағат пайдо бўлади. Бу темперадан кўпроқ қоғоз, картон, лок ҳамда алиф билан қопланмайдиган сиртларни бўйишда, безатишда фойдаланиш қулай.

Сариқ темпера тухум сариғи қўшиб тайёрланади.

Тухумли темпера учун боғловчи сифатида тухум сариғи ва оқининг тухум ҳажмидаги сув билан эритмаси олинади ва куракча ёрдамида аралаштирилади. Сўнг мустаҳкамлигини ошириш учун керакли миқдорда фенол қўшилади. Эмулсия ҳосил қилинган, унга темпера бўёқ порошоги аралаштирилади. Бу темпера ҳам ўзининг пишиқлиги ва ранг-баранглиги билан сариқ темперадан қолишмайди.




М о й - т у х у м л и темпера тайёрлаш учун тухумнинг оқи ва сариғи яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра мойли локдан маълум миқдорда қўшилади ва мунтазам

аралаштириб турилади. Эмулсия тайёр бўлгандан сўнг ҳам аралаштириш давом эттирилади. Мустаҳкамлаш мақсадида унга формалиннинг кучсиз эритмаси қуйилади. Эмулсия тайёрлашда тухум оқи ва сариғининг аралашмаси кўп олинса, бўёқнинг ранги ёмонлашади ва айрим ҳолларда кўчиб тушади. Мойлар ва мойли локлар ортиқча олинганда эса қуйилган бўёқ қаватида хунук кўриниш ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳар бир темперани тайёрлашда меъёрга аҳамият бериш керак. Бу темперадан фақатгина ишланган юзаларни безашда фойдаланиш мумкин.

Айни бўёқни тайёрлаш ва унда ишлаш кўникмаси олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларининг тасвирий ва амалий санъат йўналишида таҳсил олаётган талабалар ижодий ишлари янада самарали бўлишига кўмак беради. Шунинг унутмаслик лозимки, темпера бўёқлари экологик жиҳатдан шунчалар софки, бундай рангли асарларга ҳатто ҳашаротлар ҳам «бефарқ» бўлишмайди.

Низомиддин ТУРСУНАЛИЕВ



**“МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ” АЙЛАНМА
КРОССВОРДИ**

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Футбол ватани. 2. Футбол майдони қисми. 3. Таниқли ўзбек футболчиси. 4. “Арсенал” жамоаси бош мураббийи Арсен ... 5. Осиенинг энг яхши мураббийларидан бири, ватандошимиз. 6. Голландия футбол жамоаси. 7. Шотландиядаги жамоа. 8. Тенг натижа билан тугалланган ўйин. 9. Қанот ҳақами анжومي. 10. Украина футбол жамоаси. 11. Миллий терма жамоамиз таркибда ўйнаган тўпурар. 12. Таниқли ўзбек футбол ҳақами. 13. Футбол қироли Пеле ўйнаган жамоа. 14. Аргентиналик тўпурар мураббий. 15. “Галатасарой” жамоаси аъзоси. 16. Бразилиядаги энг улкан стадион. 17. “Валенсия” жамоаси дарвозабонларидан бири. 18. Футбол майдонининг ҳимоя қилинадиган қисми. 19. “Малага” футбол жамоаси ҳимоячиси. 20. Қашқадарё вилоятидаги футбол жамоаси. 21. Франциянинг “Реймс” жамоаси дарвозабони. 22. Англиядаги футбол жамоаси. 23. Самарқанд вилоятидаги футбол жамоаси. 24. “Бавария” футбол жамоаси тўпурари. 25. “Зенит” жамоаси ҳужумчиси. 26. Футбол анжомлари ишлаб чиқарувчи фирма. 27. Бразилия футбол

терма жамоаси мураббийси. 28. Мамлакатимиз чемпионатида бир ўйинда “дубль хеттрик”ка эришган ҳужумчи. 29. Саккиз мартаба чемпионликка эришган республикамиз хотин-қизлар мини-футбол жамоаси.

МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1. Ўзбек футбол фахрийси, мураббий – 1, 6, 10, 8, 5, 1, 3, 2, 4, 9.

2. Ўзбекистон футбол ватани ҳисобланувчи тарихий шаҳар – 12, 18, 12, 4, 15.

3. Тошкент вилоятидаги футбол жамоаси - 4, 14, 2, 1, 14, 3, 12.

4. Англиянинг “Челси” жамоаси дарвозабони – 16, 20, 11.

5. Футболдаги “энг яхши ҳимоя” – 17, 8, 19, 8, 2.

6. Ўйинчининг мохирона ҳаракати – 7, 3, 15, 13.

Энди шаклнинг ички қисмларидаги рақамларни калит сўзлар жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириш асосида муаммонгани ҳал этинг. Бунда улардан ўзбек футбол ҳақидаги асар ва унинг муаллифи, футболимизнинг илк устоз шарҳловчиси, фидойи журналист номини билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Ҳаммаси ойим саломатликка доир кўрсатувни кўрганларидан бошланди. Унда ёнғоқнинг фойдали хусусиятлари тўғрисида гапиришган экан. Эмишки, бир кунда олти дона ёнғоқ еган одам бардам бўлиб, ақлий қобилияти ҳам ривожланар экан. Эртаси куни дадам бозорга чопдилар бир қоп ёнғоқ олиб келдилар. Ҳар куни нонуштага йигирма тўрт дона ёнғоқ кўямиз. Ойим дадам, мен ва укамни ҳар кунлик нонуштага кўшиб олтиладан ёнғоқни емагунимизча уйдан чиқармайдилар. Бир куни саломатликка доир газета кўтариб келдилар. Унда ҳар куни ухладан олдин бир пиёла сут ичиш ёки битта олма ейиш кераклиги ёзилган экан. Шу кундан бошлаб, ухладан олдин сут ичиш ва олма ейиш одатга кирди.

Дадам ишга, укам ва мен ўқишга кетамиз. Ойим кун бўйи зерикмаслик учун кўшнилари билан уйимиз олидаги майдончада гаплашиб ўтирадилар. Бир ўртоқлари бир кунда биттадан бодринг ёки банан ейиш саломатликка фойда, дебди. Энди ўқишдан келишимиз билан бодринг ейдиган бўлдик. Бир куни дадам жиғилдон қайнашидан шикоят қилиб қолдилар. Ойим унга ҳам қўлбола даво излаб топдилар. Бу сафар аниқ манба ким ёки нима эканини билмадим. Бироқ бечора дадам наҳорга хом картошканинг сиқиб олинган сувини ичиб, ярим соатдан кейин битта сабзи еб, ярим соатдан кейин нонушта қилишлари керак экан. Дадам бу ишларни ихлос билан қилар, жиғилдони эса безовта қилишни кўймасди... Баҳор кунларининг бирида укам тумов бўлиб қолди. Ойим бу сафар интернетдан чора топдилар. Укамнинг бурнига пиёз сувини томиза бошладилар. Бечора укамнинг бурни қолиб, кўзларидан ҳам ёш оқа бошлади. Ойим астойдил ўрганиб, укам тумов эмас, аллергияга чалинганини билиб қолдилар. Энди пиёлага шўр сув, ялпиз суви ва бир нималарни аралаштириб, шприцга тортиб, укамнинг бурнига томиза бошладилар. Охири укам "тузалганини" исботлаш учун ойимнинг олдиларида бурун тортмайдиган бўлди. Шундай бўлса ҳам муолажа ўн кун давом этди. Ойимнинг "табобат"га қизиқишлари туфайли бир куни мош қайнаган сув ичамиз, бир куни қатиққа асал аралаштириб ичамиз. Лекин нимагадир дадам озиб, укам семириб кета бошлади. Ишқилиб, ойим сезиб, дадамни семиришга, укамни озишга чоғлаб қолмасалар бўлгани. Кеча

ўқишдан келсам ойим ҳовончада бир нима туйиб ўтирибдилар. Нималигини сўрасам, "Сарой жавоҳири" фильмидаги Тангемдан ўрганибдилар: занжабил, долчин ва яна тилим келишмайдиган аллақандай доривор ўтларнинг жамланмасидан овқатга ярим қошиқ солиб ичсак, иммунитетимиз ошаркан! Начора, касал бўлиб, бир нималарнинг аралашмаларини ичгандан, касал бўлмаслик учун овқатга зираворлар солиб ичамизда. Хуллас, ойим кундалик дафтар тутиб, фойдали маҳсулотлар рўйхати, ҳафтанинг қайси



(hajviya)

Sog'lom bo'lay desang...

“ОНА ВАТАН КУЙЧИСИ” АЙЛАНМА КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1.“Навойи”. 2.“Ватаним”. 3.“Ўғлонлар”. 4.“Онаизор”. 5.Марҳамат. 6. Халқона. 7.Энахон. 8.Мадалиев. 9.“Розидил”. 10.“Зебижон”. 11.“Бағишлов”. 12.Қодирий. 13.“Манзара”. 14.Машраб. 15.Улуғбек. 16.“Турналар”. 17.“Сумалак”. 18.“Муҳаббат”. 19.Бойтоев. 20.“Унуттиш”. 21.Тошкент. 22.“Болалик”. 23.Файзулло. 24.“Ҳақиқат”. 25.“Андижон”. 26.“Соғиндим”.

МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1.“Бободехқоним”. 2.“Қизғалдоқ”. 3.“Ўзбекмомо”. 4.“Онамга”. 5.Бухоро. 6.“Дўппи”. 7.“Маслаҳат”. 8.Шукур Қурбон.

Шеър: Билдимки, баридан улуғим ўзинг,
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.
Баҳорда Бахмалда туғилган кўзинг,
Араб оҳусидан азизроқ менга.
“Ўзбекистон” шеърдан.

куни нима еб, нима ичимизни ёзиб боряптилар. Ҳар замонда оғзимизни очиб, кўзларимизни йириб, текшириб кўядилар.

Бугун сабзавотлар турадиган шкафни очсам, капалак учиб чиқди. Ойим кўриб қолиб, уйни дизенфекция қилиб, ҳаммамизнинг ичимизни тозаламасинлар деб, секин деразадан учириб юбордим. Бироқ ойимнинг капалаклардан хабари бор экан. Бу биз ҳар куни дамлаб, коктейл қилиб ичадиган қуритилган меваларнинг капалаги экан. Дадам бу маҳсулотларни янгилаш учун бозорга кетибдилар. Ҳайронман, ёзнинг чилласида қуритилган мева...

Хуллас, шунақа гаплар. Кимнинг нима шикояти бўлса, дўхтирга бориб, дорига пул сарф қилиб юрмай, ойимга қўнғироқ қилсин... Оббо, ойим чақираяптилар, менимча, исириқнинг дамласидан ичиш пайтим бўлган...

Гулбаҳор ОТАЖОНОВА

Tasvirdagi sukunat sasi

Шундай одамлар яшаб ўтишадик, уларнинг умр йўллари, қилган ишлари мангуликка дахлдор бўлади. Рангасвир устаси Ўрол Тансиқбоев – юртимизнинг энг машҳур рассомларидан бири. Муҳлислар унинг картиналарини ўзига хос романтик образлари учун, миллий анъаналарни шоирона талқин қилгани учун қадрлашади.

Ўрол Тансиқбоев 1904 йил 14 январда Тошкентда туғилган. Етти йиллик мактабни битириб, заводда иш бошлайди. Рассомнинг ўзбитигида “Чизиш билан йигирма ёшидан шуғуллан”гани айтилса-да, аслида унинг иқтидори айна шу ёшига келиб, мукаммаллашиб, муайян бир шакл ҳосил қилиб, аниқ асарлар яратиш даражасига етган бўлса, ажаб эмас. Чунки дастлабки картиналарини ўзи ишлаб юрган завод клубида йигирма ёшида намойиш этган. 1924 йили матбуотда унинг дастлабки ишлари “ишчи-рассом Ўрол Тансиқбоев” номи билан чиқади. Рассом Тошкент санъат музейида Н. Розановдан маҳорат сабоқларини олади ва уни рассомликда биринчи устози деб билди.

Ў.Тансиқбоев Пензадаги рассомчилик билим юртида таҳсил олган. Билим юртидаги назарий таҳсил унинг ўзига номаълум қирраларининг намоян бўлишига хизмат қилди. 1929 йилда Тошкентга қайтиб, рассомлик фаолиятига киришиб кетди. Энди унинг ижодида янги ирмоқлар пайдо бўлган эди. У қисқа вақт ичида таниқли санъаткорга айланиб улгурди. Рассом бошқа санъат усталари билан турли худудларга уюштирилаётган сафарларда иштирок этиб, ижодий ишларига янги-янги мавзулар олиб қайтар эди.


Тансиқбоевнинг ижодий ишлари 1934 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек рассомларининг катта кўргазмасида намойиш этилди. Кўргазмага келганлар ёш рассомнинг асарларида ўсиш сезилганининг, ўз услуби шаклланиб улгурганининг гувоҳи бўлишди. “Кўчманчилар”, “Қадрдон овул” ва бошқа асарлари унинг қалб оҳанглари бўлиб ўз томошабинларини топа олди. Бу асарларда ўзбек рассомлик мактаби анъаналари ва европача услубнинг муштараклиги бўй кўрсатиб, рассом маҳоратини белгилаб берган.

Ўрол Тансиқбоевнинг бўёқлардан қандай фойдаланиши, ўз асари устида қандай ишлаши, асарга мавзу топиши ҳақида сўзлаш қийин. Асарларининг ўзи бу саволларга жавоб бўлиб, ўз оламига маҳлиё қилиб туради. Картичаларини томоша қила туриб, сувнинг жилдирашини ҳам, сокин оқшом сукунатини ҳам, олис-олислардан чирилдоқлар чорловини ҳам тинглаш мумкин. Унинг асарлари ҳаётнинг ўзидай рост кўринади.

Ўрол Тансиқбоев 1974 йилнинг 18 апрелида вафот этди. Рассом сермазмун умр кечирди. Унинг асарлари ҳар жойда, ҳамма вақт эътирофларга сазовор бўлди. Ҳамма жойда уни ўзбекистонлик мўйқалам устаси деб эъзозлашар, кўргазмалари гавжум бўлар эди.


Ўрол Тансиқбоевнинг Тошкентдаги ижодхонаси унинг уй-музейига айлантирилган. Бу йил рассом таваллудига 110 йил тўлди. Унинг номи тасвирий санъат муҳиблари қалбига асарларидаги сокинлик билан кириб бориб, узоқ яшайди.

Азамат ФАЙЗУЛЛАЕВ






Jonajon o'lka. 1951.



Tog'dagi qishloq. 1962.




O'zbekistonda mart. 1958.



*O'rol Tansiqboyev
110 yoshda*



Tog'dagi yaylov. 1953.



Xp 5200



Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.

OBUNA DAVOM ETMOQDA

ISSN 2091-5330

